Таджибаева Дилбар Ахмедовна	13.00.02	<p>28.04.2016/B2016.2.Ped412</p> <p>Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг чет тили коммуникатив компетенциясини шакллантириш (немис тили мисолида)</p> <p>Формирование иноязычной коммуникативной компетенции у детей младшего школьного возраста (на примере немецкого языка)</p>	Боқиева Гуландом Ҳисамовна	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
Тухтасинов Илхомжон Мадаминович	13.00.02	<p>28.04.2016/B2016.2.Ped413</p> <p>Таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни эквивалентлик ҳодисаси асосида ривожлантириш</p> <p>Развитие профессиональной компетенции с учётом эквивалентности в подготовке переводчика</p>	-	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
Мирзаева Феруза Тиялевна	13.00.05	<p>28.04.2016/B2016.2.Ped414</p> <p>Имконияти чекланган ёшларни касб-хунарга тайёрлашда интегратив фаолиятли ва модулли ёндашув (ҳаракат таянч аъзоларида нуқсонли бор ёшлар мисолида)</p> <p>Модульно-интегративный подход к подготовке молодежи с ограниченными возможностями к профессии (на примере молодежи с нарушением опорно-двигательного аппарата)</p>	Олимов Қаҳрамон Танзилович	Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти
Самиева Шахноз Хикматовна	13.00.05	<p>28.04.2016/B2016.2.Ped415</p> <p>Касб-хунар коллежлари дизайн йўналиши ўқувчиларида эстетик дунёқараш методикасини такомиллаштириш</p> <p>Совершенствование методики эстетического мировоззрения у учащихся профессиональных колледжей по дизайнерскому направлению</p>	Олимов Ширинбой Шарофович	Бухоро муҳандислик-технология институти
Ходиев Улуғбек Салохиддинович	13.00.05	<p>28.04.2016/B2016.2.Ped416</p> <p>Касб-хунар коллежларида бўлажак кичик мутахассисларнинг рақобатбардошлик қобилиятини шакллантириш тизимини такомиллаштириш</p> <p>Совершенствование системы формирования конкурентоспособности будущих младших специалистов в профессиональных колледжах</p>	Ходжабаев Анарбай Рустамович	Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти

1	2	3	4	5
Тайлақов Улугбек Норбекович	13.00.06	<p>28.04.2016/V2016.2.Ped417</p> <p>Таълим муассасаларининг ягона электрон ахборот-таълим муҳитини яратиш ва жорий этиш (узлуксиз таълим тизими учун)</p> <p>Создание и применение единой электронной информационно-образовательной среды образовательных учреждений (для системы непрерывного образования)</p>	-	Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти
Ғаффаров Феруз Хасанович	13.00.06	<p>28.04.2016/V2016.2.Ped418</p> <p>Махсус фанлар бўйича электрон таълим ресурслари базасини яратиш ва уларнинг масофадан фойдаланиш методикаси (касб таълими бўйича)</p> <p>Методика создания базы электронных образовательных ресурсов по специальным предметам и их дистанционного использования (профессиональное образование)</p>	Олимов Кахрамон Танзилович	Бухоро муҳандислик-технология институти
			<p>14.00.00 ТИББИЁТ ФАНЛАРИ</p>	
Муминова Зиёда Аброрвна	14.00.01	<p>28.04.2016/V2016.2.Tib714</p> <p>Ўткир респиратор инфекцияли ҳомиладор аёлларда акушерлик ва перинатал асоратларни прогнозлаш ва профилактикаси</p> <p>Прогнозирование и профилактика акушерских и перинатальных осложнений у беременных с острой респираторной инфекцией</p>	Саиджалилова Дилноза Джавдатовна	Тошкент тиббиёт академияси
Гульманов Ильич Джумабаевич	14.00.02	<p>28.04.2016/V2016.2.Tib715</p> <p>Экспериментал пневмония ва ёғли юклама шароитида ўпка тўқимасининг морфо-функционал хусусиятлари</p> <p>Морфо-функциональные особенности легочной ткани при экспериментальной пневмонии и жировой нагрузке</p>	Шомирзаев Нажиулла Хабибулла-евич	Тошкент тиббиёт академияси
Расулов Хаמידулла Абдуллаевич	14.00.02	<p>28.04.2016/V2016.2.Tib716</p> <p>Параартикуляр тузилмаларнинг шаклланиши ва гипотиреоз таъсиридаги ўзгаришларининг морфофункционал тавсифи (экспериментал-морфологик тадқиқот)</p> <p>Морфофункциональная характеристика становления и изменений параартикулярных структур при гипотиреозе (экспериментально-морфологическое исследование)</p>	-	Тошкент педиатрия тиббиёт институти

1	2	3	4	5
Юлдашева Мохигул Турдиалиевна	14.00.02	28.04.2016/V2016.2.Tib717 Қалқонсимон без дисфункциясида тимуснинг хусусиятлари Структурная особенность тимуса при дисфункции щитовидной железы	Азизова Феруза Хусановна	Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали
Бабаханов Гулимбай Кутлибаевич	14.00.04	28.04.2016/V2016.2.Tib718 Болалардаги бурун тўсиғи қийшиқлигини ташхислаш ва даволаш Диагностика и лечение искривления перегородки носа у детей	Хасанов Саидакрам Аскарлович	Тошкент педиатрия тиббиёт институти
Махаммад-аминова Шоира Абдувалиевна	14.00.04, 14.00.36	28.04.2016/V2016.2.Tib719 Болалар ҳиқилдоқ папилломатозининг клиник-функционал тавсифи, ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш Клинико-функциональная характеристика, оптимизация диагностики и лечения папилломатоза гортани у детей	Абдуллаева Нигора Нусратовна, Исмаилова Адолат Абдурахимовна	Тошкент тиббиёт академияси
Собиров Максуд Атабаевич	14.00.05	28.04.2016/V2016.2.Tib720 Сурункали буйрак етишмовчилиги билан оғриган беморларда касаллик авж олишининг клиник-патогенетик механизмларини баҳолаш ва даволашни муқобиллаштириш Оптимизация терапии больных хронической почечной недостаточностью с оценкой клинико-патогенетических механизмов прогрессирования	Даминов Ботир Турғунпулатович	Тошкент педиатрия тиббиёт институти
Ахмадалиев Рустамжон Умаралиевич	14.00.07	28.04.2016/V2016.2.Tib721 Шиша ишлаб чиқаришдаги мавжуд гигиеник муаммоларни бартараф этиш тизимини такомиллаштириш Совершенствование системы устранения гигиенических проблем при производстве стеклоизделий	Бахритдинов Шахобиддин Самарович	Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали
Ашурова Мукаддас Джалолдиновна	14.00.07	28.04.2016/V2016.2.Tib722 Болалар “Мехрибонлик” уйларининг шароитини гигиеник баҳолаш услубиётини такомиллаштириш Совершенствование методики гигиенической оценки условий детских домов “Мехрибонлик”	Бахритдинов Шахобиддин Самарович	Тошкент тиббиёт академияси
Файзиева Дилором Хуснитдиновна	14.00.07	28.04.2016/V2016.2.Tib723 Ўзбекистон шароитида аҳоли сув таъминоти хавфсизлигини таъминлашнинг экологик ва гигиеник хусусиятлари Эколого-гигиенические особенности обеспечения безопасного водоснабжения населения в условиях Узбекистана	-	Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти

1	2	3	4	5
Акшей Кхера	14.00.08	<p>28.04.2016/V2016.2.Tib724 Пролифератив диабетик ретинопатия ва катарактали беморларни даволашда витреал жаррохлик усулини такомиллаштириш (прогностик жиҳатлари)</p> <p>Совершенствование метода витреальной хирургии в лечении больных пролиферативной ретинопатией и катарактой (прогностические аспекты)</p>	Бахритдинова Фазилат Арифовна	Тошкент тиббиёт академияси
Каримов Улугбек Расулович	14.00.08	<p>28.04.2016/V2016.2.Tib725 Очиқ бурчакли глаукома турларининг клиник-функционал хусусиятлари ва уларни даволашда дифференциал ёндашув</p> <p>Клинико-функциональные особенности и дифференцированная тактика лечения различных форм открытоугольной глаукомы</p>	Бахритдинова Фазилат Арифовна	Тошкент тиббиёт академияси
Миррахимова Саидахон Шухратовна	14.00.08	<p>28.04.2016/V2016.2.Tib726 Неоваскуляр глаукоманинг комбинациялашган давосини ишлаб чиқиш</p> <p>Разработка комбинированного лечения неоваскулярной глаукомы</p>	Билалов Эркин Назимович	Тошкент тиббиёт академияси
Нарзикулова Кумрижон Исломовна	14.00.08	<p>28.04.2016/V2016.2.Tib727 Кўз юзасининг яллиғланиш касалликларини комплекс даволашни ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини клиник-экспериментал баҳолаш</p> <p>Разработка и клинико-экспериментальная оценка эффективности комплексного лечения воспалительных заболеваний глазной поверхности</p>	Бахритдинова Фазилат Арифовна	Тошкент тиббиёт академияси
Юсупов Азамат Фархадович	14.00.08	<p>28.04.2016/V2016.2.Tib728 Ёшга боғлиқ макуляр дегенерация касаллигида кўзнинг функционал ҳолатини комплекс баҳолаш ва даволаш усулини танлаш</p> <p>Комплексная оценка функционального состояния глаза при возрастной макулярной дегенерации и выбор тактики лечения</p>	Билалов Эркин Назимович	Тошкент тиббиёт академияси
Атаҳажиев Миркомил Соткинбоевич	14.00.09	<p>28.04.2016/V2016.2.Tib729 ОИВ инфекцияланган болаларнинг саломатлиги ва жисмоний ривожланиши, уларнинг жисмоний тарбия ҳамда спорт машғулотларига жалб қилиниш мезонлари</p> <p>Здоровье и физическое развитие ВИЧ инфицированных детей, критерии привлечения их к занятиям спортом и физическому воспитанию</p>	-	Андижон давлат тиббиёт институту

1	2	3	4	5
Каримова Умида Нирматовна	14.00.09	<p>28.04.2016/V2016.2.Tib730 Атопик дерматитли болаларда сурункали гломерулонефрит кечишининг клиник-иммунологик хусусиятлари ва даволашни такомиллаштириш</p> <p>Клинико-иммунологические особенности течения и совершенствования терапии хронического гломерулонефрита у детей с атопическим дерматитом</p>	Рахманова Лола Каримовна	Тошкент тиббиёт академияси
Атаходжиева Хуршида Абдулла- хатовна	14.00.10	<p>28.04.2016/V2016.2.Tib731 Болаларда ОИВ инфекциясини юқиш йўлига боғлиқ клиник-патогенетик жиҳатлари ва ретровирусга қарши даво самарадорлиги</p> <p>Клинико-патогенетические аспекты ВИЧ-инфекции у детей и эффективность антиретровирусной терапии в зависимости от путей передачи</p>	Ибадова Гулнора Алиевна	Тошкент врачлар малакасини ошириш институту
Касимова Раъно Ибрахимовна	14.00.10	<p>28.04.2016/V2016.2.Tib732 ОИВ инфекцияли беморларда марказий асаб тизими зарарланиши билан кечадиган оппортунистик инфекцияларнинг клиник-патогенетик хусусиятлари, ташхислаш ва даволашни оптималлаштириш</p> <p>Клинико-патогенетические особенности, оптимизация, диагностика и лечение оппортунистических заболеваний с поражением центральной нервной системы у больных ВИЧ-инфекцией</p>	-	Вирусология илмий- текшириш институту
Эргашева Муниса Якубовна	14.00.10	<p>28.04.2016/V2016.2.Tib733 Энтеровирусли инфекцияларнинг клиник-вирусологик хусусиятлари</p> <p>Клинико-вирусологические особенности энтеровирусных инфекций</p>	Комилов Фарход Хайдарович	Вирусология илмий- текшириш институту
Артикова Мавлуда Абдурахма- новна	14.00.13	<p>28.04.2016/V2016.2.Tib734 Болалар церебрал фалажлигида эпилепсия диагностикаси ва даволашнинг клиник-патогенетик хусусиятлари</p> <p>Клинико-патогенетическая характеристика и диагностика эпилептического синдрома при лечении детского церебрального паралича</p>	Гафуров Бахтиёр Гафурович	Тошкент врачлар малакасини ошириш институту
Максудова Дилнозахон Юнусовна	14.00.13	<p>28.04.2016/V2016.2.Tib735 Қандли диабет ва деменция: клиник-неврологик параллеллари, эрта ташхислаш ва даволаш</p> <p>Сахарный диабет и деменция: клинико-неврологические параллели, ранняя диагностика и терапия</p>	Раҳимбаева Гулнора Саттаровна	Андижон давлат тиббиёт институту

1	2	3	4	5
Рахматуллаева Насибахон Исламбаевна	14.00.13	<p>28.04.2016/V2016.2.Tib736 Жадаллашувчи қон-томир лейкоэнцефалопатияси (Бинсвангер касаллиги): патогенетик механизмлар, ташхислаш ва даволаш алгоритмларини такомиллаштириш</p> <p>Прогрессирующая сосудистая лейкоэнцефалопатия (болезнь Бинсвангера): патогенетические механизмы, оптимизация алгоритмов диагностики и лечения</p>	Раҳимбаева Гулнара Саттаровна	Андижон давлат тиббиёт институти
Ибрагимов Шавкат Нарзикулович	14.00.14, 14.00.19	<p>28.04.2016/V2016.2.Tib737 Янги маҳаллий ўсмага қарши препаратларнинг экспериментал канцерогенезда радиосезувчанлик таъсири</p> <p>Радиосенсибилизирующее действие новых отечественных противоопухолевых препаратов в экспериментальном канцерогенезе</p>	Наврузов Саримбек Наврузович	Республика онкология илмий маркази
Маллаев Махсуд Мухаммадиевич	14.00.14	<p>28.04.2016/V2016.2.Tib738 Меъда-ичак тизими МАЛТ лимфомаси ташхислаш ва даволаш турини танлашни оптималлаштириш</p> <p>Оптимизация диагностики и выбора лечебной тактики МАЛТ лимфом желудочно-кишечного тракта</p>	Юсупбеков Аброрбек Ахмаджанович	Тошкент тиббиёт академияси
Хожитоев Санжар Валирахимович	14.00.14	<p>28.04.2016/V2016.2.Tib739 Инвазив қовуқ саратонини яхлит даволашнинг самарали йўллари</p> <p>Пути улучшения комбинированного лечения инвазивного рака мочевого пузыря</p>	Тиллашайхов Мирзагалеб Нигматович	Республика онкология илмий маркази
Худайкулов Атабек Тиллаевич	14.00.14	<p>28.04.2016/V2016.2.Tib740 Сут беги саратонининг Ўзбекистондаги эпидемиологик хусусиятлари</p> <p>Эпидемиологические особенности рака молочной железы в Узбекистане</p>	Юсупбеков Аброржон Аҳмеджонович	Республика онкология илмий маркази
Бутаев Азамат Хасанджонович	14.00.15	<p>28.04.2016/V2016.2.Tib741 Миастениянинг морфофункционал хусусиятлари ва уни комплекс даволашда лазер технологияларини қўллаш</p> <p>Морфофункциональные особенности миастении и обоснование использования лазерных технологий в её комплексном лечении</p>	Байбеков Искандер Мухамедович	Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази

1	2	3	4	5
Ўринов Фаррух Анварович	14.00.15	28.04.2016/V2016.2.Tib742 Чақалоқлардаги сурункали яллиғланиш реакция синдроми жараёнида талоқнинг морфологик ва морфометрик хусусиятлари	Косимхожиев Мухаммаджон Иброхимжон ўғли	Андижон давлат тиббиёт институту
		Морфологические и морфометрические особенности селезенки при синдроме системной воспалительной реакции новорожденных		
Сайфуллаева Саида Акрамжонов- на	14.00.16	28.04.2016/V2016.2.Tib743 Жигар яллиғланиши патогенезида нитрергик ва монооксигеназ тизимлар ўртасидаги функционал боғлиқлик	Каримов Хамид Якубович	Тошкент тиббиёт академияси
		Функциональная зависимость между нитрергической и монооксигеназной системами в патогенезе воспаления печени		
Юлдашева Дилдора Даликузиевна	14.00.16	28.04.2016/V2016.2.Tib744 Эндотелиал дисфункция экспериментал тиреотоксикоздаги қон реологияси ва микроциркулятор ўзгаришлар негизи	Ирискулов Бахтиёр Уктамович	Тошкент тиббиёт академияси
		Эндотелиальная дисфункция основа нарушений реологии крови и микроциркуляции при экспериментальном тиреотоксикозе		
Адилов Миржамол Азамович	14.00.17	28.04.2016/V2016.2.Tib745 Табиий тузилишга эга бўлган, яллиғланишга қарши янги дори воситалари яратишнинг фармакологик ва токсикологик жиҳатлари	-	Тошкент фармацевтика институту
		Фармакологические и токсикологические аспекты разработки новых противовоспалительных препаратов природного происхождения		
Мўминов Рахимжон Каюмжонович	14.00.18	28.04.2016/V2016.2.Tib746 Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳлардан туғилган болалардаги руҳий зўриқишлар	Аграновский Марк Лазерович	Андижон давлат тиббиёт институту
		Психические расстройства у детей, рожденных от близкородственных браков		
Джураева Нигора Мухсумовна	14.00.19	28.04.2016/V2016.2.Tib747 Юрак ишемик касаллигини нурли ва генотип ташхисига турлича ёндашувлар	-	Республика ихтисослаш- тирилган хирургия маркази
		Мультивариантные подходы к сочетанной лучевой и генотипической диагностике ишемической болезни сердца		

1	2	3	4	5
Шермуратов Анваржон Раҳманқуло- вич	14.00.20	28.04.2016/V2016.2.Tib748 Юқори ҳароратда пестицидлар мутагенлик таъсирининг цитогенетик ва молекуляр-генетик механизмлари ҳамда аниқланган ўзгаришлар коррекцияси	Холиков Пўлат Ҳўжамқулович	Тошкент тиббиёт академияси
		Цитогенетические и молекулярно-генетические механизмы мутагенного эффекта пестицидов при высокой температуре и коррекция выявленных нарушений		
Акбаров Авзал Нигматулла- евич	14.00.21	28.04.2016/V2016.2.Tib749 Тишлар тўлиқ мавжуд бўлмаганида, тиш-жағ тизимидаги клиник-функционал ўзгаришлар ва ортопедик стоматологик ёрдамни оптималлаштириш	Ирсалиев Хуснутдин Ибрагимович	Тошкент давлат стоматология институту
		Клинико-функциональные изменения в зубочелюстной системе при полном отсутствии зубов и оптимизация ортопедической стоматологической помощи		
Зойиров Тўлқин Элназарович	14.00.21	28.04.2016/V2016.2.Tib750 Эндодонто-пародонтал шикастланишларнинг ўзига хос патогенезини ҳисобга олган ҳолда профилактика ва даволашни такомиллаштириш	-	Тошкент давлат стоматология институту
		Совершенствование профилактики и лечения эндодонто-пародонтальных поражений с учётом особенностей патогенеза		
Кудратов Шухратжон Шералиевич	14.00.21	28.04.2016/V2016.2.Tib751 Қандли диабет билан касалланган беморларда дентал имплантацияга йўналтирувчи тўқима регенерация усулини такомиллаштириш	Абдуллаев Шариф Юлдашевич	Тошкент давлат стоматология институту
		Совершенствование тактики направленной тканевой регенерации при дентальной имплантации у больных сахарным диабетом		
Назарова Нодира Шариповна	14.00.21	28.04.2016/V2016.2.Tib752 Тамаки ишлаб чиқарувчиларда стоматологик статуснинг ўзига хослиги ва даволаш профилактика чоратадбирларини такомиллаштириш	Жуматов Уразмат Жуматович	Тошкент врачлар малакасини ошириш институту
		Особенности стоматологического статуса у табаководов и совершенствование лечебно-профилактических мероприятий		







1	2	3	4	5
Тайлакова Дилдора Ибрагимовна	14.00.21	<p>28.04.2016/V2016.2.Tib753 Бухоро ва Навоий минтақасида яшовчи болалар тишларининг қаттиқ тўқима ҳолатига пестицидлар ва саноат чиқиндиларининг таъсири</p> <p>Влияние пестицидов и промышленных выбросов на состояние твёрдых тканей зубов у детей, проживающих в экологически неблагоприятных условиях Бухарского и Навоинского региона</p>	-	Тошкент давлат стоматология институти Бухоро филиали
Усмонов Фарходжон Комилжонович	14.00.21	<p>28.04.2016/V2016.2.Tib754 Биофаол қопламга эга бўлган дентал имплантатлар қўллашнинг экспериментал-клиник асосланиши</p> <p>Экспериментально-клиническое обоснование использования денальных имплантатов с биоактивным покрытием</p>	Хабилов Нигман Лукманович	Тошкент давлат стоматология институти
Чоршанбиев Алишер Юлдашевич	14.00.21	<p>28.04.2016/V2016.2.Tib755 Паррандачилик фабрикаси ишчилари оғиз бўшлиғи ва пародонт тўқимасининг даволаш-профилактика чора-тадбирлари коррекцияси</p> <p>Коррекция лечебно-профилактических мероприятий тканей пародонта и слизистой оболочки полости рта у рабочих птицефабрик</p>	Жуматов Уразмат Жуматович	Тошкент врачлар малакасини ошириш институти
Шадиева Шодия Шухратовна	14.00.21	<p>28.04.2016/V2016.2.Tib756 Яллиғланган пародонт тўқимасида цитокин статус ва оғиз бўшлиғининг носпецифик ҳимоя тизими</p> <p>Цитокиновый статус и система неспецифической защиты ротовой полости и динамика развития воспалительных заболеваний в тканях пародонта</p>	Алимов Алишер Садикович	Тошкент врачлар малакасини ошириш институти
Ярмухамедов Беҳзод Ҳамидович	14.00.21	<p>28.04.2016/V2016.2.Tib757 Соматик касалликларда дентал имплантациянинг ўзига хос хусусиятлари, асоратларни башоратлаш ва профилактикаси</p> <p>Особенности денальной имплантации при соматических заболеваниях, прогнозирование их осложнений и профилактика</p>	Амануллаев Рустам Азимжонович	Тошкент давлат стоматология институти
Азизов Аброр Мирхакимович	14.00.22	<p>28.04.2016/V2016.2.Tib758 Ревматоид артрит ва Бехтерев касаллигига беморларнинг чаноқ-сон бўғимини эндопротезлаш</p> <p>Эндопротезирование тазобедренного сустава у больных ревматоидным артритом и болезнью Бехтерева</p>	Асилова Саодат Убаевна	Тошкент тиббиёт академияси

1	2	3	4	5
Бойманов Фарҳод Холбоевич	14.00.24	28.04.2016/V2016.2.Tib759 Миллий ўзбек пичоқлари билан зарарланган санчув-кесув яраларининг морфологик хусусиятлари Морфологические особенности колото-резаных ран, причинённых национальными узбекскими ножами	Индиаминов Сайит Индиаминович	Самарқанд давлат тиббиёт институти
		28.04.2016/V2016.2.Tib760 ОИВ/ТБ коинфекцияли беморларда микозлар диагностикаси, даволаш ва профилактикага ёндашишни такомиллаштириш Совершенствование диагностики микозов и подходов к их лечению и профилактике у больных с коинфекцией ВИЧ/ТБ	Парпиева Наргиза Нусратовна	Тошкент тиббиёт академияси
Туйчиев Нуриддин Назарович	14.00.26	28.04.2016/V2016.2.Tib761 Асоратланган сил спондилитини ошқозоничак тизими функционал бузилишида комплекс даволаш Комплексное лечение осложнённых форм туберкулезного спондилита с функциональными нарушениями желудочно-кишечного тракта	Назирев Примкул Хужамович	Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази
		28.04.2016/V2016.2.Tib762 Ўн икки бармоқли ичак яраси тешилишини жарроҳлик йўли билан даволашда дифференциаллашган ёндашув Дифференцированный подход к хирургическому лечению перфоративных язв двенадцатиперстной кишки	Каримов Шавкат Ибрагимович	Тошкент тиббиёт академияси
Баймаков Сайфиддин Рисбаевич	14.00.27	28.04.2016/V2016.2.Tib763 Ўткир ичак тутилишида ичак етишмовчилиги синдроми ва уни коррекция қилиш Синдром кишечной недостаточности при острой кишечной непроходимости и пути его коррекции	Каримов Шавкат Ибрагимович	Тошкент тиббиёт академияси
		28.04.2016/V2016.2.Tib764 Портал гипертензияли беморларда қон кетишининг олдини олиш ва даволашда каминвазив муолажаларни қўллаш Малоинвазивные вмешательства в профилактику и лечение кровотечений у больных с портальной гипертензией	Каримов Шавкат Ибрагимович	Тошкент тиббиёт академияси
Насритдинов Умид Кучкарович	14.00.27	28.04.2016/V2016.2.Tib765 Ўткир чандиқли ичак тутилишини даволашда янги ёндашувни ишлаб чиқиш Разработка новых подходов в лечении острой спаечной кишечной непроходимости	Хакимов Мурод Шавкатович	Тошкент тиббиёт академияси

1	2	3	4	5
Сахибоев Дилшод Парпи- жалилович	14.00.27	28.04.2016/V2016.2.Tib766 Буйрак усти беги хавфсиз ўсмаларида жарроҳлик даволаш усуллари қайта ишлаш ва такомиллаштириш	Беркинов Улуғбек Базарбаевич	Тошкент тиббиёт академияси
		Разработка и совершенствование методов хирургического лечения доброкачественных опухолей надпочечников		
Кулдашев Кахрамонжон Абдухалило- вич	14.00.28	28.04.2016/V2016.2.Tib767 Ўткир қўшалоқ бош мия шикастланишларида иккиламчи шикастланишларни комплекс ташхислаш ва даволаш	Худойбердиев Кобил Турсунович	Андижон давлат тиббиёт институтини, Россия Федерацияси Нейрохирургия илмий- текшириш институтини
		Комплексная диагностика и лечение вторичных повреждений головного мозга в остром периоде сочетанной черепно-мозговой травмы		
Турсункулов Азимджон Назиржоно- вич	14.00.31	28.04.2016/V2016.2.Tib768 Простата беги саратонини жарроҳлик усулида даволаш принциплари (кўрсатмалар, техникаси, асоратлари ва уларнинг профилактикаси)	Тиллашайхов Мирзагалёб Нигматович	Тошкент тиббиёт академияси
		Принципы хирургического лечения рака простаты (показания, техника, осложнения и их профилактика)		
Гадоев Жамшид Тошпулото- вич	14.00.33	28.04.2016/V2016.2.Tib769 Сил касаллигидан самарасиз вакцинация қилиш, даволаниш ва сил қайталанишига ижтимоий-демографик ва клиник омилларнинг таъсири	Асадов Дамин Абдурахимо- вич	Тошкент врачлар малакасини ошириш институтини
		Влияние социально-демографических и клинических факторов на неуспешные результаты вакцинации, лечение и развитие случаев рецидива туберкулёза		
Арифджанов Нодиржон Сабирджано- вич	14.00.35	28.04.2016/V2016.2.Tib770 Болаларда қизилўнгачнинг туғма ва орттирилган стенозларини даволаш	-	Республика ихтисослаш- тирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказини
		Внутрипросветное лечение врожденных и приобретенных стенозов пищевода у детей		
Худойназаров Хайрулла Хамитович	14.00.35	28.04.2016/V2016.2.Tib771 Болалардаги тотал ва субтотал шакли эпизодияларда реконструктив-пластик операцияларни такомиллаштириш	Таджибаев Алишер Тўхта- пўлатович	Тошкент тиббиёт академияси
		Совершенствование реконструктивно-пластических операций при тотальных и субтотальных формах эпизодии у детей		

1	2	3	4	5
Айдарова Наргиза Пулатовна	14.00.36	28.04.2016/V2016.2.Tib772 Дерматореспиратор синдром, бронхиал астмага чалинган беморларда ташхислаш ва даволаш усулларини оптималлаштириш Дерматореспираторный синдром, оптимизация методов диагностики и лечения у больных бронхиальной астмой	Назаров Озод Ахмедович	Тошкент тиббиёт академияси
Дустбабаева Назифа Дамировна	14.00.36	28.04.2016/V2016.2.Tib773 Аллергик ринитга чалинган беморларда кесишувчи сенсбилизация ва даволашнинг оптималлаштириш усуллари Перекрёстная сенсбилизации и методы оптимизации лечения у больных аллергическим ринитом	Назаров Озод Ахмедович	Тошкент тиббиёт академияси
Бектемирова Норбуви Тухтаевна	14.00.37	28.04.2016/V2016.2.Tib774 Гериатрик беморлар офтальмология жароҳлигида оғриқсизлантириш турлари ва усулларини танлаш Выбор вида и метода обезболивания у гериатрических больных в оперативной офтальмологии	Аваков Вячеслав Ервандович	Тошкент тиббиёт академияси
Хайдарова Сирануш Эдуардовна	14.00.37	28.04.2016/V2016.2.Tib775 Ўткир церебрал етишмовчиликда энергия-пластик эҳтиёжларни адекват таъминлаш асослари Основы адекватного обеспечения энерго-пластических потребностей при острой церебральной недостаточности	Сабиров Джурабай Марифбаевич	Тошкент врачлар малакасини ошириш институту
			15.00.00 ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ	
Юнусходжаева Хамида Ганишеровна	15.00.01	28.04.2016/V2016.2.Far33 Гидролизланган пахта лигнини асосида энтеросорбентларни ишлаб чиқиш ва уларнинг фармако-технологик хоссаларини аниқлаш Разработка энтеросорбентов на основе хлопкового гидролизного лигнина и определение фармако-технологических свойств	Исмоилова Моҳинур Гафуровна	Тошкент фармацевтика институту
Бойқараева Олия Ибрагимовна	15.00.02	28.04.2016/V2016.2.Far34 Колхиприт препаратининг синтези, хоссалари ва ўсмага қарши фаоллиги Синтез, свойства и противоопухолевая активность препарата колхиприт	Дусматов Азиз Файзаматович	Тошкент фармацевтика институту

1	2	3	4	5
Кадиров Махаммадзариф Анваржонович	15.00.02	28.04.2016/V2016.2.Far35 3d-металларнинг α -аминокислоталар ҳосилалари билан комплекслари: синтези, хоссалари ва қўлланилиши	Юнусхўжаев Ахмадхўжа Ниғмонович	Тошкент фармацевтика институту
		Комплексы 3d-металлов с производными α -аминокислот: синтез, свойства и применение		
Хусаинова Райхона Ашрафовна	15.00.02	28.04.2016/V2016.2.Far36 Цефалоспаринқаторантибиотикларининг сифатини назорат қилиш ва стандартлаш усулларини ишлаб чиқиш	-	Тошкент фармацевтика институту
		Разработка методов стандартизации и контроля над качеством антибиотиков цефалоспоринового ряда		
			16.00.00 ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ	
Джаббаров Шухрат Абдуражидович	03.00.06	28.04.2016/V2016.2.V35 Гельминтозларга қарши кураш чора- тадбирларнинг самарадорлиги ва уни ошириш чоралари	Орипов Анвар Орипович	Ветеринария илмий- тадқиқот институту
		Эффективность мероприятий борьбы против гельминтозов и меры их увеличения		
Сулаймонов Маъруф Абдухоликович	16.00.01	28.04.2016/V2016.2.V36 Юқори маҳсулдор сигирлардаги алиментар бепуштликлар олдини олишда витамин-минералли озуқа қўшимчаларининг самарадорлиги	Норбоев Қурбон Норбоевич	Самарқанд қишлоқ хўжалик институту
		Эффективность применения витаминно- минеральных кормовых добавок при профилактике алиментарных бесплодий у высоко продуктивных коров		
Абдулакимова Азиза Боротовна	16.00.02	28.04.2016/V2016.2.V37 Ҳар хил зотли қўйлар постнатал онтогенезида зейгоподий суяқларининг морфометрик ва физик-кимёвий хусусиятлари	Дилмуродов Насриддин Бобоқулович	Самарқанд қишлоқ хўжалик институту
		Морфометрические и физико- химические свойства костей зейгоподий в постнатальном онтогенезе разных пород овец		

1	2	3	4	5
			17.00.00 САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ	
				
Ашуров Бахтиёр Шокирович	17.00.03	<div style="background-color: #ff4500; color: white; padding: 2px;">28.04.2016/В2016.2.San39</div> <p>XVI-XVII асрларда миллий муסיқий тафаккур ривожининг замонавий талқини</p> <p>Современная интерпретация развития национального музыкального мышления в XVI-XVII веках</p>	Абдуллаев Рустамбек Самигович	Ўзбекистон давлат консерватория- си
Сахиев Абдувахоб Джабарович	17.00.03	<div style="background-color: #ff4500; color: white; padding: 2px;">28.04.2016/В2016.2.San40</div> <p>Миллий чолғуларни замонавий муסיқий жараёнга жорий этиш муаммолари</p> <p>Проблемы внедрения национальных инструментов в современный музыкальный процесс</p>	Абдуллаев Рустамбек Самигович	Ўзбекистон давлат консерватория- си
			18.00.00 АРХИТЕКТУРА	
Якубов Алишер Кутбидинович	18.00.02	<div style="background-color: #c8e6c9; padding: 2px;">28.04.2016/В2016.2.A30</div> <p>Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида саноат мажмуалари архитектураси шакллантирилишининг типологик асослари</p> <p>Типологические основы формирования архитектуры промышленных комплексов в сельских районах Узбекистана</p>	Хидоятлов Тимур Абрарович	Тошкент архитектура- қурилиш институту
			19.00.00 ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
Кодиров Обид Сафарович	19.00.06	<div style="background-color: #1a237e; color: white; padding: 2px;">28.04.2016/В2016.2.P68</div> <p>Ўсмирларда (11-15 ёш) жиноят мотивлари шаклланишининг психодиагностикаси ва психокоррекцияси</p> <p>Психодиагностика и психокоррекция формирования уголовных мотивов у подростков (11-15 лет)</p>	Жабборов Азим Мейликуло- вич	Қарши давлат университети

1	2	3	4	5
Облокулов Жавлонбек Жалолид- динович	19.00.06	28.04.2016/V2016.2.P69 Ахборот глобаллашуви жараёнида ўспиринлар дунёқарашидаги салбий ўзгаришларнинг психодиагностикаси ва психокоррекцияси	Жабборов Азим Мейликуло- вич	Қарши давлат университети
		Психодиагностика и психокоррекция негативных изменений в мировоззрении молодежи в процессе информационной глобализации		
Турғунбаева Азизахон Ғуломовна	19.00.06	28.04.2016/V2016.2.P70 Таълим жараёнида ижтимоий-педагогик перцепция шаклланишининг психологик хусусиятлари	-	Тошкент давлат педагогика университети
		Психологические особенности формирования социально-педагогической перцепции в процессе образования		
		22.00.00 СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ		
Тўратошева Садоқат Рахматуллаев- на	22.00.01	28.04.2016/V2016.2.S29 Интернетга “қарамлилик”нинг ёшлар тафаккури ва турмуш тарзига таъсири	Умаров Абдисалом Одилович	Самарқанд давлат университети
		Влияние “зависимости” от Интернета на мышление и образ жизни молодых людей		
Матибаев Тошпулат Балтабоевич	22.00.02	28.04.2016/V2016.2.S30 Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг демократлашуви жараёнида ижтимоий ҳамкорлик тизимини шакллантириш омиллари	Ҳолбеков Абдуғани Жуманазаро- вич	Ўзбекистон Миллий университети
		Факторы формирования системы социального сотрудничества в процессе демократизации государственной и общественной жизни в Узбекистане		
Рахимова Шахноза Анваровна	22.00.02	28.04.2016/V2016.2.S31 Социал тизимни модернизациялаштириш жараёнида ахборот алмашинуви маданияти	Умаров Абдусалом Одилович	Ўзбекистон Миллий университети
		Культура обмена информацией в процессе модернизации социальной системы		

1	2	3	4	5
Тангиров Азиз Эргашевич	22.00.02	28.04.2016/В2016.2.S32 Аҳолини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишда биометрик ахборот тизимини такомиллаштириш	Ганиева Маърифат Хабибовна	Ўзбекистон Миллий университети
		Совершенствование системы биометрической информации в социально-правовой защите населения		
Махкамов Қодиржон Одилжонович	22.00.03	28.04.2016/В2016.2.S33 Ёшлар тарихий онгини ривожлантириш-нинг социологик ёндашувларини такомиллаштириш	Умаров Абдусалом Одилович	Ўзбекистон Миллий университети
		Совершенствование социологических подходов развития исторического сознания молодежи		

ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯЛАРИ ҲИМОЯСИ ТЎҒРИСИДА ЭЪЛОНЛАР¹



**Физика-математика фанлари
бўйича докторлик диссертациялари
ҳимояси тўғрисида эълонлар**

Миргаджиева Карамат Тахировна: «Дисксимон галактикаларда асосий таркибий тузилмалар шаклланишининг ночизиқли назарияси», 01.03.01 – астрономия (физика-математика фанлари)

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 31.03.2016/В2016.1.FM143

Диссертация бажарилган муассаса номи: Астрономия институти, Ўзбекистон Миллий университети

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ядро физикаси институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги 16.07.2013.FM.11.01 рақамли илмий кенгаш.

Илмий маслаҳатчи: Нуритдинов Салахутдин Насритдинович, физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Чернин Артур Давидович, физика-математика фанлари доктори, профессор; Коршунова Наталья Александровна, физика-математика фанлари доктори, профессор; Расулова Мухайё Юнусовна, физика-математика фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: В.Г. Фесенков номидаги Астрофизика институти, Қозоғистон Республикаси

Диссертация йўналиши: назарий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади дисксимон ўзгравитацияланувчи тизимлар ночизиқли ностационар моделларини тузиш ва спирал галактикалардаги алоҳида таркибий тузилмаларнинг шаклланиш назариясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

дисксимон галактикаларда халқа, лопсайдал ва эгриланиш ҳолатлари юзага келишининг ночизиқли ностационар назарияси яратилган;

илк бор тезликларнинг анизотроп диаграммасига эга бўлган ДЎТнинг умумлашган ва учта таркибий ночизиқли ностационар фазавий моделлари тузилган ва уларнинг асосий физик характеристикалари топилган;

физик халқасимон галактикаларнинг ушбу тузилмаларнинг кўринма белгиларига нисбатан 9 та гуруҳдан иборат классификацияси ишлаб чиқилган. Дисксимон тизимларда икки халқали тузилма шаклланишига мос ночизиқли ностационар моделлар физик параметрларининг бошланғич қийматлари орасидаги критик боғланишлар илк бор топилган;

биринчи марта анизотроп диск умумлашган ностационар модели фонида ўрганилаётган асосий таркибий тузилмалар шаклланишининг механизмлари ва мезонлари аниқланган. Масалан, агар анизотроп моделнинг бошланғич тўлиқ кинетик энергияси бошланғич потенциал энергиянинг кўпи билан 30,6 фоизини ташкил этса, лопсайдлик феноменига олиб келадиган радиал ҳаракатлар беқарорлиги содир бўлиши кўрсатилган;

илк бор ночизиқли пульсацияланувчи дискда эгриланиш, лопсайдал ва халқа тузилмалари юзага келишининг характерли вақтлари ва моделлар ностационарлик даражасининг критик қийматлари топилган. Эгриланиш ҳолатида, ностационар анизотроп модель фонида аввал асимметрик эгриланиши намоён бўлиши, сўнг гумбазсимон эгриланиш шаклланиши, бироқ, айланиш параметри қийматининг ортиши билан гумбазли беқарорлик нисбатан муҳим роль ўйнаши аниқланган;

диск айланиш параметрининг кичик ва ўртача меъёр қийматларида изотроп ва анизотроп ночизиқли ностационар ўзгравитацияланувчи дисксимон моделлар тебранишларининг

¹ Диссертация ҳимоялари ҳақидаги материалларнинг журналда эълон қилиниши диссертация ижобий баҳоланганини англатмайди.

вертикал модалари горизонтал модаларига нисбатан устунлик қилиши, айланишнинг максимал қийматларида эса аксинча ҳолат кузатилиши илк бор кўрсатилган;

илк бор изотроп моделга нисбатан анизотроп модель ўрганилган горизонтал модаларига нисбатан барқарор, вертикал модалар учун эса аксинча, изотроп модель барқарордир. Айланиш параметрининг $\Omega=0,5$ қийматида (0;4), (1;3), (4;5) ва (5;6) модаларига нисбатан изотроп ва анизотроп моделлар ўзларини бир хил тутиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

ночизиқли ностационар диск моделлари параметрлари учун беқарорлик ва барқарорликнинг тор соҳаларини ва резонанс нуқталари учун айланиш параметрининг критик қийматларини аниқлаш натижалари ҳамда тебраниш моддалари беқарорликлари инкрементларини топиш усуллари ночизиқли ностационар сферик конфигурация кўринишидаги бошқа ўзгравитацияланувчи тизим моделлари учун тебраниш моддаларининг тадқиқоти масалаларида Фундаментал тадқиқотларнинг давлат илмий-техник дастурлари доирасидаги № ФМ-2-336 «Сферик системалар эволюцияси бошланғич босқичининг баъзи муаммолари» (ЎЗМУ, 2004–2005) грантининг бажарилишида қўлланилган. Диссертациядан олинган илмий натижаларнинг қўлланиши орқали беқарорликнинг аналогик тор соҳалари ва система геометрияси роли ҳамда сферик ўзгравитацияланувчи тизимларда кузатилаётган айрим тузилмалар шаклланишининг реал механизмлари аниқланган. (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2016 йил 16 февралдаги ФТК-02-13/103-сонли хати)

Семенов Денис Иванович: «Суюқликларда тартиб параметрининг флуктуациялар динамикаси ҳамда уларнинг оптик ва акустик ҳодисаларда намоён бўлиши», 01.04.05 – «Оптика» ихтисослиги (физика-математика фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 28.04.2016/В2016.2.FM85.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Самарқанд давлат университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Физика-техника институти, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти ва Самарқанд давлат университети ҳузуридаги 16.07.2013.FM/Т.12.01 рақамли илмий кенгаш.

Илмий маслаҳатчи: Сабиров Леонард Мухамеджанович, физика-математика фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Коххаров Абдумуталиб Мамажонович, физика-математика фанлари доктори; Азаматов Зокиржон Тохирович, физика-математика фанлари доктори; Астанов Салих Хусенович, физика-математика фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади суюқлик термодинамик турғунмас ҳолатида махсус ва критик нуқталари яқинида сочилган ёруғлик спектрал таркибида намоён бўладиган тартиб параметрлари флуктуацияси динамикасининг физик механизмларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

эритма махсус нуқта яқинида юқори частотали товуш тезлиги дисперсияси механизмга фазавий ўтиши экспериментал исботланган ҳамда махсус нуқтадан паст температураларда эритманинг микрогетероген тузилиши ва эритмада структуравий биржинслимаслик корреляция радиуси (~ 10 нм) аниқланган;

тартиб параметри флуктуацияларида гипертовушнинг нокогерент сочилиш жараёни спектри нозик структурасида намоён бўлиши экспериментал аниқланган. Тартиб параметри флуктуацияси динамикаси иккинчи тур фазавий ўтишлар Ландау назарияси билан ифодаланиши кўрсатилган. Эритманинг махсус нуқта температураси яқинида нозик структура компонентлари ортиқча спектрал кенгайиши механизми асосланган;

эритма махсус нуқтадан паст температурада «суюқлик–суюқлик» структуравий типдаги фазавий ўтиш аниқланиб, структуравий фазавий ўтишда тартиб параметри флуктуацияси динамикасини ифодалашда Ландау назариясини қўллаш мумкинлиги асосланган;

«изотроп суюқлик – суюқ кристалл» фазавий ўтиш температураси яқинида ёруғлик анизотроп сочилиш спектри тортиши физик механизмлари аниқланган ҳамда спектр кенглиги ўзгариш динамикаси ва тартиб параметри флуктуацияси релаксация вақтини маълум структуравий ораликда Ландау – де Жен ўрта майдон яқинлашиш назарияси билан

ифодалаш мумкинлиги тажрибада исботланган;

суюқ кристалл изотроп фазасида критик ҳодисалар динамикасини изоҳлашда тартиб параметри флуктуацияси корреляция радиуси Ландау – де Жен назариясининг қўлланиш чегараси, фазовий ўтиш температураси яқинида изотроп фаза динамик хусусияти табиати косовер характерга (ўрта майдонда флуктуационга) эга эканлиги тасдиқланган;

«изотроп суюқлик – суюқ кристалл» фазавий ўтишда, «суюқлик – суюқлик» структуравий фазавий ўтишда ва эритма махсус нуқтаси атрофида тартиб параметри флуктуацияси динамикаси универсаллиги тажрибалар асосида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

диссертацияда водород боғланиш тўрига эга бўлган эритмаларнинг структуравий-мувозанат ҳолати ва эритмаларда водород боғланиш тўри мавжуд бўлиш чегарасини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

Водород боғланиш тўрига эга бўлган эритмаларнинг аниқланган структуравий-мувозанат ҳолатлари ва сочилган нурланишда топилган спектрал чизиқнинг нозик структурали спектр чизиқлари параметрлари 08-02-90252-Узб_а «Суюқлик-газ, суюқлик-суюқлик, суюқлик-қаттиқ жисм чегарасида фазавий ҳолатлар оптикаси» грантида кварц глобуляр кристаллар спектри характеристикаларининг таҳлил қилишда ишлатилган. Илмий натижанинг қўлланиши қисқа соҳали ношаффоф оптик филтрларининг нурга чидамлилигини ошириш имконини берди (Россия ФА Умумий физика институти Тўлқин тадқиқотлари илмий марказининг 2015 йил 8 июндаги маълумотномаси).

Эритмаларда тўрсимон водород боғланишининг мавжудлик чегараларини аниқлаш методикаси 0108U007555 «Водород боғланишнинг сув ва биоэритмалар хоссалари шаклланишида аҳамияти. Туз ва протеинлар таъсирида тўрсимон водород боғланишнинг турли хоссаларини ўзгариши» грантида махсус нуқтали эритмаларда кластерланиш жараёнларини назарий таҳлил қилишда ишлатилган. Илмий натижанинг қўлланиши сувли эритмаларда фазо-вақт наноўлчамли масштабларида барқарор структуралар олиш муаммосини ечиш имконини берган. (Украина Миллий академиясининг 2016 йил 16 февralидаги маълумотномаси).

Редькин Павел Витальевич: «Когерент нурланишнинг юқори гармоникалари резонанс генерациясига кўпэлектронли эффектлар ва заррачалар концентрациясининг таъсири», 01.04.11 – Лазер физикаси (физика-математика фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.FM117.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Самарқанд давлат университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Физика-техника институти, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти ва Самарқанд давлат университети ҳузуридаги 16.07.2013.FM/Т.12.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик кенгаш.

Илмий маслаҳатчи: Ганеев Рашид Аширович, физика-математика фанлари доктори.

Расмий оппонентлар: Усманов Тимур Бекмурадович физика-математика фанлари доктори, профессор; Юсупов Джавдат Бакиджанович физика-математика фанлари доктори; Азаматов Закир Тахирович физика-математика фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади юқори гармоника резонанс генерацияларига заррачалар концентрацияси ва кўпэлектронли эффектларнинг таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кўпэлектронли эффектларнинг резонанс сатҳда ион электрони уйғотилиши билан ионда тезланиш билан ҳаракатланувчи электроннинг ноэластик сочилиши натижасида юқори резонанс гармоника генерацияларига олиб келиши кўрсатилган;

юқори гармоника резонанс генерацияси бўйича тажриба натижаларини тушунтириш ва оптимал дамлаш ҳамда қиздирувчи импульслари ҳисоби асосида юқори гармоника резонанс генерацияси жараёнини оптималлаштириш имконини берувчи юқори гармоника резонанс генерацияси механизми таклиф этилган;

бир каррали ионлашган муҳитларда ўтишларга асосланган юқори гармоника резонанс генерацияларини кузатиш учун ионлашмаган муҳитлардан истиқболли муҳит сифатида фойдаланиш таклиф этилган;

эндоэдрал фуллеренлар $C_{60}+In$ ва $C_{60}+Sb$ да C_{60} молекуласи қобиғи плазмон ютилиш

максимумлари силжиши ва киритилган яримўтказгичлар ион резонансларига мувофиқ ва кучаювчи гуруҳ гармоника резонанс генерацияларининг янги плазмон ютилиш максимумларига силжишининг назарий ҳисоблаш натижасида, эндоэдрал фуллеренлар аралашмасининг буғланиши орқали ҳосил қилинган лазер плазмасида гуруҳ гармоникаларини бир текис кучайтириш имконияти кўрсатилган;

давомийлиги катта бўлган қиздирувчи импульс ёрдамида лазер абляцияси жараёнида олинган плазмада атомлар, ионлар ва эркин электронлар концентрациясини фазалар мувофиқлаштирилганда юқори гармоникалар гуруҳи кучайишини ҳисобга олишга асосланган назарий аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

10 ва 8 пикосекунд узунликка эга импульслар абляцияси ёрдамида углерод плазмасида зарралар концентрацияси ошиши билан частотани ўзгартириш эффективлигини чекланиш механизми аниқланган;

резонанс ва фазалар квази мослашиши шароитларининг мувофиқлашиши плато соҳасида алоҳида гармоникалар самарадорлигини 1000 марта кучайтиришга олиб келувчи берилган концентрацияда ионлашиш даражаси ва қиздирувчи импульс давомийлиги ўртасидаги боғланиш қонуниятини аниқлаш усули таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Диссертация ишида ишлаб чиқилган лазер абляцияси ёрдамида ҳосил қилинувчи плазмалар характеристикаларини аниқлаш методологияси ҳамда юқори гармоникалар резонанс генерациясини кучайтириш усули 14G0206 «Япония жамиятининг Ижодий илмий тадқиқотларга кўмаклашиш гранти»ни бажаришда индийнинг лазер плазмасида резонанс гармоникалари кучайишини тушунтириш учун ишлатилган (Саитама тиббиёт университети қошидаги Илғор тиббиёт лазерлар ва офтальмология марказининг 2016 йил 26 февралдаги маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланиши камёб материаллар ва энергия сарфланганда резонанслар гармоникаси интенсивлигини 10 марта кучайишини таъминлаган.



Кимё фанлари бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Рўзимуродов Олим Норбекович: «Титан диоксиди асосида нанотузилишли ғовакли материаллар олишнинг физик-кимёвий хусусиятлари», 02.00.04–Физик кимё; 02.00.12–Нанокимё, нанофизика ва нанотехнология (кимё

фанлари). Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 31.03.2016/В2016.1.К117.

Илмий маслаҳатчининг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Нурмонов Сувонқул Эрханович, техника фанлари доктори, доцент.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкентдаги Турин политехника университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги 16.07.2013.К.01.02 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш.

Расмий оппонентларнинг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Шарипов Хасан Турапович, кимё фанлари доктори, профессор; Мухамедиев Мухтаржон Ганиевич, кимё фанлари доктори, профессор; Зайцев Владимир Николаевич, кимё фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Умумий ноорганик кимё институти.

Диссертация йўналиши: назарий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади титан диоксиди асосида нанотузилишли ғовакли материаллар ҳосил бўлиши ва хоссаларининг физик-кимёвий хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

золь-гель технологияси орқали ғовакли титан диоксиди, углерод ҳамда силикагель асосида нанотузилишли материаллар олиш усули ишлаб чиқилган;

илк бор ишқорий-ер металл ионларини ғовакли TiO_2 га импрегнациялаб монокристалл перовскитларнинг мақсадли синтези амалга оширилган ва азот билан допирлаш орқали олинган

оксинитридлар ёрдамида кўринувчан соҳада органик зарарли моддалар фотодеградацияси асосланган;

бир босқичли золь-гель технологияси ёрдамида олинган титан диоксиди, углерод ҳамда силикагель асосидаги адсорбентлар билан фенол ва унинг ҳосилаларини ўзаро таъсирлашиш механизми исботланган;

адсорбцион-фотокаталик реакцияларнинг механизмига, жараённинг термодинамикаси ва кинетикаси, органик зарарли моддаларнинг фотодекомпозициясидаги адсорбент/фотокатализаторлар табиати ҳамда ғоваклилик эффекти таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Саноат тармоқларини модернизация қилиш жараёнида қўлланиладиган нанотузилишли материаллар олиш бўйича таклифлар асосида:

металлоксидли наноматериаллар олиш жараёни ва уларнинг қўлланилиш усуллари Вена университети «Кимёвий сенсорлар учун композит материаллар» мавзусидаги илмий лойиҳасида золь-гель жараёни орқали ғовакли металлоксид наноматериалларини олишда фойдаланилган (Вена университетининг 2016 йил 12-апрелдаги маълумотномаси). Ишлаб чиқилган усул зарарли газлар аралашмасини тезкор таҳлил қилиш вақтини сезиларли даражада камайтиришга хизмат қилган;

ишқорий-ер металл ионларини ғовакли TiO_2 га импрегнациялаш орқали ҳосил бўлган перовскит монокристаллар ва золь-гель усулида ғовакли титан диоксиди-силикагель монокристалларини ишлаб чиқиш усуллари Киото университети «Металл/қотишма системасида нанозаррачаларнинг in-situ шаклланиши ва монокристал гидрирланган силикагель асосидаги каталик реакцияларда қўлланилиши» мавзусидаги илмий лойиҳасида фойдаланилган (Киото университетининг 2016 йил 14-апрелдаги маълумотномаси). Кам вақт сарфлаб органик бирикмаларни юқори самарали хроматографик ажралишини таъминлаган.

Воҳидова Нойира Раҳимовна: «*Bombyx mori* хитозани полимерметалл комплекслари ва хитозанбарқарорлаштирилган d-элементлар нанозаррачаларининг синтези, хоссалари ва қўлланилиши», 02.00.06–Юқори молекуляр бирикмалар; 02.00.12–Нанокимё, нанофизика ва нанотехнология (кимё фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 31.03.2016/В2016.1.К16.

Илмий маслаҳатчининг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Рашидова Сайёра Шарафовна, кимё фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси ФА академиги.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот маркази.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Умумий ва ноорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот маркази, Тошкент кимё-технология институти ва Тошкент давлат техника университети, 16.07.2013.К/Т.14.01.

Расмий оппонентларнинг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Джардималиева Гулжан Искаковна, кимё фанлари доктори, профессор; Бабаев Туйғун Мирзааҳмедович, кимё фанлари доктори, профессор; Умаров Абдусалом Вахитович, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Биоорганик кимё институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади макролиганд *Bombyx mori* хитозани ва d-металлар асосида полимерметалл комплекслар, шунингдек, хитозанбарқарорлаштирилган Co, Cu ва Ag нанозаррачаларини олиш, уларнинг шаклланиши ва хоссаларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор *Bombyx mori* X3 ҳамда Cu^{2+} ва Co^{2+} ионлари асосидаги ПМКларнинг йўналтирилган синтезига имкон берадиган реакциянинг мақбул шароитлари аниқланган ва реакция рН ни ўзгартириш йўли билан турли таркибли ПМК олиш мумкинлиги исботланган;

илк бор рН=4-5 да макролиганд–*Bombyx mori* X3 Cu^{2+} ва Co^{2+} ионлари билан таъсирлашиб, металл ионларининг X3 билан микрокапсулаланиши ҳисобидан нанострук-турали ПМК ҳосил қилиши кўрсатилган;

илк бор алифатик алканоллар ва натрий цитрати иштирокида хитозанбарқарорлаштирилган Cu, Co ва Ag N3 лариолинган ва X3нинг самарали барқарорлаштирувчилик

хоссалари аниқланган;

ҳарорат, вақт, Me^{2+}/X_3 ва қайтарувчи агент миқдорини ўзгартириш билан хитозанбарқарорлаштирилган Cu, Co ва AgH_3 лари ўлчамини ҳамда уларнинг полимер матрицада ўлчам бўйича тақсимланишини бошқарадиган синтез воситалари ишлаб чиқилган;

X_3 нинг d-элементлар билан комплекс ҳосил қилишининг ҳамда металл H_3 ларининг шаклланиши ва барқарорлашувининг ўзига хос хусусиятлари, реакциянинг эҳтимолга яқин механизмлари ва мақбул синтез шароитлари аниқланган;

X_3 асосида биологик фаол ПМК лар ва наноструктурали комплекслар олишнинг асосий шароитлари, уларнинг тузилиши, бактерицидлик ва фунгицидлик хоссалари аниқланган ва улар асосида янги авлод препаратлари яратиш имкониятлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Vombux mori X_3 ва d-металлар асосида наноструктурали комплекслар синтез усуллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

алифатик алканоллар иштирокида металл сақловчи полимер нанокомплексларини олиш усули бўйича Ўзбекистон Республикасининг ихтирога патенти (№ IAP 05212) олинган. X_3 -Ag нанокомплекслари ветеринария амалиётида бактериал касалликларни самарали даволаш имконини берган;

қайтарувчи агентлар иштирокида металл сақловчи полимер нанокомплексларини олиш усули учун Ўзбекистон Республикасининг ихтирога патенти (№ IAP B 05213) олинган. Натижада X_3 -Cu комплекси асосида ғўза вилтини олдини олиш ва даволашда қўлланиладиган фунгицид яратилган;

X_3 -Cu комплекслари Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Бухоро филиалида фунгицид сифатида қўлланилган. Хитозанбарқарорлаштирилган кумуш H_3 лари Ветеринария илмий-тадқиқот институти ёш чорва молларида колибактериоз касаллигининг олдини олиш ва даволашда қўлланилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 27 апрелдаги 02/12-584-сон маълумотномаси). Ушбу юқори самарали, полимер таркибли бактерицид ва фунгицид хоссага эга препаратларни ишлаб чиқариш импорт ўрнини босади.

Ермуханбетова Роза Абдумусаевна: «Моносахаридларнинг айрим аминлар ва алколоидлар билан бирикмалари синтези ва уларнинг хоссалари», 02.00.14–Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси (кимё фанлари).

Илмий маслаҳатчининг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Газалиев Арстан Мавленович Қозоғистон Республикаси Фанлар академияси академиги, кимё фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Органик синтез ва кўмир кимёси институти, Қозоғистон Халқлар дўстлиги университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Тошкент кимё-технология институти, 16.07.2013.Т.08.01.

Расмий оппонентларнинг Ф.И.Ш., илмий даража ва унвони: Зайнутдинов Умаржон Насрутдинович, кимё фанлари доктори, профессор; Туртабаев Сарсенбек Койшабаевич, техника фанлари доктори, профессор; Махсумова Ойтўра Сиддиқовна, кимё фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Умумий ва ноорганик кимё институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади ўсимликлардан моносахаридлар ажратиб олиш, моносахаридларни кимёвий модификация қилиш, улар асосида таркибида углевод, амин ҳамда алкалоид фрагментларини сақловчи бирикмаларни синтез қилиш ва технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

полисахаридлар гидролизининг кинетик қонуниятлари ҳароратга, полисахаридларнинг эритмаси концентрациясига, кислота табиати ва концентрациясига боғлиқлиги аниқланган;

N-гликозид ва N-ксилозид ҳосилалари баъзи бир алкалоидлар асосида синтез қилиниб, уларнинг тузилиши аниқланган;

тетраацетилглюкопиранозилизотиоцианатнинг цитизин, L-эфедрин ва D-псевдоэфедрин билан таъсир реакциялари ўрганилиб, улар асосида тиомочевина ҳосилалари олинган;

N-алкалоид тиокарбамин кислотасининг углевод сақловчи эфирини цитизин, L-эфедрин ва D-псевдоэфедрин алкалоидларни триэтиламин иштирокида олтингугурт

углероди билан таъсир эттирилиб, кейинчалик 1-дезоксид-2,3,4,6-тетра-О-ацетил-β-D-глюкопиранозилбромидни алкиллаб дитиоуретанлар олинган;

бирламчи алифатик, ароматик ва гетероциклик қаторидаги аминлар асосида олтингугурт ва галоген сақловчи N-аминогликозиднинг янги поли-функционал ҳосилалари олинган, уларнинг ҳосил бўлиши мумкин бўлган аномер формалари аниқланган;

маҳаллий хомашёлар таркибида бир вақтда углевод, амин ва алкалоид фрагментлари бўлган биологик фаол моддалар синтези технологик параметрлари ишлаб чиқилган ва уларнинг қўлланиш соҳалари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

N-(2,3,4,6-тетра-О-ацетил-β-D-глюкопиранозил) цитизин N-(2,3,4-три-О-ацетил-β-D-ксилопира-нозил)-N-цитизинилтиомочевина N-цитизиноди-тиокарбамин кислотасининг N-(2,3,4,6-тетра-О-ацетил-β-D-глюкопиранозил) эфири, N-цитизин-β-D-глюкопиранозиламин, N-(5-бромпиридинил-2)-β-D-глюкопиранозиламинларнинг синтез қилиб олиш технологияси ва қўлланилиши «Фитохимия» Халқаро илмий-ишлаб чиқариш холдингда (Далолатнома 023-сон, 18.05.2015 й), «Ана-жер» илмий ишлаб-чиқариш бирлашмасида (Далолатнома 15.10.2015 й.), «Қозоғистон Республикаси Ўсимликларни ҳимоя қилиш» давлат ишлаб-чиқариш корхонасида (Далолатнома 147-08-сон 15.04.2015 й.) ишлаб чиқаришга жорий этилган. Иқтисодий самара 1 кг маҳсулот 120000 тенгени (400 \$ АҚШ) ташкил этади (11.11.2015 й., 05/976-сон хат)



Биология фанлари бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Цеомашко Наталья Евгеньевна: «Биологик фаол моддалар скрининги ва моноклонал антитаналар олиш учун хужайра культураларидан (нормал ва хатарли трансформацияланган) фойдаланиш», 02.00.10–

Биоорганик кимё (биология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.В69.

Илмий маслаҳатчи: Азимова Шахноз Садиқовна, биология фанлар доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўсимлик моддалари кимёси институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Биоорганик кимё институти ва Ўзбекистон Миллий университети, 16.07.2013.К/В/Т.13.01.

Расмий оппонентлар: Ахунов Али Ахунович, биология фанлари доктори, профессор; Далимова Сурайё Нугмановна, биология фанлар доктори, профессор; Саитмуратова Огилжон Худайбергеновна, биология фанлар доктори, доцент.

Етакчи ташкилот номи: Тошкент фармацевтика институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади нормал хужайраларга кам захарли бўлиб, ўсма хужайралари ўсишини ингибирловчи, ўсма хужайраларига таъсир қилмаган ҳолда нормал хужайралар ўсишини тезлатувчи цитотоксик бирикмаларни аниқлаш ҳамда рекомбинант эритропозитинга қарши моноклонал антитаналарни синтез қилувчи гибрид хужайраларини (гибридомалар) олишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бир қатор биологик фаол бирикмалар ва экстрактларнинг янги фармакологик фаолликлари аниқланган;

Convolvulus туркум ўсимликлари, *Vinca major* ва *Arundo donax* ўсимликларидан, ҳамда *Vinca* туркуми ўсимликларида паразит яшовчи эндофит-замбуруғлардан олинган экстрактлар ўсма хужайраларига селектив цитотоксик фаолликка эгалиги исботланган;

Convolvulus туркум ўсимликларидан олинадиган конвольвин алкалоидининг ҳосиласи бўлган ҳиқилдоқ ўсма хужайралари ўсишини ингибирлаб, айна вақтда бачадон ва сут безлари ўсма хужайралари ўсишини ингибирламайдиган ҳамда нормал хужайраларга қарши паст цитотоксиклик намоён қилувчи, танлаб таъсир қилувчи бирикма – N-бензил конвольвин аниқланган;

ўсма хужайралари ўсишини селектив ингибирлайдиган бирикмалар – n-Cl-ацетилфенилсирка кислота, n-Cl-феноксисирка кислота ва фенилгидразон норфлуоро-курарин йодметилати аниқланган;

хлорсақловчи алкалоидлар, хусусан конвольвин ва винканин ҳосилалари танламай таъсир қилувчи юқори цитотоксик фаоллиги цисплатин препаратига тенг даражада таъсир қилиши аниқланган;

мезенхимал хужайралар культураларини олиш услуги ишлаб чиқилган;

экдистерон фитоэкдистероиди тери хужайралари – фибробластлар ва кератиноцитлар пролиферациясини ошириши ҳамда ҳиқилдоқ, сут безлари ва бачадон ўсма хужайраларини пролиферациясини чақирмаслиги аниқланган;

экдистерон аллофибробластлар билан биргаликда аутоэпидермоцитлар пролиферацияси ва тўқима эпителизациясининг ортишига олиб келиши исботланган, бу билан куйган яраларни даволашда уларни қўллаш мумкинлиги кўрсатилган;

рекомбинант эритропоэтинга қарши моноклонал антитаналар ҳосил қилувчи гибридома-продуцентлар олинган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Биологик фаол бирикмаларни цитотоксиклигини аниқлаш учун ўтказилган скрининг ва моноклонал антитаналар олиниши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

гибрид хужайраларининг истиқболли иккита субклони ажратиб олинган ва унга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ IAP 02943, 16.12.2002 й.). Илмий тадқиқот натижасида рекомбинант эритропоэтинга қарши моноклонал антитаналар олинган;

N-бензил конвольвин алкалоидининг янги биологик хоссаси аниқланган ва ихтирога патенти билан ҳимоя қилинган (№ IAP 04965, 16.02.2012 й.). Илмий тадқиқот натижасида ушбу бирикма нормал хужайраларга цитотоксик таъсир қилмаганлиги учун ҳиқилдоқ ўсма хужайралари ўсишини селектив ингибитори сифатида тавсия қилинган.

«Ўзстандарт» агентлигидан давлатлараро стандартига мувофиқ келувчи тиббиёт жиҳозлари ва доривор воситаларнинг цитотоксиклигини аниқлаш учун Синов марказига аккредитация гувоҳномаси (№UZ.AMT.07.MAI.220) олинган.

«Доривор воситалар, тиббий жиҳозлари, косметик воситалар, кимёвий бирикмалар, пестицидлар ва ветеринария воситалари цитотоксиклигини баҳолаш» услубий кўрсатма тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, № 8Н-Р/18, 02.03.2016 й.).

Мерзляк Петр Григорьевич: «Наноскопик оқсил поралари структура ва функцияларининг ўзаро боғлиқлигини тавсифлаш», 03.00.02 – Биофизика ва радиобиология. (биология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.В73.

Илмий маслаҳатчи: Красильников Олег Владимирович, биология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Биоорганик кимё институти, Пернамбуко Федерал университети (Бразилия).

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Биоорганик кимё институти ва Ўзбекистон Миллий университети, 16.07.2013.К/В/Т.13.01.

Расмий оппонентлар: Мирходжаев Улуғбек Закирович, биология фанлари доктори, профессор; Мадьяров Шухрат Раимджанович, биология фанлари доктори; Турдикулова Шахло Уткуровна, биология фанлари доктори.

Етакчи ташкилот номи: Микробиология институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади турли оқсиллардан ташкил топган ион каналларида структура-функционал ўзаро боғлиқликни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ион каналларининг ўқи бўйлаб поранинг радиусини ўлчаш мумкинлиги исботланган;

VDAC ион канали ўтказувчанлигини бир ҳолатдан иккинчисига ўтганда унинг радиуси ўзгариши аниқланган;

ион каналларининг хусусиятлари нафақат зарядланган гуруҳларнинг зарядига боғлиқ, балки уларнинг канал бўйлаб жойлашган ўрнига ҳам боғлиқ эканлиги аниқланган; олигомер нанопораларнинг стехиометриясини *in situ* аниқлашнинг янги усули ишлаб чиқилган;

макси-анион канали VDAC оқсиллар оиласига мансуб эмаслиги аниқланган;

илк бор полианионларнинг ион каналларини блоклаши уларнинг ўлчамларига боғлиқлиги билан биргаликда икки валентлик катионларнинг концентрациясига боғлиқлиги исботланган;

мембранада фиксация қилинган потенциал α -ГЛ пораларнинг эластик деформацияга учраши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Физиологик шароитларда ион каналлари тузилишини аниқлашда қўлланиладиган янги биофизик методлар:

Сокендай университети ва Япония Миллий физиология институтида эътироф этилиб, оқсил нанопораларининг тузилишини аниқлашда фойдаланилган (Сокендай университети, Япония, Канагава, 2016 йил 10 мартдаги маълумотномаси). Ушбу янги биофизик методлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан эътироф этилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2016 йил 10 майдаги маълумотномаси). Бу методлар турли олигомер ион каналлари радиусини ўлчаш ва стехиометриясини исботлаш имконини беради;

Пернамбуко Федерал университети (Бразилия) Биофизика ва радиобиология департаментида оқсил нанопоралари стехиометрияси ўзгариши асосида ўта заҳарли оқсиллар – микроцистинларни танлаб аниқлайдиган нанодатчик ишлаб чиқилган (Биофизика ва радиобиология департаментнинг 2016 йил 2 майдаги маълумотномаси). Бу нанодатчик гемодиализ тизимидаги циклик пептид токсинларни аниқлаш имконини беради.

Каримов Фарход Исомиддинович: «Фарғона водийсининг бируруғпаллали геофитлари», 03.00.05–Ботаника (биология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.В55.

Илмий маслаҳатчи: Тожибаев Комилжон Шаробитдинович, биология фанлари доктори.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти.

ИКфаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти, Ўзбекистон Миллий университети, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, 16.07.2013.В.15.01.

Расмий оппонентлар: Печеницын Владимир Петрович, биология фанлари доктори, профессор; Юлдашев Акрамжон Султанмурадович, биология фанлари доктори, профессор; Белолипов Игорь Владимирович, биология фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Фарғона давлат университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади бир уруғпаллали геофитларнинг таксономик таркибини аниқлаш, маълумотларнинг электрон базаси ва тирик коллекциясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Фарғона водийси флорасидаги бир уруғпаллали геофитларининг 210 тур, 25 туркум ва 9 оиладан иборат бўлган замонавий конспекти тузилган;

илк бор 2 янги тур (*Allium tatyanae* F.O. Khass. & F. Karim. ва *Iris austro-schatskatica* Tojibaev, F. Karim. & Turgunov) топилган ва тавсифланган;

илк бор 7 турдаги бир уруғпаллали геофитлар (*Allium lutescens* Vved., *A. filidentiforme* Vved., *A. petraeum* Kar. & Kir., *A. viridiflorum* Pobed., *Eremurus altaicus* (Pall.) Steven, *Iris alberti* Regel, *Orchis salina* Turcz.) Ўзбекистон флораси ҳамда Чотқол, Фарғона, Қурама тоғ тизмалари ва Мўғултоғ учун янги ўсимлик турлари аниқланган;

геофитларнинг Фарғона водийси тоғ тизмалари, ботаник-географик районлари ва флороценотипларининг ўзига хослик даражаси аниқланган;

Фарғона водийси флорасидаги бир уруғпаллали геофит ҳаётининг турли гуруҳчалари ўртасидаги нисбатлари асосида “пиёзбош” ҳаётининг устунлик қилиши аниқланган;

Фарғона водийси геофитларининг эндемизм кўрсаткичи барча геофитларнинг 22% дан кўпроғини ташкил қилиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Фарғона водийси флорасидаги бир уруғпаллали геофитларни тадқиқ қилиш доирасида олинган натижалар асосида:

Фарғона водийси бир уруғпаллали геофитларига мансуб 1201 гербарий намуналари асосидаги маълумотлар базаси Биохилмахиллик бўйича маълумотларнинг глобал тизимига жорий этилган (Global Biodiversity Information Facility www.gbif.org, 2016 йил 4 февралдаги гувоҳномаси). Бу Ўрта Осиё ҳудудида биринчи мартаба жорий этилган маълумотлар тизими бўлиб, GBIF портали орқали дунёдаги етакчи марказлар билан илмий алоқа воситаси сифатида хизмат қилади;

Ўсимлик дунёси объектларининг давлат кадастрини юритишда фойдаланиш учун Фарғона водийси бир уруғпаллали геофитларнинг конспекти, ГАТ технологияси ёрдамида яратилган хариталар билан мустақамланган маълумотларнинг электрон базаси тақдим этилган (Давгеодезкадастр қўмитасининг 2015 йил 21 августдаги 02-03-3751-сон маълумотномаси). Бу водий флорасининг давлат кадастрини тузиш ва мониторингини ташкил қилишда бирламчи асос сифатида хизмат қилади;

Фарғона водийсида муҳофаза этиладиган ҳудудларни режалаштиришнинг илмий асослари сифатида фойдаланиш учун Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига жорий этилган (Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2015 йил 30 октябрдаги ОЭ-02/10-4906-сон маълумотномаси). Маълумотлар камёб ва йўқолиб бораётган турлар таркиби, тарқалиши ва уларни муҳофаза этишнинг самарали чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун фойдаланилмоқда.

Сапаров Каландар Абдуллаевич: «Ўзбекистон қушлари ва сут эмизувчиларининг филяриатлари фаунаси, тарқалиши ва экологияси», 03.00.06–Зоология (биология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.В98.

Илмий маслаҳатчи: Азимов Джалалиддин Азимович, биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси ФА академиги.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат педагогика университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти, Ўзбекистон Миллий университети, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, 16.07.2013.В.15.01.

Расмий оппонентлар: Пазилов Абдувайт, биология фанлари доктори; Ахмедов Мадаминбек Хатамович, биология фанлари доктори, профессор; Хуррамов Шукур Хуррамович, биология фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Қорақалпоқ давлат университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади қушлар ва сут эмизувчилар паразитлари – Filariata кенжа туркумига мансуб нематодалар фаунаси, кенг тарқалган турларнинг биологияси ва ҳаёт цикллари аниқлаш, филяриатлар систематикасини ва қишлоқ хўжалик ҳайвонлари филяриатозларини профилактика қилиш методларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қушлар ва сут эмизувчиларнинг турли экологик гуруҳларида филяриатларнинг тур хилма-хиллиги баҳоланиб, қушларда филяриатларнинг 53 та ва сут эмизувчиларда 23 та тури аниқланган;

76 турдаги филяриатлардан 46 таси Ўзбекистон учун ва *Paronchocerca bumpae* тури Палеарктика учун, биринчи марта қайд қилинган;

филяриатлар доминант турларининг (*Aprocta cylindrica*, *Diplotriana isabellina*, *Ornithofilaria falisensis*, *Onchocerca lienalis*, *Stephanofilaria stilesi* ва *S. Assamensis*) ҳаёт цикллари тажриба шароитида исботланган;

илк бор *Setaria equina* ва *Setaria labiata papillosa* турларнинг дифференциация қилиш учун 5.8S+ITS-2+28S секвенсларининг нуклеотид кетма-кетлиги аниқланган;

филяриатларнинг хўжайинлар - умуртқалилар синфига гуруҳли спецификлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг морфологияси, биологияси ва экологиясини қиёсий таҳлил қилиш натижаларига асосланиб, филяриатларнинг тур усти таксономик категориялари системасига

ўзгартиришлар киритилган;

Splendidofilariidae, *Diplotrienidae* ва *Oswaldofilariidae* оилалари ҳажми ва чегараларига тузатишлар киритилган ва улардан амфибия ва рептилияларда паразитлик қилувчи филяриатлар ажратилган;

ажратилган тур вакиллари янги *Icosiellidae* ва *Oswaldofilariidae* оилалар таркибига киритилган ва улар *Oswaldofilarioidea superfam.nov.* катта оиласига бирлаштирилган;

қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари филяриатозларини профилактика қилиш бўйича чоратadbирлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

«Ўзбекистон ҳайвонлари филяриатозларининг профилактикаси» амалий тавсиянома-си фермер ва чорвачилик хўжалиklarининг ветеринария амалиётига жорий қилинган (Ветеринария давлат бош бошқармасининг 2015 йил 3 июлдаги 63-сон баённомаси). Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг-парафиляриоз, онхоцеркоз, сетариоз, стефанофиляриоз ва дипеталонемоз каби паразитар касалликларига қарши ивермектин препарати Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилояти фермер ва ширкат хўжалиklarига 2013-2015 йилларда жорий қилинган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2015 йил 8 октябрдаги 01/12-196-сон маълумотномаси). Филяриатоз касалликлари 85-100% гача бартараф этилиб, чорвачилик хўжалиklarида ҳайвонларнинг гўшт ва сут маҳсулдорлигини оширишга эришилган.

Холлиев Аскар Эргашович: «Ўза навлари қурғоқчиликка чидамлилигининг физиологик хусусиятлари», 03.00.07 – Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси (биология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3–4.В65.

Илмий маслаҳатчи: Сафаров Каримжон Сафарович, биология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Бухоро давлат университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти, Ўзбекистон Миллий университети, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, 16.07.2013.В.15.01.

Расмий оппонентлар: Шадманов Рустам Қулмурадович, биология фанлари доктори, профессор; Раҳманқулов Саидқабар Раҳманқулович, биология фанлари доктори, профессор; Давронов Қодиржон Сотволдиевич, биология фанлари доктори, профессор.

Этакчи ташкилот номи: Самарқанд қишлоқ хўжалик институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади ўза навлари сув алмашинувининг физиологик ва биокимёвий хусусиятлари асосида уларнинг тупроқ қурғоқчилигига ҳимоявий мослашиш даража ва шакллари аниқлаш ҳамда қурғоқчиликка чидамликни ошириш усуллари яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзанинг қурғоқчиликка хужайра, тўқима ва онтогенетик даражадаги ҳимоявий мослашиш қонуниятлари аниқланиб, тупроқдаги намлик даражасига боғлиқ ҳолда навларнинг қурғоқчиликка чидамлилигининг физиологик, биокимёвий, габитуаль шакллари илмий асосланган ва шу асосда қурғоқчиликка чидамли ўза навларининг модели яратилган;

ўзанинг қурғоқчиликка физиологик мослашиш механизмлари – сув сарфлашни камайтириш, паст молекулали осмопротекторларни тўплаш, моддалар алмашинуви ўзгариши, сувдан фойдаланиш самарадорлигининг ортиши асосида қурғоқчиликка мослашишнинг физиологик ва биокимёвий қиёсий тавсифи ишлаб чиқилган;

электравжлантиришнинг физиологик ва биокимёвий ҳамда сув алмашинув жараёнларига ижобий таъсири орқали сувни сақлаш хусусиятининг ошиши, кундузги ва қолдиқ сув танқислиги камайиши ҳисобига ўзанинг қурғоқчиликка чидамлилиги, ҳосил ва унинг сифати тупроқ намлиги танқис шароитда ортгани аниқланган;

ўза ўсимлигининг тупроқдаги сув танқислигига чидамлик даражаси – барглардаги қолдиқ сув танқислиги ва диффузион қаршилиги, барглардаги боғланган сув ҳамда боғланган хлорофилл миқдорини аниқлашнинг тезкор усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Тупроқдаги сув танқислигига нисбатан ўзанинг қурғоқчиликка чидамлик даражасини аниқлашнинг тезкор ва электравжлантириш усули Бухоро вилояти шароитида 2012–2015 йилларда 1,7 минг гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг

2016 йил 9 мартдаги 02/20-347-сон маълумотномаси). Бунда ғўза навларининг қурғоқчиликка чидамлилиги ошиши натижасида ҳосилдорлик 6,3 фоизга ортиши кузатилган.

Эгамбердиев Шароф Шухратович: «Ўзбекистонда ғўзани зарарлантирувчи *Fusarium* туркумидаги патогенларнинг молекуляр идентификацияси ва тавсифи», 03.00.14–Геномика, протеомика ва биоинформатика (биология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.В49.

Илмий маслаҳатчи: Абдураҳмонов Иброҳим Юлчиевич, биология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Геномика ва биоинформатика маркази.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти, Ўзбекистон Миллий университети, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, 16.07.2013.В.15.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Марупов Аббосхон, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор; Давронов Қахрамон, биология фанлари доктори, профессор; Кадырова Дильбар Абдуллаевна, биология фанлари доктори.

Етакчи ташкилот номи: Микробиология институти.

Диссертация йўналиши: назарий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади *Fusarium* авлоди патогенларининг геномини молекуляр-генетик усуллар билан комплекс идентификациялаш, маҳаллий ғўза навларига нисбатан кўп учровчи патоген тур ва расаларнинг патогенлик хусусиятларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор *Fusarium* авлодидаги патогенлар геноми таҳлил қилинган, патогенларнинг муҳим бир нусхали генларини (TEF-1 α , VT, rDNA, NIR, PHO) ре-секвенслаш амалга оширилган, бета тубулин (VT) гени нуклеотид кетма-кетлигига асосланиб *Fusarium oxysporum* f.sp. *vasinfectum* турининг 2-, 3-, 8-расалари ва А ва В патогенлар гуруҳини идентификациялашга қодир универсал SNP праймерлари ишлаб чиқилган;

аллель-специфик ПЗР (ASPCR) методи асосида *Fusarium oxysporum* f.sp. *vasinfectum* турининг 3- ва 8-расаларини идентификациялашга қодир праймер жуфтликлар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда *Fusarium* авлоди вакилларининг 6 та тури (*Fusarium solani*, *Fusarium equiseti*, *Fusarium sporotrichioides*, *Fusarium fujikuroi*, *Fusarium proliferatum*, *Fusarium oxysporum* f.sp. *vasinfectum*) молекуляр таксономик жиҳатдан идентификацияланган;

Fusarium oxysporum f.sp. *vasinfectum* нинг Ўзбекистонда тарқалган 3-, 4- ва 6-расалари аниқланган;

ғўзанинг кенг қўламда экиладиган навларига нисбатан *Fusarium* авлоди патогенларининг вирулентлик даражаси баҳоланган;

патогенлилик батафсил баён этилиб, илк бор молекуляр-генетик усуллар билан ғўзанинг энг хавfli патогенлари: *Fusarium oxysporum* f.sp. *vasinfectum* нинг 3 та расаси ҳамда Ўзбекистон учун янги патоген тур ҳисобланган *Fusarium solani* аниқланган;

фузариоз вилтга чидамлигига кўра 3:1 нисбатда сегрегацияланувчи «Mebane В1» х «11970» генетик популяцияси яратилган ва 237 та полиморф локуслар аниқланган;

ғўзанинг вилтга нисбатан чидамлилигига жавоб берувчи потенциал генлар аниқланган;

генетик хариталаштириш ўтказилиб, вилтга чидамлилик билан ассоциацияланувчи BNL1145_259, BNL3442_112 локуслари аниқланган ҳамда *in silico* ПЗР ўтказилиб, ушбу маркерларга яқин жойлашган номзод генлар биоинформатик усуллар ёрдамида аниқланган;

патоген хариталар ишлаб чиқилган ва турларнинг тарқалиши ҳақида географик координаталарга белги қўйилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Диссертация тадқиқоти жараёнида олинган қуйидаги натижалар амалиётга жорий қилинган:

яратилган *Fusarium oxysporum* f.sp. *vasinfectum* нинг 5 та расасини идентификацияловчи SNP праймерлар АҚШ Қишлоқ хўжалиги департаментининг Crop Science Research Laboratory, Genetics and Precision Agriculture Research Unit лабораториялари томонидан патогенларни

идентификациялаш жараёнига оид илмий-тадқиқотларда фойдаланилмоқда (United States Department of Agricultureнинг 2012 йил 30 январдаги маълумотномаси);

ишлаб чиқилган ASPCR праймерлар АҚШ Қишлоқ хўжалик департаменти томонидан «Абиотик ва биотик омилларнинг дала ва иссиқхона шароитлари негизида ғўзанинг фузариоз вилтга (FOV) нисбатан чидамлилигини баҳолаш» лойиҳасида (3096-21000-019-02-сон) фойдаланилган (USDA-Agricultural Research Service, Лаббок, Техас, 2015 йил 12 октябрь). FOV_BT_AS_R3 аллель специфик праймеридан фойдаланган ҳолда FOVA генотипининг 3- ва 8-расаси тезкор аниқланган ҳамда молиявий ва вақт билан боғлиқ харажатларни сезиларли даражада камайтириш имконияти яратилган.



Техника фанлари бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Атаханов Абдумутолиб Абдупатто ўғли: «Пахта-, микрокристаллик- ва наноцеллюлозанинг олиниши, тузилиши, хоссалари ва ишлаб чиқариш технологияси», 02.00.05–Целлюлоза ва целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш

кимёси ва технологияси; 02.00.12–Нанокимё, нанофизика ва нанотехнология (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Т210.

Илмий маслаҳатчининг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Саримсаков Абдушкур Абдухалилович, техника фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот маркази.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Умумий ва ноорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот маркази, Тошкент кимё-технология институти ва Тошкент давлат техника университети, 16.07.2013.К/Т.14.01.

Расмий оппонентларнинг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Рахмонбердиев Гаппар, кимё фанлари доктори, профессор; Мухамедиев Мухтаржан Ганиевич, кимё фанлари доктори, профессор; Набиева Ирода Абдусаматовна, техника фанлари доктори, доцент.

Етакчи ташкилот: Биоорганик кимё институти.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади ўлчам омилларининг пахта, микрокристаллик ва наноцеллюлозанинг тузилиши, хоссалари, реакция фаоллигига таъсирини ҳисобга олган ҳолда, уларни ишлаб чиқаришнинг янги технологияларини яратиш ва мавжуд технологияларни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қўйидагилардан иборат:

илк бор пахта момиғи толасининг узунлиги ва узунлик бўйича тақсимланишининг целлюлоза сифати ва реакция фаоллигига таъсири кўрсатилган. Кимёвий қайта ишлашга мўлжалланган юқори сифатли пахта целлюлозаси олиш учун пахта момиғи ифлослиги, пишганлик даражаси ҳамда тола узунлиги ва узунлик бўйича тақсимланишига қўйиладиган талаблар бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

илк бор яратилган янги маҳаллий барқарорлаштирувчилар иштирокида водород пероксидининг парчаланиш тезлигини камайтириш ва барқарорлаштириш орқали қоғоз ишлаб чиқаришга йўналтирилган пахта целлюлозаси олишнинг узлуксиз технологияси такомиллаштирилган;

биринчи маротаба зарралар ўлчами ва ўлчам бўйича тақсимланишига боғлиқ ҳолда техника ва тиббиёт мақсадлари учун мўлжалланган микрокристаллик целлюлоза олиш технологияси яратилган ва оптимал шароитлари ишлаб чиқилган;

илк бор юқори частотали нурланиш таъсирида микрокристаллик целлюлоза олиш имкониятлари аниқланган, принципиал технологик схемаси ишлаб чиқилган ҳамда оптимал технологик шароити таклиф қилинган;

целлюлозанинг наноўлчамли заррачалар олишнинг асосий қонуниятлари аниқланган, уларнинг тузилиши, хоссалари ва биопарчаланиши исботланган. Наноцеллюлоза асосида янги материаллар яратиш имкониятлари илмий асосланган;

пахта целлюлозаси, микрокристаллик целлюлоза ва наноцеллюлоза ўлчамлари, тузилиши, физик-кимёвий хоссалари ўзгариши билан ноёб хусусиятларга эга бўлган янги маҳсулотлар олиш имкониятлари асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Яратилган микрокристаллик целлюлоза олиш технологияси асосида ишлаб чиқилган филтрловчи материалга Ўзбекистон Интеллектуал мулк агентлигининг “Филтрловчи материал” (№IAP 04425 – 2011й. №10) ихтирога патенти олинган ва бу маҳаллий хомашё асосида импорт ўрнини босувчи янги маҳсулот турини яратиш имконини берган;

хлорат-магний дефолианти ишлаб чиқариш жараёнида тузли эритмани тозалашда филтрловчи материал сифатида қўлланилаётган микрокристаллик целлюлоза олишнинг яратилган технологияси «Farg'onaazot» АЖда жорий этилган («Farg'onaazot» АЖнинг 01.06.2015 йилдаги 37/2878 сон хулосаси). Мазкур ишланманинг жорий этилиши чет элдан келтириладиган филтрматериалнинг тўлиқ ўрнини қоплаш ҳисобига иқтисодий самарадорлик 314,4 млн.сўмни ташкил этган;

тозаланган микрокристаллик целлюлоза «Ўзфармсаноат» АК тизимида, жумладан «Otom-biopreparat» МЖЧда имобилизацияланган биопрепаратлар ишлаб чиқаришда тўлдирувчи сифатида қўлланишга жорий этилган («Ўзфармсаноат» АКнинг 28.01.2016 йилдаги МД-06/190-сон хулосаси). Ушбу маҳсулотнинг қўлланилиши ҳисобига иқтисодий самарадорлик 100,0 млн. сўмни ташкил этган.

Хамракулов Зоҳидбек Абдусаматович: «Маҳаллий хомашёлар асосида кальций-магний хлоратли дефолиант олишнинг технологиясини ишлаб чиқиш», 02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 18.11.2015/В2015.3-4.Т562.

Илмий маслаҳатчининг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Тухтаев Сайдирахал, кимё фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси ФА академиги.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Умумий ва ноорганик кимё институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Умумий ва ноорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот маркази, Тошкент кимё-технология институти ва Тошкент давлат техника университети, 16.07.2013.К/Т.14.01.

Расмий оппонентларнинг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Намазов Шафоат Саттарович, техника фанлари доктори, профессор; Усманов Султан Усманович, техника фанлари доктори, профессор; Жуманиязов Махсуд Жаббиевич, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Фарғона политехника институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий доломит минералини хлорид кислотаси билан парчалаб, ҳосил бўлган маҳсулотни натрий хлорати билан конверсиялаш орқали кам захарли ва юқори самарали янги дефолиант олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор импорт бишофит ўрнига маҳаллий доломит минералларни хлорид кислотаси ёрдамида парчалаб олинган хомашё асосида янги кальций-магний хлоратли дефолиант олиш имкониятлари аниқланган ва принципиал технологик тизими ишлаб чиқилган;

доломит минералларини хлорид кислотаси ёрдамида парчалаш жараёнининг мақбул технологик кўрсаткичлари аниқланган, унга кўра, HCl концентрацияси 31,0%, ўзаро таъсирлашув вақти 30-35 дақиқа, жараёндаги ҳарорат 30-40°C, CaO ва MgOни эритмага ўтиш даражаси 99,42-99,60% лиги исботланган;

илк бор кальций, магний ва натрий хлоридлари ва хлоратларидан иборат бўлган мураккаб сувли системалардаги компонентларнинг ўзаро таъсирлашуви бўйича янги маълумотлар олинган, улар асосида политемик эрувчанлик диаграммалари қурилган ҳамда янги кальций-магний хлоратли дефолиант олиш мумкинлиги илмий асосланган;

кальций, магний хлорид эритмасини натрий хлорати билан конверсиялаш жараёнининг мақбул кўрсаткичлари аниқланган;

конверсия жараёнининг фаолланиш энергияси, реакция тартиби ва тезлик константаси аниқланиб, уларнинг ҳароратга боғлиқлик тенгламалари келтириб чиқарилган, натижада янги турдаги кальций-магний хлоратли дефолиант олиш технологияси яратилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

«ФанДеф» дефолианти Ўзбекистон Республикаси Давлат кимё комиссияси томонидан қишлоқ хўжалигида қўллаш учун рўйхатга олинган (2016 йил 13 апрелдаги 2-5-60 сон маълумотнома) ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан атроф-муҳит муҳофазаси ва аҳоли соғлигини сақлаш бўйича методик тавсияномаси тасдиқланган (18.11.2015 йил, №012-3/0278). Бунда кальций-магний хлоратли дефолиантнинг ўткир заҳарлилик кўрсаткичи IV-синфга мансублиги ҳамда фақат тери қатламларига ўта кучсиз таъсир этиши кўрсатилган;

кальций-магний хлоратли дефолиант олиш технологияси «Фарғонаазот» акционерлик жамиятида амалиётга татбиқ этилиб, 1100 кг тажриба-синов намунаси ишлаб чиқарилган («Фарғонаазот» акционерлик жамиятининг 2016 йил 8 январдаги 37/97-сон маълумотномаси). Тавсия этилган технологияда четдан валюта эвазига келтириладиган бишофит ўрнига маҳаллий хомашё – доломитдан фойдаланиш орқали янги турдаги самарали кальций-магний хлоратли дефолиант ишлаб чиқарилди.

Баракаев Нусратилла Ражабович: «Дон маҳсулотларини саралаш ва фракцияларга ажратиш технологик машиналарини яратиш», 02.00.16–Кимё технологияси ва озик-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва аппаратлари (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Т286.

Илмий маслаҳатчи: Бахадиров Ғайрат Атаханович, техника фанлари доктори.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент кимё-технология институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент кимё-технология институти, 16.07.2013.Т.08.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Негматов Сойибжон Содиқович, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси ФА академиги; Гулямов Шухрат Манапович, техника фанлари доктори, профессор; Артиков Асқар Артикович, техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот номи: Бухоро муҳандислик-технология институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади дон маҳсулотларини сепарациялаш ва массасига кўра фракцияларга ажратиш машинасини яратиш ва унинг технологик, кинематик ҳамда конструктив параметрларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

маҳаллий дон навларининг физик-механик хусусиятлари ҳудудлар кесимида аниқланган; дон маҳсулотларини сепарациялаш ва фракцияларга ажратиш жараёнлари параметрларининг ўзаро боғлиқлик хусусиятлари аниқланган;

фракцияларга ажратиш камерасидаги таъминловчи валик юзасида дон ҳаракатининг дон кўндаланг кесим юзасига ҳавонинг қаршилигини инобатга олган ҳолда ҳаракатланиш тенгламаси яратилган;

комбинацияланган сепараторнинг кинематик ва технологик параметрлари маҳаллий дон маҳсулотларининг физик-механик хусусиятларини инобатга олган ҳолда аниқланган;

дон маҳсулотларини бошқа аралашмалардан тозалаш ва массасига кўра фракцияларга ажратишда иш унумдорлиги 7,5 т/с, габарит ўлчамлари: - $l=4500$ мм, $h=2000$ мм, $b=500$ мм бўлган технологик машина-комбинацияланган сепаратор яратилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Дон маҳсулотларини сепарациялаш ва фракцияларга ажратиш комбинацион сепаратори «Ўздонмаҳсулот» акционерлик компанияси донни қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Ўздонмаҳсулот» АКнинг 2016 йил 22 мартдаги 11-2-8/4299-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг жорий қилиниши ишлаб чиқаришнинг технологик линиясини ихчамлаштириш, энергия сарфини камайтириш, тегирмонларнинг ҳар бир фракция бўйича технологик иш режимини танлаш, маҳаллий буғдой навларидан сифатли ун ва ун маҳсулотларини олиш имконини беради.

Мирзарахметова Дилбар Тохтамуратовна: «Спиртли ичимликларни ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш учун органик муҳитда барқарор бўлган иммобилланган ферментларни олиш», 02.00.17–Қишлоқ-хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари; 03.00.01–Биокимё (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Т285.

Илмий маслаҳатчилари: Абдуразакова Сабира Ходжаевна, техника фанлари доктори, профессор; Рахимов Мирзаатхам Мирзахакимович, биология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент кимё-технология институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент кимё-технология институти, 16.07.2013.Т.08.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Абдурахимов Саидакбар Абдурахманович, техника фанлари доктори, профессор; Маҳсумов Абдухамид Гафурович, кимё фанлари доктори, профессор; Гулямова Тошхон Гафуровна, биология фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: «Узвиносаноат-холдинг» ХК.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади спиртли муҳитда барқарор бўлган иммобилланган ферментларни олиш технологиясини яратиш ва улар ёрдамида спиртли ичимликларни тайёрлаш технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

органик муҳитда барқарор бўлган иммобилланган ферментлар олиш оптимал шароитлари ва технологиялари ишлаб чиқилган;

олинган ферментларни сув-органик муҳитларда юқори спиртларга нисбатан субстрат спецификлиги аниқланган;

спиртли муҳитда юқори спиртларни конверсиясини амалга ошириш учун олинган иммобилланган инвертаза ва эстераза ферментларини қўллаш оптимал технологик шароитлари ишлаб чиқилган;

иммобилланган ферментлар асосида юқори спиртларни алкилфруктозидларга ва эфирларга айлантириш ҳисобига уларнинг миқдорини спиртли ичимликлар таркибида камайтириш кўрсатилган;

инвертаза ва эстераза ферментлари ёрдамида спиртли ичимликлар таркибидаги учувчан моддалар профилини ўзгартириш учун янги технология ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган ачитқи ферментларини қўллаш ёрдамида бренди ва ликёр-ароқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Органик муҳитда барқарор бўлган иммобилланган ферментларни олиш ва спиртли ичимликларни ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

иммобилланган инвертаза олиш технологиясига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 04401, 2011). Спиртли муҳитда юқори спиртларни конверсиясини ва алкилфруктозидлар ҳосил бўлишини ошириш имконини беради;

иммобилланган эстераза олиш технологиясига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 04595, 2012). Спиртли муҳитда юқори спиртларнинг конверсиясини ва эфирлар ҳосил бўлишини ошириш имконини беради;

иммобилланган инвертаза ёрдамида спиртли ичимликларнинг юқори спиртларининг миқдорини камайтириш технологиясига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 03222, 2004). Юқори спиртларни миқдорини камайтириш имконини беради;

иммобилланган эстераза ёрдамида спиртли ичимликларнинг сифатини яхшилаш технологиясига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 04852, 2014). Бренди таркибидаги юқори спиртларнинг миқдорини камайтириш ва энант эфирлар билан бойитиш имконини беради;

иммобилланган эстераза ферменти «Комбинат Ташкентвино» ЧИ АЖда бренди ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этилган («Ўзвинпром-Холдинг» ХКнинг 2016 йил 23 февралдаги 04-401-сон маълумотномаси). 70 минг дал бренди ишлаб чиқариш жараёнида дистиллятларни

сақлаш муддатини 2 йилга қисқартириш имконини берган.

Заиров Шерзод Шарипович: «Қизилқум региони конларини очиқ усулда қазиб олганда бурғилаш, портлатиш технологик жараёнларини жадаллаштириш», 04.00.10 – Геотехнология (очиқ, ер ости ва қурилиш) (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 31.03.2016/В2016.1.Т136.

Илмий маслаҳатчи: Норов Юнус Джумаевич, техника фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Навоий давлат кончилик институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Навоий давлат кончилик институти, Тошкент давлат техника университети, Минерал ресурслар илмий-тадқиқот институти, Сейсмология институти, Ўзбекистон нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти, Геология ва геофизика институти, 16.07.2013.ГМ/Т.10.01.

Расмий оппонентлар: Ракишев Баян Ракишевич, техника фанлари доктори, профессор, Қозоғистон Республикаси Миллий фанлар академияси академиги; Боровков Юрий Александрович, техника фанлари доктори, профессор; Белин Владимир Арнольдович, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: «Олмалик тоғ-металлургия комбинати» АЖ.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади Қизилқум региони карьерларида портлатиш технологиялари самарадорлигини портлатилган кон массаси сифатини янада ошириш, бортлар қиялик текислиги мустаҳкамлигини таъминлаш ва кон массивини геологик структурасини сақлаш учун имкон берадиган усулларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

цилиндрик ва сферик портловчи модда (ПМ) зарядларини портлаш чоғида тоғ жинсларининг майдаланиш зоналарини заряд радиусига, саноат ПМ энергетик кўрсаткичларига тўғри пропорционаллиги ва кон жинслари бўлақларининг критик учиш тезлигига тескари пропорционаллиги аниқланган;

кон жинсларининг физик-механик хоссаларини, ёриқларнинг узунлиги ва поғона қиялик текислигига нисбатан жойлашганлиги, шунингдек илашиш кучи, контакт бўйича ички ишқаланиш бурчаги, ёриқлар юзасининг нотекислиги ва ёриқни тўлдирган материалнинг хусусиятларини аниқлаш йўли билан контурловчи скважина ПМ зарядларини портлатганда портлашнинг карьер контур олди зонасига таъсири аниқланган;

контурли портлатишда контурловчи скважиналар ўртасида ёриқлар тўртини кўпайиши ва контурловчи зарядларни портлаши натижасида бузилиш зонасини чеклашга қўйиладиган талабларининг бир-бирига мос келиши шарти бўйича контурли портлатишнинг самарали параметрларини аниқлаш исботланган;

эмульсион ПМ заряди асосида, эмульсион ПМнинг энергетик тавсифи, кон жинсларини физик-механик хоссалари ва портлатиладиган блокнинг параметрларини ҳисобга олган ҳолда, скважина эмульсион ПМ зарядини портлатишда кон жинслари ёйилмаси баландлиги ва кенглиги билан тиралма девор баландлиги ва кенглиги ўзгаришининг ўзаро боғлиқлиги исботланган;

детонациянинг катта тезлиги, портлаш қуввати ва детонациянинг адсорбцион қобилиятини ҳисобга олган ҳолда, детонация критик диаметрини қисқартиришни таъминлайдиган янги, ўзида иссиқлик сақловчи моддаларнинг портлаш тавсифлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Контурли портлатиш учун ишлаб чиқилган скважина ПМ зарядининг конструкцияси ва параметрлари Навоий кон-металлургия комбинати Давлат корхонаси Марказий кон бошқармасининг Мурунтоғ карьерларида жорий қилинган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2016 йил 19 февралдаги 01-01-07/2076-сон маълумотномаси). Илмий натижаларни амалиётга жорий қилиш натижасида бортларни қўшимча сурмасдан қўлланганда қиялик бурчаги 600, баландлиги 20 м бўлган поғона турғунлиги ва пастки горизонтларда олиб бориладиган ишларнинг хавфсизлиги таъминланган;

ишлаб чиқилган тиралма девор параметрлари Навоий кон-металлургия комбинати Давлат корхонаси Марказий кон бошқармасининг Мурунтоғ карьерларида жорий қилинган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2016 йил 19 февралдаги 01-01-07/2076-сон

маълумотномаси). Илмий натижаларни амалиётга жорий қилиш натижасида портлатилган кон жинси бўлақлари ўртача ўлчамини 47% га, ногабаритлар чиқишини 71% га камайтиришга эришилди. Майдаланиш даражасининг ошиши экскаватор унумдорлигини 20-25% га, иккиламчи майдалаш ҳажмини 30% га камайтиришни таъминлади;

оммавий портлатишда чанг-газ ажралиб чиқишини камайтириш учун ишлаб чиқилган усули Навоий кон-металлургия комбинати Давлат корхонаси Марказий кон бошқармасининг Джерой-Сардара форфорит карьериди жорий қилинган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2016 йил 19 февралдаги 01-01-07/2076-сон маълумотномаси). Илмий натижаларни амалиётга жорий қилиш натижасида чанг бостириш самарадорлигини ошириш билан бир қаторда ПМ энергияси фойдали таъсири коэффициенти оширилди.

Мислибаев Илхом Тўйчибаевич: «Тоғ жинслари массивининг заифлашган ҳудудидан фойдаланган ҳолда бурғилаш-портлатиш ишларини олиб боришнинг ресурс тежовчи технологияларини ишлаб чиқиш», 04.00.10 – Геотехнология (очиқ, ер ости ва қурилиш) (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 31.03.2016/В2016.1.Т228.

Илмий маслаҳатчи: Норов Юнус Джумаевич, техника фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Навоий давлат кончилик институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Навоий давлат кончилик институти, Тошкент давлат техника университети, Минерал ресурслар илмий-тадқиқот институти, Сейсмология институти, Ўзбекистон нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти, Геология ва геофизика институти, 16.07.2013.ГМ/Т.10.01.

Расмий оппонентлар: Ракишев Баян Ракишевич, техника фанлари доктори, академик; Корнилков Сергей Викторович, техника фанлари доктори, профессор; Боровков Юрий Александрович, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади очиқ кон ишларида кон жинслари массивлари мустаҳкамлигининг заифлашган ҳудудларидан фойдаланган ҳолда бурғилаб-портлатиш ишларини олиб боришнинг ресурс тежовчи технологияларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кон массивининг кучланиш амплитудаси, юкланишлар сони, кон жинсларининг мустаҳкамлик хусусиятлари ҳамда портловчи модданинг портлатиладиган зарядлари охириги қаторигача бўлган масофаларга боғлиқ бўлган массив мустаҳкамлигининг заифлашиши аниқланган;

кон массиви мустаҳкамлигининг заифлашган ҳудуди радиуси кучланиш амплитудаси, юкланишлар сони, кон жинсларининг мустаҳкамлик хусусиятлари ва поғонанинг эркин юзасидан қайтган кучланиш тўлқинлари сўниш амплитудаларига боғлиқлиги исботланган;

кўп цикли пульсланувчи юкламалар таъсири остида кон жинслари мустаҳкамлигининг чўзилишга чидамлилиги чегараси $(0,3 \div 0,4) \sigma_{\text{чўзил}}$ гача пасайиб микро ва макро ёриқлар кўринишидаги заифлашишлари рўй бериши аниқланган;

кон массиви қаърида мустаҳкамликнинг заифлашган ҳудудларининг поғоналар баландлиги бўйича радиуслари портлатиладиган скважиналар сони, зарядларнинг диаметри ва кон жинсларининг мустаҳкамлик хусусиятларига боғлиқлиги очиқ берилган;

кон массиви мустаҳкамлигининг ПМлар скважина зарядларининг олдинги портлашларида ҳосил бўлган заифлашган ҳудудлари радиуслари, уларнинг тиқинларнинг турли конструкциялари томонидан ҳосил қилинадиган амплитуда фазалари ижобий ва салбий узунликларига боғлиқ ҳолда аниқланган;

массив мустаҳкамлигининг заифлашган ҳудудлари ўлчамлари, кичик баландликдаги поғоналарда БПИ технологик параметрларига ва портловчанлик даражасига, шунингдек юқори ўлчамдаги поғоналарда БПининг технологик параметрларига ва кон жинсларининг дарзлилиги коэффициентига боғлиқ ҳолда илк бор ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Бурғилаб-портлатиш ишларини амалга оширишнинг ишлаб чиқилган усули Навоий кон-металлургия комбинати Давлат корхонаси Марказий кон бошқармасининг Мурунгов карьериди жорий қилинган (НКМКнинг 2016 йил 19 февралдаги 01-01-07/2076-сон маълумотномаси).

Илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниш натижасида қатордаги скважиналар орасидаги ҳамда скважиналар қаторлари орасидаги масофани 10-15 фоизга ошириш ва 1 миллион м³ кон массасига 188,027 миллион сўм иқтисодий самара олиш имконини берган.

Умаров Фарходбек Яркулович: «Чуқур карьерларда масъулиятли муҳандислик иншоотлари ҳолатини бошқариш усулларини ишлаб чиқиш», 04.00.10 – Геотехнология (очиқ, ер ости ва қурилиш) (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 31.03.2016/В2016.1.Т229.

Илмий маслаҳатчи: Насиров Уткир Фатидинович, техника фанлари доктори, доцент.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат техника университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Навоий давлат кончилик институти, Тошкент давлат техника университети, Минерал ресурслар илмий-тадқиқот институти, Сейсмология институти, Ўзбекистон нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти, Геология ва геофизика институти, 16.07.2013.GM/Т.10.01.

Расмий оппонентлар: Ракишев Баян Ракишевич, техника фанлари доктори, профессор, Қозоғистон Республикаси Миллий фанлар академияси академиги; Корнилков Сергей Викторович, техника фанлари доктори, профессор; Белин Владимир Арнольдович, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: «Олмалик тоғ-металлургия комбинати» АЖ.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади чуқур карьерларда ягона геомеханик мониторинг тизимини яратиш ва табиий ҳамда кон-техник омилларни бошқариш мақсадида ағдарма ва карьер бортлари, шунингдек, муҳим муҳандислик иншоотларининг ҳолатини бошқариш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тоғ жинслари массивининг ички ишқаланиш бурчаги, солиштирма оғирлиги, илашиш коэффициентига боғлиқ ҳолда поғона борти силжиш чизиғи радиусининг ўзгариши исботланган;

чуқур карьерларда аввалий ўйиқ пайдо бўлишини таъминловчи портлатиш моддасини бурғикудук учун элементар бўлган зарядининг массаси аниқланган;

ўрнатилган тикқияланма конвейер (ЎТК) билан биргаликдаги УДТ-руда комплексига бўладиган портлатиш ва технологик таъсирларни инobatга олувчи мониторинг тизими ишлаб чиқилган;

кончилик ишларини бехатар олиб боришни таъминловчи чуқур карьер борти ва ЎТК конструкциясини кучланиш-деформацияланиш ҳолатини ҳисоблашнинг комплекс усули ишлаб чиқилган;

чуқур карьерлардаги бажариладиган ялпи портлашнинг муҳофазаланаётган объектлар ва муҳандислик иншоотларига бўлган таъсир даражасини камайтиришга, бурғилаш-портлатиш ишларини олиб боришни сейсмобехатар технологиясини ишлаб чиқиш ва портлаш марказидан объектгача бўлган масофа, портловчи модда тури ва массивнинг йўл қўйилган тўлқинланишларини инobatга олувчи параметрларини аниқлаш орқали эришилган;

чуқур карьерлардаги бортатрофи тоғ жинслари массиви ва муҳим муҳандислик иншоотларининг сақланишини оширувчи ва сейсмик тўлқинларнинг пасайиш даражасини таъминловчи нозлектрик инициация тизими (НИТ) секинлашув интервали ва портлатиш схемалари тавсия этилган ва битта секинлашув учун зарур бўлган бурғикудукдаги портловчи модда заряди массаси аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Бортлар қияликлари ва муҳим муҳандислик иншоотлари ҳолатини бошқаришнинг ишлаб чиқилган усули Навоий кон-металлургия комбинати Давлат корхонаси Марказий кон бошқармаси Мурунтоғ карьерида жорий қилинган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2016 йил 19 февралдаги 01-01-07/2076-сон маълумотномаси). Илмий натижаларни амалиётга жорий қилиш туфайли кончилик ишларининг хавфсизлиги ва самарадорлигини ошириш, карьер борти массивининг ва унда жойлашган ўрнатилган тикқияланма конвейер комплексини кондан фойдаланишнинг бутун фаолияти давомида чидамли ҳолатда сақлаш имконини берган.

Қурбанов Абдирахим Ахмедович: «Ўзбекистоннинг ҳар хил типли базальтларини қайта ишлашнинг рационал технологиясини ишлаб чиқиш», 04.00.14 – Фойдали қазилмаларни бойитиш (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5Т291.

Илмий маслаҳатчи: Абдурахмонов Соиб, техника фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Навоий давлат кончилик институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Навоий давлат кончилик институти, Тошкент давлат техника университети, Минерал ресурслар илмий-тадқиқот институти, Сейсмология институти, Ўзбекистон нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти, Геология ва геофизика институти, 16.07.2013.GM/Т.10.01.

Расмий оппонентлар: Тусупбеков Несипбай Куандекович, техника фанлари доктори, профессор; Ходжаев Омонullo Файзуллоевич, кимё фанлари доктори, профессор; Искандарова Мастура Искандаровна, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Тошкент давлат техника университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади базальтларни кимёвий, физик-механикавий хоссалари ва кимёвий-минералогик таркибини аниқлаш ва ҳар хил типли базальтларни қайта ишлашнинг рационал технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«Ғовосой» кони базальтларида оливин-(Mg,Fe)₂SiO₄, (T_{пл}=1250°C) ва пироксен-R₂[Si₂O₆], (T_{пл}=1450°C) кўпроқ учраши ва «Осмонсой», «Айдаркўл» конлари базальтларида эса плагиоклазанинг альбит - Na[AlSi₃O₈], (T_{пл}=1250°C) ва анортит - Ca[Al₂Si₂O₈], (T_{пл}=1550°C) кўринишлари борлиги илк бор исботланган ва кремний, магний, титан оксидлари йиғиндиси «Ғовосой», «Осмонсой» ҳамда «Айдаркўл» базальтларида 52,4; 52,6; 57,05% ташкил қилиб, улар базальтларни суюқланиш ҳарорати: 1250 °C, 1450°C ва 1550°Cни ташкил қилиши аниқланган;

базальт тоғ жинсларида SiO₂ – 50% дан юқори, TiO₂ – 2,5 ва MgO – 10% гача ўсиши суюқланиш ҳароратини кўтарилишига ва CaO, MnO₂ ва P₂O₅ ларнинг ошиши эса суюқланиш ҳароратини 1500°C дан 1200°C гача камайиши ҳамда қуйиш хоссаларининг ёмонлашувига олиб келиши исботланган;

базальтларда TiO₂, Fe₂O₃ ва Al₂O₃ ларнинг компонентларни миқдорининг ошиши электр ўтказувчанликни ўсишига ҳамда FeO ва Fe₂O₃ ларнинг 6% дан юқорига ўзгариши эса базальтларнинг структурасига, оловбардошлилик ва кислота бардошлилигига таъсир этиши аниқланган; тайёр базальт маҳсулотининг сифати ўзгариши шламларнинг кимёвий таркибига боғлиқлиги исботланган ва базальтларни шламлардан тозалаш технологияси ишлаб чиқилган;

базальтларни кимёвий таркибига қараб критерияли баҳолаш ишлаб чиқилган ва базальт тоғ жинсларини «майдалаш, ғалвирлаш ва ювиш, янчиш, қуйдириш ва магнитли саралаш, типларга ажратиш ва сифатли тайёр маҳсулотни ҳосил қилиш»га асосланган тизим яратилган;

иссиқлик сақловчи материаллар, филтрлар, ҳар хил потенциалдаги электротехник изоляторлар ва кислотобардош плиткалар ишлаб чиқариш технологиялари яратилган;

биринчи марта базальт филтрларининг механик мустаҳкамлиги, гигроскопик ҳолати, бўртиши, ғовокланиши, механик эгилиш салқилиги, иссиқликка бардошлилиги, чўзилиш коэффициенти, суюқ муҳитга қаршилиги, филтрнинг иш сифатига таъсир қилиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Сифатли иссиқликни сақловчи изоляцияловчи базальтли материал Навоий иссиқлик электр станциясининг 0,9 м диаметри магистрал қувурларини ўрашда жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамиятининг 2016 йил 11 майдаги ДИ-01-21/1930-сон маълумотномаси). Илмий натижаларни амалиётга жорий қилиш сифатли материални хизмат муддатини 5 йилга ошириб, қувурларда коррозия ҳосил бўлишини 45-50 %га камайтириш имконини берган.

Сеитназаров Қуанышбай Кенесбаевич: «Ерости сув олиш иншоотларини шакллантириш ва эксплуатацияси жараёнларини қатъиймас-детерминистик моделлаштириш тизими», 05.01.04 – «Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер тармоқларининг математик ва дастурий таъминоти» (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Т167.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент ахборот технологиялари университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда Ўзбекистон Миллий университети, 16.07.2013.Т/ФМ.29.01.

Илмий маслаҳатчининг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Усманов Ришат Ниязбекович техника фанлари доктори.

Расмий оппонентларнинг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Хабибуллаев Иброхим Хабибуллаевич техника фанлари доктори, профессор; Жмудь Вадим Аркадьевич техника фанлари доктори, Равшанов Нормакмад техника фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Тошкент ирригация ва мелиорация институти қошидаги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади бир ёки икки қатламли ер ости сув олиш иншоотларининг мавсумий-худудий хусусиятлари асосида шаклланиш ва эксплуатация жараёнларини қатъиймас-детерминистик моделлаштириш алгоритмлари, усуллари ва компьютерлаштирилган тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ер ости сув олиш иншоотларини худудий-ҳажмий шаклланиш, эксплуатацияси ва мавсумий қайта тикланиши, фильтрация жараёнларини қатъиймас-детерминистик моделлаштиришнинг алгоритм ва дастурий воситалар комплекси ишлаб чиқилган;

ер ости сув олиш иншоотлари ва уларнинг қатъиймас-детерминистик моделлари орасидаги ўзаро боғланишларни интерфаол тарзда амалга оширишга имкон берувчи ахборот идентификация ва ахборот технологик моделлари ишлаб чиқилган;

ер ости сув олиш иншоотларининг қатъиймас-детерминистик моделлаштириш ва ечимлар қабул қилиш жараёнлари ахборот интеграциясини симсиз сенсор тўрлари асосида компьютерлаштирилган тизим тузилмаси ишлаб чиқилган;

бир ва икки қатламли ер ости сувли қатламлари шароитида кучли шўрланган ер ости сувлари таркибини юқори даражада минераллаш технологиясига асосланган чучуклаштириш жараёнларининг қатъиймас-детерминистик модел, алгоритм ва дастурий воситалари ишлаб чиқилган;

геофилтрлаш жараёнларни қатъиймас-детерминистик моделларини ишлаб чиқиш жараёнларини параллеллаштириш тамойил, алгоритм ва дастурий воситалари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Симсиз сенсор тўрларидан фойдаланган ҳолда ЕОСОИларининг нейро-қатъиймас ва қатъиймас-детерминистик моделларини яратиш технологияси ва мониторингнинг компьютерлаштирилган тизими Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси корхоналарида, жумладан «Орол бўйи гидрогеология экспедицияси», «Ғарбий Ўзбекистон гидрогеология экспедицияси» Давлат корхоналарида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2015 йил 14 июлдаги 08-1266-сон, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2016 йил 1 апрелдаги 02-8/1849-сон маълумотномалари). Илмий-тадқиқот натижалари ер ости сувли қатламга доир геофилтрация, экологик, геологик ва гидрогеологик маълумотларни тизимлаштириш, кузатиш ва эксплуатация қудуқларини оптимал жойлаштириш схемаларини аниқлаш ва кузатишга боғлиқ маълумотларни таҳлил қилиш жараёнини 1,7-2,5 маротабага қисқартириш, эксплуатация қудуқлари сонини 15-20 фоизга камайтириш ва ер ости сув захираларидан самарали фойдаланишни таъминлашга хизмат қилади.

Сайдалиева Махруй: «Хужайра туркумлари регулятор механизмларининг математик моделлари», 05.01.07 – «Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи» (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Т305.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент ахборот технологиялари университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда Ўзбекистон Миллий университети, 16.07.2013.Т/ФМ.29.01.

Илмий маслаҳатчи: Бекмуратов Тулкун Файзиевич, техника фанлари доктори, профессор, академик.

Расмий оппонентлар: Усманов Ришат Ниязбекович техника фанлари доктори, профессор; Юлдашев Таджимат техника фанлари доктори; Туракулов Холбўта Абилович техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади тирик тизимлар хужайра туркумлари регуляторикасида элементлараро вақтий-фазовий ўзаро муносабатлар механизмларини ифодаловчи имитацион моделлаштириш усуллари ва математик моделлари мажмуасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

хужайра туркумларининг функционал бирлиги асосида бўлинувчи, ўсувчи, табақаланувчи, махсус вазифалар бажарувчи, қарувчи хужайралар гуруҳлари хужайра туркумларини регулятор механизмларининг концептуал модели яратилган;

хужайра вақтий-фазовий шаклланишининг ички жараёнларини ифодаловчи хужайра туркумларининг функционал бирлигидаги имитацион моделлари, ҳамда дифференциал-айирма тенгламалар системаси асосида тузилган хужайра туркумларининг функционал бирлигида хужайралар сонининг миқдорий ўзаро муносабатларини математик модели ишлаб чиқилган;

хужайра бўлиниши, табақаланиши, хужайранинг ўзига хос вазифаларни бажариши, яшаш даври босқичлари жараёнлари моделларидан ташкил топган хужайра туркумларининг функционал бирлигида хужайра функциялари регулятор механизмларининг интеграллашган математик моделлари мажмуи яратилган;

илк бор хужайра ҳажми динамикаси эътиборга олинган ва ҳажм миқдорининг ўзгариши сабабли хужайра бўлиниши модели ва ҳажмнинг ўзгариши параметрлари орасидаги миқдорий боғлиқликнинг хужайра функциялари моделлари ишлаб чиқилган;

хужайра туркумлари регулятор механизмларини ночизиқ ўзаро боғланишлари, ўз-ўзини идора қилиши, охириги маҳсулот ингибицияси, ассоциативлаш услуб ва имитацион моделларини компьютерда ишлаб чиқишнинг алгоритмлари тузилган;

биология ва тиббиётда хужайра туркумлари регулятор механизмларининг ўзаро боғлиқлик жараёнлари моделларини ишлаб чиқиш масалаларини ечишга йўналтирилган ҳисобий тажрибалар учун инфорацион технология ва дастурий воситалар яратилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Хужайра туркумлари регуляторикасини ўзгариши туфайли юзага келадиган касалликларни келиб чиқиши сабаблари, динамикаси ва оқибатларини аниқлаш бўйича оптимал қарорлар қабул қилишда хужайра туркумлари регулятор механизмларининг моделларидан фойдаланиш дастлабки ташхис қўйишда аниқликни 1,5-2 маротабага ва даволаш самарадорлигини 35-40 фоизга оширади, ҳамда биология ва тиббиётда тажриба ишларини режалаштиришда тажриба ўтказиш харажатини тежаш ҳисобига йиллик 120,5 млн. сум. самарадорликка эришилади (Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2016 йил 4 февралдаги 02-8/677-сон, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 1 мартдаги 84-3/49-сон маълумотномалари).

Бабаханова Халима Абишевна: «Иккиламчи толали ресурсларга эга қоғознинг берилган босма хоссаларини таъминловчи «хомашё-қоғоз-нусха» тизимини яратиш», 05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва работотехника тизимлари (техника фанлари бўйича).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Т315.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти ҳузуридаги 16.07.2013.Т.06.01 рақамли илмий кенгаш.

Илмий маслаҳатчи: Аскарров Мирходжи Асқарович, кимё фанлари доктори, профессор, академик.

Расмий оппонентлар: Баблюк Евгений Борисов, техника фанлари доктори, профессор; Джураев Анвар Жураевич, техника фанлари доктори, профессор; Примкулов Махмуд Темирович, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Наманган муҳандислик-технология институти.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий иккиламчи толали ресурслардан фойдаланган ҳолда янги таркибдаги қоғоз олиш технологияси ва босма сифатини прогнозлашнинг «хомашё-қоғоз-нусха» тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иккиламчи толали материал қўшилган қоғозларда «хомашё-қоғоз- нусха» тизимли ёндашувини қўллашга асосланган босма сифатини баҳолашнинг мажмуавий услуби ишлаб чиқилган;

қизилмия ўсимлиги илдизи чиқиндилари ва буғдой сомонидан целлюлоза олишнинг янги усули ишлаб чиқилган;

пахта ва қизилмия целлюлозаси асосида қоғоз олишнинг оптимал таркиби аниқланган;

қоғоз массасида кристаллик даражасини оширишга ҳизмат қиладиган иккиламчи толали материалларнинг оптимал таркиби ҳамда иккиламчи толали материаллар улушининг ортиши сорбцион шимувчанлигининг ошиши ҳисобига босма хоссаларининг ёмонлашишига олиб келиши аниқланган;

иккинчи тартибли ортогонал марказий-композицион режа асосида қоғоз композициясининг таркиби, толали материалнинг тузилмаси ва уни олиш усулини ҳисобга олган ҳолда босма сифатини бошқариш услуби ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Маҳаллий иккиламчи толали ресурслардан фойдаланган ҳолда янги таркибдаги қоғоз олиш технологияси ва босма сифатини прогнозлаш бўйича ишлаб чиқилган натижалар асосида:

қизилмия ўсимлиги илдизи чиқиндиларидан целлюлоза олиш усули, пахта ва қизилмия целлюлозаларини қўшиб қоғоз олиш таркиби бўйича Ўзбекистон Интеллектуал мулк агентлигининг иккита ихтирога патентлари олинган («Целлюлоза олиш усули», (№IAP 04879, 2014 й.; «Қоғоз олиш учун таркиб», №IAP 04981, 2014 й.). Илмий натижалар маҳаллий хомашё асосида импорт ўрнини босувчи янги қоғоз турини яратиш имконини берган;

маҳаллий иккиламчи толали материаллардан фойдаланган ҳолда янги таркибдаги қоғоз олиш технологияси ва босма сифатини прогнозлаш тизими целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш корхоналарида, жумладан «GIGRO FARM TECHNO» МЧЖ, «JUNAL QALIN-QO'G'OZ» ХС МЧЖ корхоналарида тасдиқланган технологик регламент асосида жорий қилинган (Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2015 йил 18 декабрдаги №06-2754-сон маълумотномаси). Диссертация натижаларининг амалиётга жорий қилиниши республикада қоғоз ишлаб чиқариш ҳажмини 6-8 фоизга оширади ва босма сифатини яхшилашга имкон беради.

Абильдинова Сауле Қианбековна: «Автоном тизимнинг иссиқлик таъминотида ва чўкка сув иситгич қозонларининг ишлаш тартибида иссиқлик насосларини ишлатиш технологияси», 05.05.04-«Саноат иссиқлик энергетикаси» ихтисослиги (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Т249.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Олмаота энергетика ва алоқа университети ва Тошкент давлат техника университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат техника университети ва Энергетика ва автоматика институти, 16.07.2013.Т.02.01.

Илмий маслаҳатчи: Мухиддинов Джалолиддин Носирович, техника фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Зоҳидов Ромэн Абдуллаевич, техника фанлари доктори, профессор, академик; Мирзаев Шавкат Мустақимович, техника фанлари доктори, профессор; Искандаров Зафар Самандарович, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: «Issiqlikelektroyiha» очиқ акциядорлик жамияти

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади автоном ва марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимлари учун ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланиш асосида энергия тежамкор иссиқлик насосли технологияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кўп қаватли турар-жой биноси учун шу бинонинг вентилицион чиқимларининг иссиқликни аккумуляция қилиш хусусиятидан рационал фойдаланадиган энергия самарадор ҳаво-ҳаво туридаги иссиқлик насосли иссиқлик таъминоти тизими ишлаб чиқилган;

иссиқлик насосли компрессори юритмасининг частотали кўрсаткичларини ўзгартириш

ва термодинамик циклнинг эксергетик тадқиқига асосланган иссиқлик насосининг энергия самарадорлигини оширадиган усуллар ишлаб чиқилган;

ёқилғи энергия ресурслари сарфининг камайтирилиши ва қайта тикланувчи энергия манбаларининг қўлланилиши ҳисобига корхонанинг энергия мажмуаси иши самарадорлигини оширишни таъминлайдиган иссиқлик насосли иссиқлик таъминоти тизими ишлаб чиқарилган;

эксплуатация харажатлари ва иссиқлик энергияси таннархининг камайиши натижасида иссиқлик таъминоти тизими барқарорлигини оширишни таъминлайдиган иситиш ва ишлаб чиқариш-иситиш қозонхоналари учун энергия тежамкор иссиқлик насосли технологиялар ишлаб чиқарилган;

иссиқлик электр марказида тармоқ суви ҳароратини бошқариш ҳисобига ёқилғи сарфини камайтириш ва тежамкорликни ошириш имконини берадиган очиқ турдаги иссиқлик таъминоти тизимининг марказий иссиқлик пунктида иссиқлик насосини ишлатиш принципиал схемаси ишлаб чиқилган;

узоқ ҳудудлардаги объектларнинг юритмаси ички ёнув двигатели бўлган тригенерацион қурилмалар ёрдамида комплекс энергия таъминоти учун биринчи марта иссиқлик насосли технология ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Буғ-компрессорли иссиқлик насослари ўрнатилган иссиқлик насосли қурилмалар ишини оптималлаштириш усуллари ва алгоритмлари, инновацион энергия тежамкор технологиялар Қозоғистон Республикасининг саноат корхоналари ва уй-жой коммунал хўжаликларида жорий этилган бўлиб, 480 кВт бўлган иссиқлик насосларини ишга тушириш натижасида ишлаб чиқарилаётган иссиқлик ташувчининг таннархини 1143 сўм/Гкал.гача пасайтириш ҳисобига ўртача йиллик иқтисодий самара 588 млн. сўмни ташкил этади (Қозоғистон Республикаси «Қазатомпром» миллий акциядорлик жамиятининг 15.12.2015 йилдаги 401-сон маълумотномаси).

Джунусова Ляззат Рысхановна: «Комбинациялаштирилган сув тайёрлаш қурилмаси орқали Орол бўйи шароитида сувнинг сифатини ошириш технологияси», 05.05.04 - «Саноат иссиқлик энергетикаси» (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Т250.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Олмаота энергетика ва алоқа университети ва Тошкент давлат техника университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат техника университети ва Энергетика ва автоматика институти, 16.07.2013.Т.02.01.

Илмий маслаҳатчи: Муҳиддинов Джалолиддин Носирович, техника фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Кремков Михаил Витальевич, физика-математика фанлари доктори, профессор; Клычев Шавкат Исакович, техника фанлари доктори, профессор; Нурмухамедов Хабибулла Сагдуллаевич, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: "Uzelektrozlash" унитар корхонаси.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади Орол бўйи шароитида иссиқлик энергетика қурилмалари учун мембранали технологиялар қўлланилган комбинациялаштирилган сув тайёрлаш қурилмасида сув сифатини ошириш технологияларининг энергия самарадор тизимларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иссиқлик энергетика қурилмаларида иссиқлик ташувчининг норматив режимини таъминлаб берувчи энергия самарадор комбинациялаштирилган сув тайёрлаш тизими ишлаб чиқилган;

сув тайёрлаш қурилмасида мембраналар ишининг эксплуатацияси ва параметрларини танлашни прогнозлантириш усулларида фойдаланиб ифлосланиш, ювиш ва тузсизлантириш жараёнларини математик моделлаштириш ишини оптималлаштириш услубияти ишлаб чиқилган;

биринчи марта иссиқлик энергетика қурилмаларининг иссиқлик узатиш юзасида шлам, қасмоқ ва чўкмалар ҳосил бўлмасдан, бузилмасдан ва самарадорлиги пасаймасдан узлуксиз ишлашини таъминлаб берувчи ультрафиолет зарарсизлантириш ва мембранали

ультрафилтрацион, электродиализли модулларнинг ишлаш қобилияти асосида комбинациялаштирилган сув тайёрлаш қурилмасининг технологик жараёни ишлаб чиқилган; саноат корхоналарида техник ва ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш мақсадида иш жараёнига жорий этиш билан Орол бўйи шароитларида комбинациялаштирилган сув тайёрлаш қурилмасида сув сифатини ошириш технологиясининг энергия тежамкор технологик схемаси ишлаб чиқилган;

кимёвий реагентларнинг кўп миқдорда қисқартирилишига, жиҳозларнинг эксплуатациясида энергия сарфларининг камайтирилишига боғлиқ ҳолда тузсизлантирилган сув таннархининг пасайиши ҳисобига керакли иқтисодий самарасини таъминловчи сув тайёрлаш қурилмаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Иссиқлик энергетика тизимларида ноанъанавий реагентсиз технологияларидан фойдаланиш принциплар схемалари, тузсизлантирилган сувнинг сифатини оширувчи сув тайёрлаш қурилмаси, ультрафилтрацион ва электродиализли мембранали аппаратлардан фойдаланилган комбинациялаштирилган сув тайёрлаш қурилмасининг энергия самарадорлигини ошириш усуллари Қозоғистон Республикаси Энергетика вазирлиги тизимига кирувчи «МЕКЕНСАК - илмий ишлаб чиқариш маркази» ва «Электроаппарат» масъулияти чекланган жамиятларида жорий этилган бўлиб, умумий ўртача йиллик иқтисодий самара сув тайёрлаш тизимларида электр энергияси сарфининг 30 % га (2 кВт·соат/м³) камайиши ҳисобига 117 млн. сўмни ташкил этди (Қозоғистон Республикаси Энергетика вазирлигининг 25.06.2015 йилдаги 12-02-241-сон маълумотномаси).

Астанақулов Комил Дуллиевич: «Ўзбекистон шароитида кичик майдонлардаги ғаллани эрта муддатларда йиғиштиришнинг илмий-техникавий ечимлари», 05.07.01 - Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш (техника фанлари бўйича).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 31.03.2016/В2016.1.Т353.

Илмий маслаҳатчи: Байметов Рустам Исаевич, техника фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий тадқиқот институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент автомобил-йўллари институти, Тошкент давлат техника университети, Тошкент ирригация ва мелиорация институти ва Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги 16.07.2013.Т.07.01 рақамли илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Маматов Фармон Муртозевич, техника фанлари доктори, профессор; Шаймарданов Бахтиёр Пардаевич, техника фанлари доктори, профессор; Байбобоев Набижон Ғуломович, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: “Ўзагромашсервис” уюшмаси

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон шароитида кичик майдонлардаги ғаллани эрта муддатларда йиғиштиришда ўриш, янчиш ва донни тозалаш жараёнлари учун кичик техника воситаларининг параметрларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кичик энергия-ресурс тежамкор ғаллаўргич, ғаллаянчгич ва дон тозалаш машинасининг такомиллашган конструкциялари асосланган;

ғалла пояларининг қаршилигини ҳисобга олган ҳолда сегментли ўриш аппаратида қирқилишининг технологик режими ишлаб чиқилган;

ғаллани янчиш жараёнида массасининг ўзгариб бориши, донларнинг сепараторда бармоқли ишчи қисмлар, дон тозалаш қисмида эса ҳаво оқими ва сомонтуткичли ғалвир таъсирида қипиқ ва сомондан ажралишининг самарали усуллари аниқланган;

дон тозалаш машинасида донларни жўвалар ёрдамида сўрувчи қувур ва ғалвирга меъёрлаб

узатиш ҳамда ғалвирга бўйлама-кўндаланг тебраниш бериш орқали бегона қўшиндилардан тозалашни жадаллаштиришнинг янги техник ечими ишлаб чиқилган;

ғаллаўргич, ғаллаянчгич ва дон тозалаш машинаси ишчи қисмларининг конструктив, кинематик ва технологик параметрларини аниқлаш имконини берадиган аналитик боғланишлари ҳамда техника воситалари ишчи қисмларининг оптимал параметрлари аниқланган;

кичик ғаллаўргич, ғаллаянчгич ва дон тозалаш машинасининг ишчи қисм тури, оптимал параметри ва иш режимларида ғаллани ўриш сифати яхшиланиши, дон нобудгарчилигининг камайиши ва тозаланишининг ошиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Кичик майдонлардаги ғаллани ўриб-йиғиштиришда қўлланиладиган ғаллаўргич, ғаллаянчгич ва дон тозалаш машиналари 2011–2015 йиллар давомида Янгийўл, Зангиота, Шўрчи, Қумқўрғон, Янгибозор ва Гурлан туманларидаги фермер ва деҳқон хўжаликлариде қўлланилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 25-январдаги 02/23-113-сон маълумотномаси). Бунда кичик майдонлардаги ғалла ҳосилини йиғиштиришда энергия сарфини 1,2 мартага, харажатларни 22,3 фоизга камайтириш имконини берган.



Қишлоқ хўжалиги фанлари

бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Анорбаев Азимжон Раимкулович: «Агробио-ценозда тунламлар популяцияси сонини бошқаришда трихограмма (*Нymenoptera: Trichogrammatidae*) турларининг аҳамияти», 06.01.09–ўсимликларни ҳимоя қилиш (қишлоқ хўжалиги фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 31.03.2016/В2016.1.Қх230.

Илмий маслаҳатчининг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Сулаймонов Ботиржон Абдушукурович, биология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат аграр университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалик институти, 16.07.2013.Қх.22.01.

Расмий оппонентларнинг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Азимов Джалалиддин Азимович, биология фанлари доктори, профессор, академик; Махмудходжаев Нажмиддин Мавляноходжаевич, биология фанлари доктори, профессор; Шамуратова Нагима Генжемуратовна, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

Етакчи ташкилот номи: Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ хўжалиги экинларида учрайдиган тунламлар сонини бошқаришда экстремал шароитга мос трихограмма турини танлаш, интродукциялаш, иқлимлаштириш, ялпи кўпайтириш ва тарқатиш усулларини такомиллаштириш ҳамда экинлар ҳосилини сақлаб қолиш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тунлам турларининг экинларда учраш даражаси, ғўза тунламининг асосий паразитлари ва уларнинг ўзаро нисбати аниқланган;

мамлакатимиз учун трихограмманиннг янги *Trichogramma chilonis* Ishii тури интродукция қилинган, иқлимлаштирилган ва биологик ҳусусиятлари аниқланган;

интродукцион *Trichogramma chilonis* тури маҳаллий турлар билан таққосланган, унинг турли маҳаллий тангача қанотли зараркунанда турларида биологик кўрсаткичлари аниқланган;

мамлакатимизда трихограммани лаборатория шароитида сунъий озуқа (*in vitro*) ёрдамида кўпайтириш усули ишлаб чиқилган;

мамлакатимизда трихограммани қадоқлаш ва зарарли тунламларга дала шароитида

қўллашнинг самарали технологияси ишлаб чиқилган;

агробиоценозда трихограмманинг биологик фаоллигига таъсир этувчи экологик, антропоген омиллар аниқланган, тунламларга қарши қўлланиладиган инсектицидларнинг трихограмма паразитига таъсири аниқланиб, кам таъсирга эга турлари ишлаб чиқаришга тавсия этилган;

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

трихограммани кўпайтиришнинг самарали, ресурстежамкор усули «Трихограмма ўстириш учун сунъий озуқа» бўйича Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAP 0052). Трихограммани ўстиришнинг ихтиро қилинган усули амалдаги усулга нисбатан 4-5 баробар ресурстежамкор ҳисобланади;

ўсимликларни ҳимоя қилиш амалиётида қўллаш учун интроукцион *Trichogramma chilonis* тури Сирдарё вилояти Мирзаобод, Гулистон, Оқ олтин туманлари, Андижон вилояти Балиқчи, Андижон туманлари, Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ туманлари биологический лабораторияларига ҳамда пахтачилик, сабзавотчилик фермер хўжаликлари экинларида тунламлар популяцияси миқдорини бошқариш мақсадидажами 56 минг гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги 08.04.2016 й., 02/90-512-сон маълумотномаси). Бунда, ғўза экиннинг ҳар гектаридан ўртача 4,7-6,2 центнер, помидордан 26,5-33,7 центнер ҳосил сақлаб қолинган.

Юсупов Абдусалим Холбоевич: «Мевали боғлар тангачақанотлилари (Insecta, Lepidoptera) биоэкологияси ва уларнинг сонини бошқариш», 06.01.09–ўсимликларни ҳимоя қилиш (қишлоқ хўжалиги фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.06.2015/В2015.2.Қх206.

Илмий маслаҳатчининг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Сулаймонов Ботиржон Абдушукурович, биология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат аграр университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалик институти, 16.07.2013.Қх.22.01.

Расмий оппонентларнинг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Торениязов Елмурат Шерниязович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори; Бойметов Карим Исаевич қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор; Теллаев Рихсивой Шамахамадович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади мевали боғларда учрайдиган тангачақанотли ҳамда биологияси, зараркунанданинг зарарлаш миқдор мезонини белгилаш асосида уларнинг сонини бошқариш юзасидан ишлаб чиқаришга тавсиялар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор республикамиз мевали боғларида учрайдиган тангача қанотли зараркунандалар тур таркиби аниқланган ҳамда зараркунандаларнинг озиқланиш ихтисослигига кўра учта (ксилофаглар, филофаглар ва карпофаглар) гуруҳига мансуб асосий турларининг биологик ривожланиш хусусиятлари очиқ берилган;

тангачақанотли зараркунандалар асосий турларининг биологик хусусиятлари, зарарлилик даражаси аниқланган;

зарарланган объектларга қарши инсектицидларни қўллашни ўчоқ-уяли, механик усули, феромон тутқич ёрдамига асосланган феромониторинг усули, шунингдек, гормонал инсектицидларни қўллаш усуллари ишлаб чиқилган;

кўчатзорлар ва мевали боғларни тангача қанотли ва йўлдош зараркунандалардан умумий уйғунлашган ҳимоя қилишнинг такомиллашган тизими ишлаб чиқилган;

мевали боғларни янги такомиллашган ҳимоя қилиш тизимида 11 та инсектицид турига агротоксикологик жиҳатдан баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

11 та инсектицид мевали боғлар тангачақанотли зараркунандаларига қарши уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимида қўллаш учун «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ишлатиш учун рухсат этилган пестицидлар ва агрохимикатлар рўйхати» га киритилган.

Республика қишлоқ хўжалиги амалиётида қўллаш учун тангача қанотли зараркундалар ҳамда йўлдош зараркундаларга қарши уйғунлашган ҳимоя қилишнинг умумий тизими такомиллаштирилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги 22.01.2016 й., 02/90-94-сонли маълумотнома).

Республиканинг 81 минг гектар майдондаги мевали боғларида мазкур препаратлар қўлланилган ва ҳар гектардан ўртача 31,5-66,5 центнер қўшимча ҳосил олинган, сарфланган ҳар 1 сўм учун 2-3,6 сўмлик маҳсулот олинган.

Юсупова Махпуза Нумановна: «Турли усулларда экилган ғўза учун уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш», 06.01.09–ўсимликларни ҳимоя қилиш (қишлоқ хўжалиги фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5Qx140.

Илмий маслаҳатчининг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Ходжаев Шамиль Турсунович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалик институти, 16.07.2013.Qx.22.01.

Расмий оппонентларнинг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Торениязов Елмурат Шерниязович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори; Махмудходжаев Нажмиддин Мавляноҳжаевич, биология фанлари доктори, профессор; Махмудов Обиджон, қишлоқ хўжалик фанлари доктори.

Етакчи ташкилот номи: Андижон давлат университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади турли усулларда экилган ғўзада содир бўлиши мумкин бўлган энтомологик, фитопатологик ҳамда гербологик ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда, унинг ҳимоя тизимига тегишли ўзгаришлар киритиш юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор «ғўза-ғалла» навбатлаб экиш тизими агробиоценозда содир бўладиган энтомологик ҳамда микробиологик (фитопатология нуқтаи назаридан) ўзгаришлари аниқланган;

турли тартибда экилиб турли кўчат қалинлигига эга бўлган ғўзани зараркунанда ва касалликлар билан шикастланишдаги фарқи аниқланган;

ғўзани мулғчалаб экишда Стомп гербицидини ишлатиш самарадорлиги баҳоланган;

энтомологик объектлар эрта ривожлана бошлаши сабабли ғўза тунлами мавсумда 3,5 авлод бериши очиқ берилган;

20-25 кун эрта ўтказилган дефолиацияни зарарли энтомофауна, жумладан, шира ва ғўза тунламига таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Ғўзани плёнка остида етиштириш билан бирга ғўза зараркундаларига қарши препаратлар ва бегона ўтларга қарши Стомп гербицидини гектарига 1,5-2 л меъёрда қўллаш усули, жами, 4,7 минг гектар майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги 29.01.2016 й., 02/20-134-сонли маълумотнома). Ғўза зараркундаларига қарши препаратлар ва бегона ўтларга қарши гектарига 1,5-2 литр меъёрда Стомп гербицидини қўлланган технология жорий этилган пахта майдонларида гектаридан 8,5 центнер қўшимча пахта ҳосили олинди ва иқтисодий самара гектарига 195,0 минг сўмни ташкил этган.

Досмухамедова Мухайё Хуснитдиновна: «Дехқон ва фермер хўжаликларида сермахсул молларгуруҳларинияратиш, подаларва ресурстежамкор технологияларни такомиллаштириш», 06.02.03 - хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси (қишлоқ хўжалик фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Qx44.

Илмий маслаҳатчининг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Носиров Убайдулла Насруллаевич, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат аграр университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Самарқанд қишлоқ хўжалик

институти ва Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги 16.07.2013.Қх/В.25.01.

Расмий оппонентларнинг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Кахаров Абдусаттор, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор; Бобоқулов Насилло Асадович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор; Абдалниязов Бахтияр Алимович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

Етакчи ташкилот номи: Ипакчилик илмий-тадқиқот институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида подаларни шакллантиришнинг ресурстежамкор технологияларини такомиллаштириш ва сермахсул моллар гуруҳларини яратиш, сақлаш ва озиқлантириш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

деҳқон ва фермер хўжаликларида маҳаллий, зоти яхшиланган ҳамда қора-ола зотли голштин генотипли молларнинг хўжалик-биологик хусусиятлари аниқланган;

подалар ва ресурстежамкор технологияларни такомиллаштириш ҳамда сермахсул моллар гуруҳи яратилган;

иссиқиклим шароитида селекция ва ресурстежамкор технологияларни такомиллаштириш омиллари амалга оширилган;

қора-ола зотли голштин генотипли молларнинг хўжалик-биологик белгиларини ташқи муҳит факторларига мослашиш хусусиятлари аниқланган;

сермахсул моллар гуруҳини яратишда голштин зотли исроил, немис ва америка селекциясига хос яхшиловчи буқалардан фойдаланиш ҳамда маҳаллий молларни флегфих симментал зоти билан чагиштириш усуллари такомиллаштирилган;

сигирлар генетик маҳсулдорлик потенциалини намоён этишида уларни озиқлантириш ва сақланишининг усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Турли генотипли қорамолларни такомиллаштириш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган натижалар асосида:

турли голштин генотипли қора-ола зотли моллар, зоти яхшиланган ва маҳаллий сигирларни наслдорлик ва маҳсулдорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган услуб синовдан ўтказилиб, амалиётга жорий этиш бўйича рўйхатдан ўтказилган (Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекциясининг 18.03.2016 й., 51/02-38-сон маълумотномаси);

голштин ва флегфих симментал зотлари генотипига мансуб подаларнинг наслдорлик ва маҳсулдорлик сифатини ошириш технологиялари Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги 2 та наслчилик фермер хўжаликларида, Қибрай туманидаги 3 та чорвачилик фермер хўжаликларида ва Бўка туманидаги 10 та шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги 13.04.2016 й., 02/12-1194-сон маълумотномаси). Бунда, флегфих симментал генотипли сигирдан олинган соф фойда 2,01 мартага, қора-ола зотли исроил, немис ва америка голштин генотипли сигирларда 1,38-1,42 мартага ошган.

Шакиров Қахрамон Жўрабаевич: «Ўзбекистон шароитида голштин ва флегфих симментал зотларининг иқлимга мослашиш, наслдорлик ва маҳсулдорлик сифатларини такомиллаштириш», 06.02.03-хусусий зоотехния, чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси (қишлоқ хўжалик фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Қх46.

Илмий маслаҳатчининг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Носиров Убайдулла Насруллаевич, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат аграр университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ва Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги 16.07.2013.Қх/В.25.01.

Расмий оппонентларнинг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Бобоқулов Насилло Асадович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор; Холмирзаев Дўсмухаммад, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор; Абдалниязов Бахтияр Алимович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

Етакчи ташкилот номи: Ипакчилик илмий-тадқиқот институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади наслчилик фермер хўжаликларида импорт қилинган голштин ва флегфих симментал зотли молларнинг иқлимга мослашиш, наслдорлик ва маҳсулдорлик сифатларини такомиллаштириш генетик маҳсулдорлик потенциалини шакллантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор наслчилик фермер хўжалиklarининг замонавий сақлаш тизими ҳамда оптималлаштирилган озиклантириш технологик шароитларида хитой, немис, словения голштин молларининг наслдорлик, маҳсулдорлик ва биологик хусусиятлари ишлаб чиқилган;

сут-гўшт йўналишидаги қорамолчиликнинг тоғ олди ҳудудида флегфих симментал зотли молларнинг шароитга мослашиш, хўжалик фойдали ва биологик сифатлари аниқланган;

яхшиловчи зотларни наслдорлик ва маҳсулдорлик хусусиятларининг шаклланиши янги иқлим шароитида аниқланган;

генотип-муҳит ва селекция белгиларининг боғланишлиги исботланган;

импорт қилинган голштин ва флегфих симментал зотларнинг турли ҳудудий ва конституция типларининг наслдорлик, маҳсулдорлик ва биологик сифатлари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Четдан келтирилган қорамолларни республикада фермер хўжалиklarига мослаштириш бўйича ишлаб чиқилган натижалар асосида:

республикага Голландия, Германия, Австрия, Словения ва бошқа Европа давлатларидан «яхшиловчи» голштин ва флегфих симментал зотли моллар олиб келиниб, иссиқ иқлим шароитига мослашиши бўйича ишлаб чиқилган услуб синовдан ўтказилиб, амалиётга жорий этиш бўйича рўйхатдан ўтказилган (Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекциясининг 18.03.2016 й., 51/02-39-сон маълумотномаси);

голштин ва флегфих симментал зотларининг иқлимлашиш хусусиятлари, наслдорлик ва маҳсулдорлик кўрсаткичларини Ўзбекистон шароитида такомиллаштириш ишлари Тошкент вилоятининг тўртта наслчилик фермер хўжалиklarида («Роҳатой», «Милк-агро» МЧЖ) Зангиота, («Азизжон») Қибрай ва («Хожи-Акбар») Оҳангарон туманларида жорий этилган. Бунда, хитой ва немис голштин сигирларидан олинган соф фойда 1,26-1,36 мартага, словения ва немис голштинларида 1,65-1,81 мартага ошган. Флегфих симментал зотли молларники тегишлича 1,58 мартага тенглашган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 13.04.2016 й., 02/12-1195-сон маълумотномаси).



Иқтисодиёт фанлари

бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Исмаилов Алишер Агзамович: «Ўзбекистон Республикаси пул тизимини мустаҳкамлашнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш» 08.00.07-Молия. Бухгалтерия ҳисоби (иқтисодиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.1136.

Илмий маслаҳатчининг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Т.И. Бобакулов, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент молия институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, Тошкент Ирригация ва мелиорация институти ва Тошкент Молия институти, 16.07.2013.1.31.01.

Расмий оппонентлар: О.К. Иминов, иқтисод фанлари доктори, профессор; Ф.И. Мирзаев, иқтисод фанлари доктори; А.У. Бурханов, иқтисод фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади миллий иқтисодиёт пул тизимини мустаҳкамлашнинг назарий –

услугий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қайта молиялаш ставкаси ва мажбурий захира талабномаларининг базавий ставкасини инфляция даражасига мутаносиб равишда пасайтириш ҳамда тижорат банклари кредитларининг номинал фоиз ставкалари барқарорлигини таъминлаш йўли билан тижорат банкларининг кредит экспансиясини рағбатлантириш орқали монетизация даражасини оширишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

пул массаси ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминловчи монетар сиёсат инструментларидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш ва пул бозорини ривожлантириш асосида пуллар таклифини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилган;

миллий валюта – сўмнинг қадрсизланиш суръатини пасайтириш учун конверсион операциялар ҳажмини ошириш асослаб берилган;

пуллар таклифини таргетлаш шароитида, монетар сиёсат инструментларининг эластиклигини таъминлаган ҳолда, инфляция суръатини ўсишига йўл қўймаслик, миллий валютанинг номинал алмашув курсининг паст ва барқарор даражасини сақлаб туриш ва унинг реал алмашув курсининг ошишига йўл қўймаслик йўли билан экспортни рағбатлантириш таклифи асосланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

пул тизимини мустаҳкамлашнинг назарий-услугий асосларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалиётга татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 30 июндаги 10-16/998А-сон далолатномаси), жумладан:

тижорат банкларининг кредит экспансиясини рағбатлантириш орқали монетизация даражасини ошириш хусусидаги таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида тижорат банкларининг кредитлари 2014 йилда 2013 йилга нисбатан 31,2 фоизга кўпайгани ҳолда, монетизация даражаси 0,2 фоизли пунктга ошган;

иқтисодиётда пул таклифини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш йўли билан пул массаси ўсиш суръатининг барқарорлигини таъминлаш таклифининг амалиётга татбиқи натижасида Марказий банкнинг депозит операциялари ҳажми 2014 йилда 2013 йилга нисбатан 215 млрд. сўмга ошган;

конверсион операциялар ҳажмини ошириш йўли билан миллий валютанинг девальвация суръатини пасайтириш хусусидаги тавсиянинг амалиётга татбиқи натижасида миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан девальвация суръати 2014 йилда 2013 йилга нисбатан 1,0 фоизли пунктга пасайган ва 2015 йилнинг 1 январь ҳолатида, сўмнинг 1 АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курси 2420,40 сўмни ташкил этган;

пуллар таклифини таргетлаш шароитида, монетар сиёсат инструментларининг эластиклигини таъминлаган ҳолда, инфляцияни ўсишига йўл қўймаслик, миллий валютанинг номинал алмашув курсининг паст ва барқарор даражасини сақлаб туриш ва унинг реал алмашув курсининг ошишига йўл қўймаслик йўли билан экспортни рағбатлантириш хусусидаги амалий тавсиянинг амалиётга татбиқи натижасида 2014 йилда 2013 йилга нисбатан инфляциянинг йиллик даражаси 0,7 фоизли пунктга пасайгани ҳолда, миллий валюта –сўмнинг реал алмашув курсини Хитой юанига нисбатан 7,2 фоизга, Буюк Британия фунт стерлингига нисбатан 4,0 фоизга, Жанубий Корея вонига нисбатан 5,7 фоизга пасайишига эришилган.



**Педагогика фанлари
бўйича докторлик диссертациялари
ҳимояси тўғрисида эълонлар**

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич: «Умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни модернизациялашган дидактик таъминот воситасида ривожлантириш», 13.00.01– «Педагогика

назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент» (педагогика фанлари бўйича).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4Ped.47

Илмий маслаҳатчининг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Эгамбердиева Нодира Мелибаевна, педагогика фанлари доктори, профессор

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат педагогика университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи: Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги 16.07.2013 Ped.04.01 рақамли илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Қуронов Мухаммаджон, педагогика фанлари доктори, профессор Исаев Илья Федорович, педагогика фанлари доктори, профессор, Адизов Бахтиёр Рахмонович, педагогика фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Қозон федерал университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади модернизациялашган дидактик таъминот воситасида умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни ривожлантиришнинг концептуал асослари ва амалий-технологик тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи ижтимоий-сиёсий, миллий-маънавий, психологик-педагогик омилларнинг ўзаро алоқадорлиги ва модернизацион кўрсаткичлари аниқланган;

ўқувчиларда тарихий тафаккурни ривожлантиришнинг таянч, умумий ва хусусий компетенциялари тизими ишлаб чиқилган;

«ахборот истеъмоли маданияти»нинг тарихий тафаккурни ривожлантиришдаги аҳамияти асосланган ҳамда ўқувчиларда ахборот истеъмоли маданиятини таркиб топтиришнинг педагогик механизмлари такомиллаштирилган;

умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни ривожлантиришнинг нейрпедагогик хусусиятлари ва диагностик тизими аниқлаштирилган;

фалсафий-антропологик ёндашув асосида ўқувчиларда тарихий тафаккурни ривожлантириш босқичлари, мазмуни, шакл, метод ва воситаларини яхлитликда ўз ичига қамраб олган локал-модулли технология ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни модернизациялашган дидактик таъминот воситасида ривожлантириш бўйича илмий натижалари:

ўқувчиларда тарихий тафаккурни ривожлантиришга доир таянч, фанлараро ва хусусий компетенциялар тизими тарих ҳамда миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари туркумига кирувчи одобнома, Ватан туйғуси, миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фанлари бўйича узвийлаштирилган Давлат таълим стандарти («Ўзстандарт» агентлигининг 2010 йил 15 февралда 05-182-сонли қарори билан тасдиқланиб, 1713-сон рақам билан Давлат рўйхатидан ўтказилган) мазмунига сингдирилган. Мазкур компетенциялар тизими умумий ўрта таълим битирувчиларига қўйиладиган малака талабларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштирилган ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишга хизмат қилган;

умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ва омиллари, ўқувчиларда ахборот истеъмоли маданиятини таркиб топтириш механизмлари ва ахборий-дидактик таъминоти ҳамда фалсафий-атропологик ёндашув асосида ўқувчиларда тарихий тафаккурни ривожлантиришнинг амалий-технологик жиҳатлари педагогика олий таълим муассасаси бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган «Умумий педагогика» (№137-001-2016) дарслиги мазмунида ўз аксини топган. Натижада ижтимоий, фуқаролик, ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий тарбиянинг мазмун-моҳияти такомиллаштирилиб, мазкур тарбия турларини ташкил этишнинг интерфаол шакл, метод ва воситаларини тақдим этиш орқали бўлажак ўқитувчиларни модернизацион дидактик таъминотни амалиётга татбиқ этишга тайёрлаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни ривожлантиришнинг нейрпедагогик хусусиятлари ва диагностик кўрсаткичлари педагогика олий таълим муассасаси бакалавриат талабалари ва малака ошириш курси тингловчилари учун мўлжалланган «Қиёсий педагогика» (№220-005-2014) дарслиги мазмунида ўз ифодасини топган. Мазкур нейрпедагогик тадқиқот натижалари бўлажак ўқитувчиларда таълим-тарбия жараёнида индивидуал ёндашувни амалга оширишга доир фаолият тажрибасини таркиб топтириш

ҳамда умумтаълим мактаби ўқитувчилари томонидан инновацион таълим технологияларини қўллаш самарадорлигини янада оширишга хизмат қилган.

Юлдашев Мақсуджон Абдуллаевич: «Халқ таълими ходимларининг малакасини оширишда таълим сифати менежментини такомиллаштириш», 13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент (педагогика фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 31.03.2016/В2016.1.Ped73.

Илмий маслаҳатчи: УИ.Иноятов, педагогика фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи 16.07.2013.Ped.04.01.

Расмий оппонентлар: п.ф.д., профессор Қуронов Муҳаммаджон, п.ф.д., профессор Абдуқодиров Абдуқаҳҳор, п.ф.д., профессор Сазали Юсуф (Sazali Yusoff, Малайзия).

Етакчи ташкилот: Чоннам Миллий Университети, Корея Республикаси.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади халқ таълими ходимларининг малакасини оширишда таълим сифати менежментини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

халқ таълими раҳбар ходимларининг (бошқарув идоралари ва муассаса раҳбарлари) малакасини ошириш таълими мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат талаблари касбий фаолият хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда ишлаб чиқилган;

ХТХМОдан кейинги фаолияти самарадорлиги мониторинги механизми профессионал фаолият натижаси, ўқувчиларнинг билим даражаси ва касбий ривожланиши мезонларига асосланган ҳолда такомиллаштирилган;

ХТХМО муассасасининг таълим сифатини мақсадли бошқаришда меъёрий-методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш/назоратини амалга ошириш, таълим жараёни сифатини узлуксиз баҳолаб бориш ҳамда илғор педагогик технологияларни жорий этиш самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар асослаб берилган;

ХТХМО таълим муассасаси сифат менежменти тизими ўзини ўзи баҳолаш механизми асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

ХТХМО таълим сифати менежментини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

ХТХМО таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш ва таълим сифатини оширишга доир таклифлардан Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 августдаги 234-сон «Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 1, 3, 5 ва 6-иловалари билан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 10 февралдаги 02-02/1-8-446-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар ХТХМО муассасаларининг ташкилий тузилмаси ва ўқув-услубий таъминотини такомиллаштириш асосида таълим сифатини оширишга имкон яратди;

ХТХМО тизимида чет тиллар ўқитувчиларининг касб маҳоратини мақсадли ошириб бориш бўйича таклифлардан Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 мартдаги 67-сон «Умумтаълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари малакасини ва касб маҳоратини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 7 апрелдаги 02-02/1-8-993-сон маълумотномаси). Таклифларнинг жорий қилиниши халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган чет тили ўқитувчиларининг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда касбий маҳоратини ошириб бориш механизмининг такомиллаштириш имкониятини яратган;

ХТХМО тизимида сифат ва самарадорликни оширишга доир таклифлардан «Халқ таълими муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мазмуни ҳамда сифатига қўйиладиган Давлат талаблари»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (O'zStandart Давлат агентлигида 2013 йил 5 мартда O'zDSt 2767:2013 3523-қайд рақами билан рўйхатга олинган). Мазкур Давлат талабларининг жорий этилиши тизимдаги барча малака ошириш таълим муассасаларида таълим жараёнларини ягона ёндашув асосида ташкил этишни

таъминлаган;

тингловчиларнинг малака оширишдан кейинги фаолияти самарадорлиги мониторингини такомиллаштиришга доир таклифлардан Халқ таълими вазирлигининг 2015 йил 28 февралдаги 53-сон буйруғи билан тасдиқланган «Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълими муассасаларида тингловчиларнинг малака оширишдан кейинги фаолияти самарадорлиги мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида»ги низомни тайёрлашда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 7 апрелдаги 02-02/1-8-993-сон маълумотномаси). Мазкур мониторинг натижалари курслардаги таълим жараёнларини эҳтиёжларга асосланган ҳолда такомиллаштириб боришга хизмат қилади;

малака ошириш таълим муассасаларида таълим сифати назоратини такомиллаштириш бўйича таклифлардан Халқ таълими вазирлигининг 2015 йил 20 мартдаги 88-сон буйруғи билан тасдиқланган «Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом»ни тайёрлашда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 10 февралдаги 02-02/1-8-446-сон маълумотномаси). Мазкур низом малака ошириш таълимининг ички ва ташқи назоратини амалга оширишни ягона ёндашув асосида ташкил этиш имкониятини яратган.



Тиббиёт фанлари бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Кулманова Муножат Усмановна: «Сальмонеллез инфекцияси ва сурункали гепатитда ошқозон ва ичак шиллиқ қаватининг ҳимоя-тўсиқ функциясида апоптоз омилларининг аҳамияти», 03.00.01 – Биокимё (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/Б2014.3-4.Тib152.

Илмий маслаҳатчининг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Сабирова Рихси Абдукадировна, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент тиббиёт академияси.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент тиббиёт академияси, 16.07.2013.Тib.17.03.

Расмий оппонентларнинг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Хосе Мариа Пейнадо Херерос, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Арипов Абдумалик Нигматович, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Парпиева Наргиза Нусратовна, тиббиёт фанлари доктори.

Етакчи ташкилот номи: Чэнду Биология институти табиий ва клиник тиббиёт лабораторияси, Хитой Фанлар академияси (Хитой).

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади сальмонеллез инфекцияси, сурункали гелио-тринли гепатит ва улар биргаликда кечганда ошқозон ва ичак шиллиқ қавати ҳимоя-тўсиқ функциясини таъминлашда апоптоз омилларининг ўрнини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

липидлар перекисли оксидланишининг кучайиши, антиоксидант ҳимоя ферментлари ва монооксигеназа тизими фаоллиги ўзгариши микст-патология ривожланишидаги молекуляр механизмлари исботланган;

микст-патология ривожланишида ошқозон ва ичак шиллиқ қавати таркибий қисмларининг ўзгариши аниқланган; микст-патологияда мазкур аъзолар ҳимоя тўсиқ кўрсаткичлари миқдорини сальмонеллез ривожланишининг, айниқса 7- ва 10 -кунларида, ҳаққоний ўзгариши аниқланган;

микст-патологияда интерлейкинлар (ИЛ-1b, ИЛ-2, ИЛ-6) ва α - ўсма некрози омили кўп ишлаб чиқарилиши асосланган, тажрибанинг 7-кунда цитохром С, Bcl-2, 10-кунда эса α - ўсма некрози омили миқдорининг ҳаққоний ўзгариши аниқланган;

тизим ва локал даражада эндотелиал синтаза (eNOS) фаоллигининг пасайиши, азот оксиди

индуцибел (iNOS) синтазаси экспрессияси, пероксинитрит (ONO_2) ва NO кўрсаткичларининг кўпайиши исботланган;

ошқозон ва ичак шиллиқ қаватининг сальмонеллез инфекцияси учун митохондриял; сурункали гепатит учун – иммун; микст-патологияда эса – иммун ва митохондриял йўл орқали апоптоз ривожланиши схемаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Микст-патологияларда ошқозон ва ичак шиллиқ қавати ҳимоя-тўсиқ функциясини таъминлашда апоптоз омилини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлари, вирусология илмий-тадқиқот институтларининг клиникалари амалиётга татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 13 январдаги 8Н-3/36-сон маълумотномаси). Олинган фундаментал тадқиқотлар натижаларини жорий қилиниши натижасида ўткир сальмонеллез, гепатит ва микст-патологияси бўлган беморларда эрта диагностикаси, касалликни кечиши ва прогнозини яхшилаш натижасида беморларнинг ҳаёт сифатига ижобий таъсир этади ва касаллик асоратларини, беморнинг шифохонадаги ўрин кунини 20 фоизга камайтириш имкониятини яратган.

Абдурахмонов Отабек Бахтиёрович: «Бурун-ҳалқум ангиофибромасини ташхислаш ва даволашнинг клиник-патогенетик хусусиятлари», 14.00.04 – Оториноларингология (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/Б2014.3-4.Тиб19.

Илмий маслаҳатчининг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Джаббаров Карим Джаббарович, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент тиббиёт академияси, 16.07.2013.Тиб.17.01.

Расмий оппонентларнинг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Кванг Хьун Ким, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Поляков Владимир Георгиевич, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик; Касымов Кабул Касымович, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Грац Тиббиёт Университети (Австрия).

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади БХАнинг ривожланиш ва рецидивланиш хусусиятларини ўрганишда клиник-патогенетик, молекуляр-генетик текширишлар афзаллигини асослаш ҳамда олинган натижалар асосида ташхислаш ва операция усулини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бурун-ҳалқум ангиофибромасида ген-супрессор P53, қон томир эндотелий ўсиш омили (VEGF-A) ҳамда нитрооксиситетаза (NOS-3) генларидаги ўзгаришларни ўрганиш орқали касаллик кечиши, ўсма қайталанишининг юзага келиши ушбу генлар полиморфизмига боғлиқ эканлиги аниқланган;

бурун-ҳалқум ангиофибромасида аниқланган гормонал, интерферон оқсили ҳамда морфологик ўзгаришлар асосида касаллик ривожланишида прогностик аҳамиятга эга бўлган мезонлар асосида диагностик алгоритм ишлаб чиқилган;

илк бор касаллик кечиши ва қайталанишини прогнослаш учун ўсма ўсиш фаоллигининг патогенетик мезонлари аниқланган;

бурун-ҳалқум ангиофибромасини такомиллаштирилган (модификация қилинган) трансмаксилляр операция усули даволаш натижаларини сезиларли яхшилаши, қон йўқотишлар ҳажми ва ўсма қайталанишининг такрорланиш даражаси (частотаси)ни камайтириши исботланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Бурун-ҳалқум ангиофибромасининг давосини мониторинг қилиш ва рецидивини прогнослаш учун ишлаб чиқилган диагностик ва даво алгоритми бўйича олинган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Самарқанд давлат тиббиёт институти клиникаси ва Қашқадарё вилояти онкология диспансери амалиётга татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 16 декабрдаги 8Н-д/72-сон маълумотномаси). Жорий қилинган даво натижалари ўсма қайталаниши частотасини 2 марта (7,1%гача), қон

кетиш миқдорини 1,5 баробарга, ташхислаш усули эса хавфлилик даражасини 97% дан 60% га камайтириш билан бирга, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Хушвакова Нилюфар Журакуловна: «Болаларда ирсий носиндромал нейросенсор гарангликнинг клиник ва молекуляр генетик жиҳатлари», 14.00.04–оториноларингология (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/Б2014.5.Тиб349

Илмий маслаҳатчининг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Хакимов Абдумалик Махмудович, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Самарқанд тиббиёт институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент тиббиёт академияси, 16.07.2013.Тиб.17.01

Расмий оппонентлар Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Бюнг Йоон Чой, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Косяков Сергей Яковлевич, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Маткулиев Хаитбой Маткулиевич, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Вена Тиббиёт Университети (Австрия).

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда учрайдиган нейросенсор гарангликнинг носиндромал турини Сх26 ген мутацияси билан боғлиқлигини асослаш ва ушбу хасталикни даволаш тактикасини оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

болаларда ННСГнинг клиник-генетик хусусиятларига кўра учраш даражаси ва болалар касалликлари таркибида эшитишнинг пасайишига олиб келувчи ирсий омилларнинг таъсири аниқланган;

болаларда ННСГ оғирлашишида эшитиш даражаси, хасталикнинг бошланиш даври ва Сх26 гени мутацияларининг шикастловчи спектрларини ўзаро боғлиқлиги асосланган;

инбридинг (қариндошлар ўртасидаги никоҳ) муҳитида 35delG мутациялари нинг учраш даражаси панмикс муҳитдаги тегишли мутацияларга қарши таъсир қилиши, оғирлашмаган анамнезли оилаларни ажратишда инбридинг мутациянинг етакчи омили эканлиги исботланган;

носиндромал нейросенсор гарангликнинг генетик гетерогенлиги эрта ташхислаш ва оптимал даволаш учун алоҳида нозологик шакл сифатида гуруҳга ажратиш кераклиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Нейросенсор гарангликни эрта ташхислаш ва даволаш мониторинги ҳамда прогнози бўйича ишлаб чиқилган мезони соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Самарқанд давлат тиббиёт институти клиникаси ва Самарқанд вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида амалиётга татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 13 апрельдаги 8Н-3/54-сон маълумотномаси). ННСГ болаларни стационарда бўлиш муддати, дори-дармонларга талаби, ногиронлик нафақаси тўлови ва реабилитация муддати қисқариши билан самара берди. ННСГда 35delGнинг генетик мутациясини аниқланиши эшитишни самарали протезлаш ва кохлеар имплант (КИ) учун кўрсатма бўла олади ва реабилитация кўрсаткичларини яхшилади.

Базарова Сайёра Абдубаситовна: «Эндотелий фаолияти ва иммунитет кўрсаткичларининг ўзаро таъсирини ўрганиш асосида бронхиал астма давосини такомиллаштириш», 14.00.05 – ички касалликлар (тиббиёт фанлари)

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 31.03.2016/В2016.1.Тиб22.

Илмий маслаҳатчининг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Аляви Анис Лютфуллаевич, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги, 16.07.2013.Тиб.17.02.

Расмий оппонентларнинг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Гариб Виктория Фирузовна, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Романов Владимир Викторович, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Хамраев Аббор Асрорович, тиббиёт фанлари доктори.

Етакчи ташкилот номи: «Leading International Vision Hospital» клиникаси (Туркия).

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади Бронхиал астманинг клиник кечишига эндотелий тизими ҳолатини, бир қатор иммунологик кўрсаткичлар ва носпецифик иммунитет омилларининг таъсирини ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлигини умумлаштирган ҳолда баҳолаб, касалликнинг патогенетик давосини фармакологик такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

БА касаллигида азот оксиди тизими нитратсинтаза ферментининг фаоллиги, азот оксиди турғун метаболитлари ва субстрат (L-аргинин) миқдори ўзгаришларининг чуқурлиги баҳоланиб, касалликда ушбу кўрсаткичлар мувозанати ўзгариш даражасининг касаллик давомийлиги ҳамда клиник симптомларнинг оғирлигига боғлиқлиги кўрсатилган;

БАда азот оксиди тизимидаги ўзгаришлар билан иммун тизим кўрсаткичларидаги бузилишларнинг ифодаланганлик даражаси исботланган ҳамда ушбу ўзгаришларнинг ўзаро ва айрим клиник-инструментал кўрсаткичлар билан боғлиқлиги аниқланган;

узоқ вақт давом этган касаллик анамнези ҳамда ташқи нафас функцияси кўрсаткичларидаги обструктив ўзгаришларнинг эндотелий тизимидаги бузилишларнинг ривожланиши ва авж олишининг прогностик мезонлари сифатида қўлланилиш имкониятлари исботлаб берилган;

касаллик клиник кечишида обструктив кўрсаткичларнинг авж олиши ва зўрайишида L-аргинин миқдорининг камайиши патогенетик механизмлари кўрсатиб берилган;

БАга чалинган беморларда патогенетик давога қўшимча сифатида азот оксиди донатори бўлмиш L-аргининни қўллаш, патогенетик даво самарадорлигини ошириши исботланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

БАга чалинган беморларда касаллик клиник кечиши ва асоратларини прогноз қилиш мақсадида анъанавий клиник-биокимёвий, функционал текширишув усуллари билан биргаликда азот оксиди тизими кўрсаткичларини (азот оксиди турғун метаболитларини қондаги ва чиқарилаётган нафас кондентсатидаги, L-аргининни қондаги миқдори) аниқлаш ҳамда улар асосида БА патогенетик давосини эндотелиал тизим кўрсаткичларини тиклаш орқали такомиллаштириш юзасидан олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан 5-шаҳар клиник шифохонаси 2-терапия бўлимига, “Оқ тош” масъулияти чекланган жамият-санаторий амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 24 ноябрдаги 83/15-сон маълумотномаси). Бунда БАга чалинган беморлар ташқи нафас фаолияти кўрсаткичлари 22 фоизга яхшиланиши, ҳамда қайта госпитализациялар сонини 1,2 мартагача камайиши имконини беради.

Хамидова Гулозод Махсутовна: «Юрак қон-томир тизими ҳолатига радиочастота диапазонидаги электромагнит нурларнинг таъсири (клиник - экспериментал тадқиқот)», 14.00.05 – ички касалликлар (тиббиёт фанлари)

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/Б2014.3-4.Tib26

Илмий маслаҳатчининг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Каюмов Улуғбек Каримович, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент тиббиёт академияси, 16.07.2013.Tib.17.02.

Расмий оппонентлар: Ан Янг Кен тиббиёт фанлари доктори, профессор; Гариб Фируз Юсупович, тиббиёт фанлари доктори, Россия дипломдан кейинги таълим академияси профессори; Захидова Машкура Зияматовна, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Вена тиббиёт университети (Австрия)

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади радиочастотали электромагнит нурланишнинг бевосита ва доимий таъсири остида бўлган шахсларда мазкур нурланиш оқибатида келиб чиқувчи юрак-қон томир тизимидаги ўзгаришларини аниқлаш ҳамда бунда уларни парваришлаш тактикаси ва эрта ташхислаш мезонларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

радиочастота диапазонли электромагнит нурланиш таъсир хавфи мавжуд касб билан шуғулланувчи кишиларда юрак-қон томир патологиясининг шаклланиши ва зўрайишини

прогнозлаш усули ишлаб чиқилган;

илк бора тажриба моделида радиочастота диапазонли электромагнит нурланиш таъсири остида нурланишнинг экспозицияси ва қувватига қўра юрак қон-томир, иммунитет тизими ва модда алмашинуви айрим турлари бузилишларининг патогенетик механизмлари кўрсатиб берилган ва бузилишларнинг чуқурлиги баҳоланган;

илк бор бевосита ва узоқ муддат радиочастота диапазонли электромагнит нурланиш таъсири шароитларида ишловчи шахсларда юрак қон-томир тизимида содир бўладиган дегенератив бузилишларнинг хусусиятлари ва ифодаланганлиги исботланган ҳамда ушбу ўзгаришларнинг айрим клиник-инструментал ва биокимёвий кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

малон диальдегид билан супероксиддисмутазанинг ўзаро нисбатига асосланган интегратив кўрсаткич такомиллаштирилган, унинг юқори сезгирлиги ва спецификлиги ҳамда радиочастота диапазонли электромагнит нурланиш таъсирида юрак қон-томир тизимида юз берувчи бузилишларнинг ривожланиш ва авж олишининг прогностик мезонлари сифатида қўлланилиш имкониятлари исботлаб берилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

радиотўлқин диапазонли электромагнит нурланиш таъсири остида касбий хавф бўлган шахсларда юрак- қон томир тизимида жароҳатланишнинг шаклланиши ва ривожланишини прогнозлаш усули учун Ўзбекистон Республикасининг ихтирога патенти (№ИАР 20150374, 07.10.2015 й.) олинган. Мазкур усулда юрак қон-томир тизими бузилишларини эрта ташхислаш мезонларини қўллаган ҳолда уларни башоратлаш, радиочастотали электромагнит нурланишнинг таъсир хавфи мавжуд касб билан шуғулланувчи шахсларда касалланиш ва касбга боғлиқ ногиронланишни пасайтиришга имкон беради;

«электромагнит нурланишнинг узоқ муддат таъсир этиши натижасидаги органопатологияни иммунологик ташхислаш» методик қўлланма шаклида соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Санитария, гигиена ва касб касалликлари институти клиникасига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 30 ноябрдаги 8Н-д/67-сон маълумотномаси). Радиочастотали электромагнит нурланишнинг узоқ муддатли таъсирида аъзолар зарарланишини иммунологик ташхислаш усули даволашга сарфланадиган харажатларни ва дори-дармонларга бўлган эҳтиёжни камайтириш орқали иқтисодий наф келтиради.

Абдуллаева Чарос Абдуджалиловна: «Сурункали юрак етишмовчилигида эндотелий дисфункцияси: клиник-генетик ва фармакотерапевтик жиҳатлари», 14.00.06 – кардиология (тиббиёт фанлари)

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/Б2014.3-4.Тиб29.

Илмий маслаҳатчи: Камилова Умида Кабировна, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент тиббиёт академияси

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, 16.07.2013.Тиб.19.01.

Расмий оппонентлар: Константинос Тсиуфис, тиббиёт фанлари доктори; Афина Университети профессори, Ярмухамедова Гулнора Хабибовна, тиббиёт фанлари доктори, доцент, Абдуллаев Тимур Атаназарович, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Вестчестер Тиббиёт Маркази (Нью Йорк, АҚШ).

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади Миокард инфаркти ўтказган беморларда СЮЕ ривожланишидаги эндотелий дисфункциясининг клиник-гемодинамик, генетик ва гуморал предикторларини аниқлаш ва вазопротектив дори воситалари самарадорлигини баҳолашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

СЮЕли беморларда эндотелий функцияси кўрсаткичлари (реактив гиперемияли синама, тромбоцитлар агрегацион фаоллиги, фон Виллебранд омили), оксидатив стресс ва липид алмашинуви жараёнлари ва уларнинг касалликнинг зўрайиб бориши билан ўзаро боғлиқлиги асосланган;

илк бор ўзбек миллатига мансуб СЮЕли беморларда эндотелиал дисфункция ривожланишининг молекуляр-генетик детерминантлари аниқланган ҳамда NO-синтаза гени

полиморфизми билан юрак ремоделланиши ва эндотелий функционал ҳолатлари бузилишлари орасида ассоциация ва корреляцион боғлиқлик мавжудлиги исботланган.

СЮЕли беморларда кўп тўйинмаган ёғ кислотаси - омега-3 билан узоқ муддатли даволаш касаллик клиник кечиши, беморлар ҳаёт сифати кўрсаткичлари яхшилаши асосланган ҳамда вазопротектив таъсир кўрсатиши натижасида қон-томир ремоделланиш жараёнига ижобий таъсири исботланган;

кўп тўйинмаган ёғ кислотаси - омега-3ни СЮЕли беморларда комплекс даволашда қўлланиши оксидатив стресс кўрсаткичларининг камайиши, антиоксидант ферментлар ва липид алмашинуви кўрсаткичларининг яхшиланишига олиб келиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

сурункали юрак етишмовчилигида эндотелий дисфункциясининг генетик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида «Инфарктдан кейинги даврда сурункали юрак етишмовчилигининг келиб чиқишини прогнозлаш усули» бўйича Ўзбекистон Республикасининг ихтирога патенти олинган (№IAP20140168, 15.03.2016й.). Ушбу усул сурункали юрак етишмовчилигини ривожланиши ва асоратларини олдини олиш имконини беради. Сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларда самарали даволаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, шу жумладан Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиали, Республика терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, 1 ва 7-сон Тошкент шаҳар клиник шифохоналарига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 3 майдаги 8Н-д/17-сон ва 2016 йил 3 февралдаги 84-3/40-сон маълумотномалари). Тадқиқот натижалари СЮЕ бўлган беморларда эндотелиал дисфункцияни эрта диагностикаси ва фармакотерапияни оптималлаштириш, касалликнинг кечиши ва прогнозини яхшилаш натижасида беморларнинг ҳаёт сифатига ижобий таъсир этади ва касаллик асоратларини 21 фоизга камайтириш имкониятини яратди.

Рахимова Дилорам Алимовна: «Сурункали ўпқаланган юракда ўнг қоринчанинг структур-функционал ҳолати ва нейрогуморал, вегетатив факторларнинг бошқарилиши» (патогенетик ва терапевтик хусусиятлари), 14.00.06 – Кардиология, 14.00.05 – Ички касалликлар (тиббиёт фанлари)

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 31.03.2016/В2016.1.Tib205

Илмий маслаҳатчининг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Аляви Анис Лютфуллаевич, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Убайдуллаев Абдулла Мухаррамович, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси ФА академиги.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази ва Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, 16.07.2013.Tib.19.01.

Расмий оппонентларнинг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Ярмухамедова Гульнора Хабибовна, тиббиёт фанлари доктори; Захидова Машхура Зияматовна, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Аралов Неъмат Равшанович, тиббиёт фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Андижон давлат тиббиёт институти.

Диссертация йўналиши: амалий ахамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади сурункали ўпка-юрагида ўнг қоринчанинг ремоделланиш ва нейрогуморал, вегетатив факторларнинг бошқарилиши ҳолатини аниқлаш ҳамда дифференциал даволаш тактикасини оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор юрак ўнг қоринча ремоделланиши, клиник кечишининг хусусиятлари, нейрогуморал ҳамда психовегетатив ҳолат ва ҳаёт сифати кўрсаткичларнинг СОЎК ва БАли беморларда бронхообструктив бузилишлар даражасига боғлиқлиги асосланган ва азот оксиди стабил метаболитлари (SM_{NO}), қоннинг кислород билан сатурацияси пасайиши, клиник ҳолатнинг оғирлашуви ва СҮЮ авжланишини белгилаш аниқланган;

тўқима гипоксияси шароитида ўзгаришга учраган эндотелий функцияси, антиоксидант ҳимоя ва юрак ўнг қоринчаси адаптацияланган механизми ремоделланиш ўзгаришларининг, енгил даража СОЎК бўлган беморлар билан бронхиал астма ўрта ва оғир поғонасидаги

кўрсаткичларининг мослиги исботланган;

нейрогуморал механизмлар ва психовегетатив ҳолат бузилишлари ўпка артериал гипертензияси ва ЎҚ дилатация/гипертрофияси авж олишининг оғирлигини белгиловчи асосий детерминантлардан ҳисобланиши исботланган;

СЎЮ бўлган беморлар даволанишини оптималлаштиришга ёрдам берувчи комплекс терапияга даво режасига β -блокатор (небиволол) ва калций антогонистини (амлодипин) киритиш ёндашуви асосланган;

даволаш режасига қўшимча озонотерапия киритилганда эндотелий функцияси ҳолатига аҳамиятли таъсири исботланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

СОЎК ва бронхиал астмада СЎЮни эрта ташхислаш, прогнозлаш мезонларини аниқлаш ва даволашнинг унумли усулларини қўллаш соғлиқни сақлаш тизими амалиётига, жумладан Тошкент тиббиёт академияси 1-сон клиникаси, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази клиникаси, Тошкент шаҳар 1-сон клиник шифохонаси, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази клиникаси фаолиятига татбиқ этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йил 17 мартдаги 8Н-Н/7-сон ва 2016 йил 10 февралдаги 8Н-3/43-сон маълумотномалари). Тадқиқот натижалари СЎЮ бўлган беморларда эндотелий дисфункциясини эрта ташхислаш ва фармакотерапиясини оптималлаштириб, касаллик кечиши, прогнози ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Ашурова Дилфуза Ташпулатовна: «Ўзбекистон Республикаси регионларида беш ёшгача бўлган болаларнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари», 14.00.09 – Педиатрия (тиббиёт фанлари)

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/Б2014.5.Тиб388.

Илмий маслаҳатчининг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Ахмедова Дилором Ильхамовна, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент педиатрия тиббиёт институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент педиатрия тиббиёт институти, 16.07.2013.Тиб.18.01.

Расмий оппонентларнинг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Шамсиев Ф.М., тиббиёт фанлари доктори, профессор; Долгов В.В., тиббиёт фанлари доктори; Каримджанов И.А., тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: «Академик И.П. Павлов номидаги Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети» федерал давлат бюджет ташкилоти.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади беш ёшгача бўлган болаларнинг жисмоний ривожланиш хусусиятларини ҳамда улар орасида овқатланишни яхшилашга доир дастурларни замонавий ташкилий-услубий ёндашув асосида аниқлаш ва яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ЖССТ тавсия этган янги стандартлар асосида беш ёшгача бўлган болалар жисмоний ривожланиши кўрсаткичлари (узунлиги/бўйи, вазни, тана вазни индекси), динамик ўсиши қонуниятлари, шунингдек, болаларда овқатланишнинг бузилиш шакллари мониторингини баҳолаш;

болалар овқатланиши, ўсиши ва ривожланишидаги бузилишларга олиб келувчи омиллар (туғилгандаги кам вазник, кўкрак сути билан эмизишдаги, айниқса илк 6 ойгача истисносли кўкрак сути билан эмизишдаги камчиликлари, ҳаётий муҳим микронутриентларнинг танқислиги, касалланиш, атроф-муҳит) таъсири аниқланган;

кам вазнда туғилган чақалоқлар гормонал адаптацияси ҳамда асосий касалликлари (бронхобструктив синдром, зотилжам) овқатланиш бузилишлари бўлган болаларда иммунологик кўрсаткичлари аниқланган;

республикада болалар жисмоний ва интеллектуал ривожланиши меъёрини таъминловчи ҳаётий муҳим микронутриентлар (темир моддаси ва А витамини) танқислиги профилактикаси бўйича амалга оширилаётган дастурлар самарадорлиги баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Беш ёшгача бўлган болаларнинг жисмоний ривожланиш хусусиятларини ҳамда улар

орасида овқатланишни яхшилашга доир дастурларни замонавий ташкилий-услубий ёндашуви асосида қилинган изланишлардан олинган илмий натижалар “Беш ёшгача бўлган болаларнинг ўсиши ва ривожланиши” методик қўлланма асосида соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Тошкент тиббиёт педиатрия институти клиникаси, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, ҳудудлардаги Қишлоқ врачлар пунктлари (ҚВП), оилавий поликлиникалар, марказий туман/шаҳар кўп тармоқли поликлиникалар фаолиятига жорий қилинган (Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг 2016 йил 7 январдаги 8НЗ/32-сон маълумотномаси). Илмий натижалар асосида тегишли тиббий-ташкилий чора-тадбирларни мақсадли амалга оширилиши натижасида болаларни қишлоқ врачлик пунктларига мурожаат қилиши 1,8 мартага ва госпитализация частотасининг камайишига имкон берган.

Усманова Дурдона Джурабаевна: «Мия сурункали ишемияси патогенезининг нейротрофик механизмлари ва клиник-иммунологик, гемодинамик хусусиятлари». 14.00.13 – неврология; 14.00.25 – клиник-лаборатор ва функционал диагностика (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/Б2014.3-4.Тиб55.

Илмий маслаҳатчиларнинг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Маджидова Якутхон Набиевна, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Арипов Абдумалик Нигматович, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, 16.07.2013.Тиб.19.01.

Расмий оппонентларнинг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Липатова Людмила Валентиновна, тиббиёт фанлари доктори; Рахимбаева Гульнора Саттаровна, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Хайбуллина Зарина Руслановна, тиббиёт фанлари доктори.

Етакчи ташкилот номи: И. П. Павлов номидаги Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси).

Диссертациянинг йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади сурункали мия ишемияси кечиши ва жадаллашувида иммунологик, гемодинамик ва нейротрофик механизмларининг ролини аниқлаш, даволаш тактикаси ҳамда ташхислаш ва прогнозлаш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

турли генезли (гипертоник ёки атеросклеротик) СМИни дифференциал ташхислашда клиник-инструментал, патобиокимёвий ва иммунопатологик кўрсаткичларнинг прогностик аҳамиятлилиги, ташхис сезгирлиги, ташхис хусусийлиги, олдиндан билишлик ва ташхис самарадорлиги асосида исботланган;

ультратовуш ва нейровизуализация усуллари ёрдамида СМИсида кузатиладиган органик ўзгаришларининг генезига боғлиқ ўзига хос хусусиятлари исботланган;

СМИни эрта ташхислаш, прогнозлашда цитокинлар ҳамда нейроспецифик оқсилларни қўллаш асосланган ва улардан касалликни патогенезини ташхислашда фойдаланиш мумкинлиги исботланган;

СМИни гипертоник генезида антихолинэстеразали терапия, атеросклеротик генезида эса нейропептидди даво муолажаларининг самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

СМИбилан оғриган беморларни дифференциал даволаш усуллари бўйича илмий натижалар асосидаги «Сурункали бош мия ишемиясини генези асосида дифференциал даволашга ёндошиш» мавзусидаги услубий тавсиянома соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббий марказ ва Урганч тумани тиббиёт бирлашмаси неврология ва терапия бўлимларининг даво-маслаҳат амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 26 ноябрдаги 8Н/19-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик муддати йилига ўртача 40 нафар бемор ҳисобига 4,6 млн. сўмга, бир кунлик жой ўрни 23 минг сўмни ташкил этган ҳолда даволаниш муддатининг 4 кунга қисқариши, шунингдек, анъанавий даволанишдан фарқ қилган ҳолда тез қайта тикланиш ҳисобига даволаниш қийматини (СМИнинг гипертоник генезли тури учун), СМИнинг учинчи босқичига ўтиш муддатини узайтириши, йилда 40 нафар бемор ҳисобига инвалидлик харажатларини 701,8 млн. сўмга камайтириш имконини берган.

Хайдарова Дилдора Кадировна: «Қон томир генезли меъерий когнитив бузилишларда клиник нейровизуализация параллеллари». 14.00.13 – неврология (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/Б2014.3-4.Тib59.

Илмий маслаҳатчининг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Маджидова Якутхон Набиевна, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент тиббиёт академияси.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, 16.07.2013.Тib.19.01.

Расмий оппонентларнинг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: А.А.Скоромец тиббиёт фанлари доктори, профессор; Ш.Ш.Магзумова тиббиёт фанлари доктори, профессор; Г.А. Душанова тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: «Н.И.Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети» Олий касб-хунар таълими давлат бюджет таълим муассасаси (Москва, Россия Федерацияси).

Диссертациянинг йўналиши: илмий амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади ўрта когнитив бузилишларнинг клиник, биокимёвий ва нейровизуаллашган хусусиятларини ўрганиш асосида уларни эрта ташхислаш, деменция олди бузилишларининг ривожланиши ва уларнинг томир деменциясига айланишини башорат маркерларини ишлаб чиқиш билан терапевтик тузатишни оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ЎКБларни эрта босқичларда аниқлаш, уларнинг ривожланиши ва деменцияга ўтишини олдиндан аниқлаш имконини берувчи нейропсихологик, нейровизуализацион ва биокимёвий комплекс текширишлар ўртасида ўзаро боғлиқлик аниқланган;

СМИ фонида ЎКБлар билан касалланган беморларда деменция олди бузилишларнинг шаклланишида холинергик жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

когнитив бузилишларнинг юзага келишида МРТ-трактография ёрдамидаги фракцион анизотропия кўрсаткичларнинг ва когнитив чақирилган потенциалларнинг P300 кўрсаткичлари дисбаланси исботланган;

амнестик ёки мультифункционал меъерий (ўртача) когнитив бузилишлар турига мувофиқ уларнинг терапевтик боғлиқлиги қайд этилган яъни холинергик нейропротекция ва цитопротекцияни қўллашга жавобан СМИда дифференциаллашган натижа кўринишидаги ЎКБнинг амнестик ва мультифункционал турлари структур қисмларидаги ижобий динамика билан боғлиқлик аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Қон-томир генезли ЎКБлар билан касалланган беморларни самарали даволаш бўйича олинган илмий натижалар «Томир генезли ўрта когнитив бузилишлар мавжуд беморларда патогенетик йўналтирилган терапияни оптималлаштириш» услубий тавсияномаси асосида соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Бухоро вилоят кўп тармоқли шифохонаси, Тошкент шаҳар 5-клиник шифохонасига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 24 февралдаги 8Н-г/14 ва 2015 йил 29 октябрдаги 83/12-сон маълумотнома). Миянинг сурункали ишемияси фонида меъерий когнитив бузилишлар мавжуд беморларда юқорида айтиб ўтилган тавсияларнинг қўлланилиши натижасида даволаш самарадорлиги 21,3 фоизга ошишига имконият яратган.

Аминов Хабибулла Джалалитдинович: «Болалардаги симптоматик эпилепсияда нур тадқиқот усулларининг ташхисий аҳамияти», 14.00.19 – Клиник радиология (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/Б2014.5.Тib439

Илмий маслаҳатчининг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Икрамов Адхам Ильхамович, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази ва Тошкент тиббиёт академияси, 16.07.2013.Тib.20.01.

Расмий оппонентлар Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Лукьянченко Александр Борисович, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Зарединов Дамир Арифович, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Маджидова Якутхон Набиевна, тиббиёт фанлари доктори,

профессор.

Етакчи ташкилот номи: «Академик И.П. Павлов номидаги Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети» федерал давлат бюджет ташкилоти (Россия Федерацияси).

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади болалик давридаги симптоматик эпилепсияни ташхислашни нейровизуализация усуллари ёрдамида такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор меъёрда ёшга доир ҳолда бош мия фракцион анизотропия ва ўртача диффузион лаёқат кўрсаткичлари ишлаб чиқилди;

симптоматик эпилепсияли болаларда одатий МРТ протоколининг имкониятлари ва этиологик омилга боғлиқ равишда бош миёда патологик ўзгаришлар топилишининг учраш частотаси аниқланган;

симптоматик эпилепсияли болаларда ЭЭГдаги турли функционал ўзгаришлар билан МРТда бош мия ярим шарларидаги микроструктур ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

симптоматик эпилепсияли болаларда диффузион ўлчанган кетма-кетлик натижаларини қайта ишлаш усули ишлаб чиқилган ва ўтказувчи йўллар шикастланиши оғирлик даражасини баҳолаш имконини берувчи фракцион анизотропия коэффиценти, ўртача диффузион қобилият кўрсаткичлари аниқланган;

симптоматик эпилепсияли болаларда МР-спектроскопия усулининг ташхисий аҳамияти исботланган, уни бош миёдаги метаболик жараёнларни сифатий ва микдорий ўзгаришларини, анатомик жойлашувини белгилаш имконини бериши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Болалардаги симптоматик эпилепсияни ташхисини мукамаллаштириш бўйича олинган илмий натижалар «Симптоматик эпилепсияли болаларда МРТ ташхисини диффузион ўлчамдаги кетма-кетликни қўллаш орқали такомиллаштириш» услубий тавсияномаси асосида соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Тошкент вилояти ихтисослаштирилган шифохонаси ва Тошкент шаҳар 3-клиник шифохонаси амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 27 июлдаги №8н-г/43-сон маълумотномаси). Олинган натижалар симптоматик эпилепсияли болаларда ташхис сифатини ошириш, даволаш тактикасини танлаш, касаллик ремиссиясини 2,5 марта узайтириш, бемор болаларни касалхонага жойлаштирилишини йилига 1,4 марта камайтириш, даволаш сарф-харажатларини 2 маротаба камайтириш имконини берган.

Юлдашев Абдуазим Абдувалиевич: «Юқори лаб ва танглайнинг туғма кемтикларида альвеоляр ўсиқ пластикасини такомиллаштириш», 14.00.21–стоматология (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/Б2014.5.Tib451.

Илмий маслаҳатчининг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Дусмухамедов Махмуд Закирович, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент тиббиёт академияси.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент тиббиёт академияси, 16.07.2013.Tib.17.01.

Расмий оппонентлар: Jin Young Choi, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Мамедов Адиль Аскерович, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Гулямов Суръат Саидвалиевич, тиббиёт фанлари доктори, доцент.

Етакчи ташкилот: Шимолий Каролина университети (АҚШ).

Диссертация йўналиши (назарий ёки амалий аҳамиятга молик): амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади тажриба ҳайвонлари ҳамда юқори лаб ва танглай туғма кемтикли болалар АЎКни аутосуяк билан тиклашда киндик мембранасини қўллаш афзаллигини асослаш ҳамда такомиллашган операция усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

киндик мембранаси трансплантантга қопланганда юмшоқ тўқималарнинг ўсиб киришидан ҳимоялаши ва суякнинг эрта реваскуляризациясига олиб келиши аниқланган;

эрта реваскуляризация суяк резорбциясига барҳам бериши ва унинг минераллашувининг яхшиланишига олиб келиши аниқланган;

юқори жағ альвеоляр ўсиғи туғма кемтигини бартароф этишда киндик мембранасини

биологик материал сифатида қўллаш стандарти ва протоколи ишлаб чиқилган;

ЮЛТК болалар альвеоляр ўсиқ пластикасида киндик мембранасини қўллаб, янги усул ишлаб чиқилган;

киндик мембранаси ва мембранасиз альвеолопластика ўтказилган болалар сўлагидида оғиз бўшлиғи носпецифик ҳимоя омиллари орасидаги коррегирланган боғлиқлик аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Юқори лаб ва танглай туғма кемтиклигида юқори жағнинг альвеоляр ўсиғи пластикаси усулини такомиллаштириш бўйича олинган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Тошкент давлат стоматология институти клиникаси, Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда Бухоро вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази амалиётига татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 11 июндаги 8/07-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар даволаш самарадорлигини ошириш ва шифохонада даволаниш кунини альвеолопластика операциясидан кейин 20 фоизга қисқартириш имконини яратган.

Ирисметов Муроджон Эргашевич: «Тизза бўғимини ёзувчи контрактураларининг диагностикаси, даволаш ва реабилитацияси», 14.00.22 – Травматология ва ортопедия (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/Б2014.5.Тиб452

Илмий маслаҳатчи: Азизов Мирҳаким Жавҳарович, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Травматология ва ортопедия илмий текшириш институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази ва Тошкент тиббиёт академияси, 16.07.2013.Тиб.20.01.

Расмий оппонентлар: Орлецкий Анатолий Корнеевич, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Байбеков Искандар Мухамедович, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Жураев Ахрор Махмудович, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: «Республика травматология ва ортопедия илмий-амалий маркази» Давлат ташкилоти Беларус Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади тизза бўғими ёзувчи контрактураларини ташхислаш усулларини оптималлаштириш йўллари билан даволаш натижаларини яхшилаш, оптимал оператив даволаш усулларини ва операциядан кейинги беморларни олиб бориш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тизза бўғими ёзувчи контрактураси бўлган беморлар учун оптимал оператив кириш йўли ва янги юқори самарадор оператив тиклаш усули клиник амалиётда ишлаб чиқилган;

тизза бўғимида мобилизацияловчи операция билан биргаликда бўғим юзаларини консервирланган аллоген киндик тўқимаси билан артропластика қилиш операцияси ишлаб чиқилган;

тизза бўғими жароҳатдан кейинги турғун ёзувчи контрактураси билан оғриган беморларни комплекс клинко-инструментал текшириш диагностикасида МСКТ ва артроскопия клиник асосланган ҳолда биргаликда қўлланиши асослаб берилган;

бўғим ичи ва бўғимдан ташқари травмалардан сўнг сон ва тизза бўғими юмшоқ тўқималарининг гистоморфологик ҳолати ўрганилган ҳамда иммобилизация фонида ёзувчи контрактура ривожланишида тизза бўғими дренаж фаолияти бузилишининг патогенетик аҳамияти асослаб берилган;

тизза бўғимида капсула дефекти бўлган ҳолларда янги мобилизацияловчи ва капсулопластика операция усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Тизза бўғимини ёзувчи контрактураларининг диагностикаси, даволаш ва реабилитацияси асосида: «Тизза бўғими ёзилган контрактураларини хирургик даволаш усули»га Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 03898, 2009). Бу усул бўғим юзаси гиалин қаватининг тезроқ регенерацияланиш имконини беради; «Тизза бўғимининг ёзувчи контрактурасини жарроҳлик йўли билан даволаш усули»га Ўзбекистон

Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 04110, 2010). Бу усул тизза бўғимида операциядан кейинги яранинг тезроқ бирламчи битишига ва ҳаракатларни эрта бошлашга имкон беради; «Тизза бўғими ёзилувчи контрактураларини жарроҳлик йўли билан даволаш усули»га Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 04870, 2011). Бу усул бўғимининг букилиш амплитудасини оширади; амалиётга, жумладан Травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институти, Тошкент вилоят кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси, Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси, Тошкент тиббиёт академияси клиникасида татбиқ қилинди (Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2016 йил 5 майдаги 8н-д/9 маълумотномаси). Ўтказилган тадқиқотлар «яхши» узоқ муддатли натижаларни 66,1% дан 90,8% гача ошириш имконини берди.

Шорустамов Мухаммад Тоджалиевич: «Чаноқ косачаси шикастлари ва асоратларини даволаш усулларини такомиллаштириш», 14.00.22 – Травматология ва ортопедия (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/Б2014.3-4.Тиб252

Илмий маслаҳатчининг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Каримов Муродулла Юлдашевич, тиббиёт фанлари доктори.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент тиббиёт академияси.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази ва Тошкент тиббиёт академияси, 16.07.2013.Тиб.20.01.

Расмий оппонентлар Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Лазарев Анатолий Фёдорович, тиббёт фанлари доктори, профессор; Джураев Ахрор Махмудович, тиббёт фанлари доктори, профессор; Золотова Наталья Николаевна, тиббиёт фанлари доктори, доцент.

Етакчи ташкилот номи: академик Г.А.Илизаров номидаги «Травматология ва ортопедия тикланиши» Россия илмий маркази.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади эндопротезлаш самарадорлигини ошириш учун қўймич косачаси шикастлари ва уларнинг асоратлари оғирлик даражасини баҳолашнинг ташхисий мезонларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

шикаст ўзгаришлари оғирлик даражасини аниқлаш ва даволашнинг оптимал тактикасини танлаш имконини берувчи КТ маълумотлари бўйича чаноқ-сон бўғими элементларини ўлчовли силжишларини объектив баҳолаш билан қўймич косачаси жароҳатларида анатомик-структур бузилишлар таснифий белгилари ишлаб чиқилган;

синиқларни битиши учун оптимал шароит яратиш ва чаноқ-сон бўғими функционал қобилияти тўлиқ тикланиши бўйича қўймич косачаси жароҳатларини даволаш учун ўзакли компрессион-дистракцион аппарат такомиллаштирилган;

жароҳат жойидаги барча тузилмаларни визуаллаш, хирургик амалиётнинг барча техник томонларини бажарилишини осонлаштириш ва адекват назорат қилиш имконини берувчи қўймич косачаси жароҳатларида жароҳатга орқа кириш усули такомиллаштирилган;

бирламчи мурожаат қилган беморларда чаноқ-сон бўғими чуқурчаси синишларининг барқарорлигини ташхислашнинг экспресс усули ишлаб чиқилган;

қўймич косачаси жароҳатларини хирургик даволаш ва чаноқ-сон бўғимини эндопротезлашдан сўнгги яқин ва узоқ муддатларда чаноқ-сон бўғими функцияларини тикланиш даражаси аниқланган;

қўймич косачаси жароҳати оқибатларининг рентгенометрияси асосида чаноқ-сон бўғими таркибий қисмлари имплантацияси усулини танлашнинг хирургик тактикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

чаноқ сон жароҳати билан беморларни хирургик даволаш учун таклиф этилган такомиллаштирилган чаноқ косачасини синишларида ташхислаш усули, ўзакли компрессион-дистракцион аппарат, шунингдек ташхислаш, даволаш ҳамда реабилитациялаш тактикасини танлаш алгоритми соғлиқни сақлаш, амалиётга, жумладан Тошкент тиббиёт академияси 2-клиникаси бўғим ва кафт хирургияси республика ихтисослаштирилган маркази, Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази амалий фаолиятига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 15 октябрдаги 8Н-д/58-сон маълумотномаси). Олинган

натижалар ҚК жароҳатларини ташхислаш сифатини яхшилаш, даволаш тактикасини белгилаш, касалликнинг рецидивларини бартараф этиш, операциянинг ижобий натижалари улушини 74,4% дан 84,6% ҳолатгача ошириш ва беморларнинг стационарда бўлиш даврини 44,5±3,8 дан 7,8±0,2 суткагача қисқартириш имконини берди.

Адылходжаев Аскар Анварович: «Периампуляр ўсмаларда хирургик тактикани такомиллаштириш», 14.00.27 – хирургия (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.06.2015/Б2015.2.Тib642.

Илмий маслаҳатчининг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Хакимов Мурод Шавкатович тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент тиббиёт академияси.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази, АЖ ва Тошкент тиббиёт академияси, 16.07.2013. Тib.20.01.

Расмий оппонентлар Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Хан Док Чонг, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Вишневский Владимир Александрович, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Юсупбеков Абдорбек Ахмаджанович, тиббиёт фанлари доктори.

Етакчи ташкилот номи: Мемориал Слоан Кеттиринг Канцер маркази (Нью Йорк, АҚШ).

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади периапуляр ўсмалар асоратланган механик сариқлик кузатилган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш сифатини ошириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўсма касаллигининг босқичи ва тарқалганини аниқлаш ҳамда оптимал хирургик даво усулини танлашда диагностик лапароскопия амалиётининг самарадорлиги исботланган;

механик сариқлик билан асоратланган периапуляр ўсма аниқланган беморларда радикал операциялар ўткази олишни олдиндан аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилган;

гастропанкреатодуоденал резекцияда панкреатикодигестив анастомоз етишмовчилигининг олдини олиш усули ишлаб чиқилган;

ПАЎ билан беморларни босқичли даволаш тактикаси бўйича клиник тавсиялар ишлаб чиқилди ва ретроград ва антеград жигар орқали амалиётлар, паллиатив ва радикал операцияларнинг танлови оптималлаштирилган;

механик сариқлик билан асоратланган периапуляр ўсмаларда тўсиққа, сариқликнинг давомийлигига ва тахмин қилинган даволаш усулига боғлиқ ҳолда ўт суюқлиги чиқишининг мезонлари аниқланган;

механик сариқлик билан асоратланган ПАЎ бўлган беморларга ташхис қўйиш ва ўт йўллариининг декомпрессияси усулини режалашда МРПХГ ўрни аниқланди.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

механик сариқлик билан асоратланган ПАЎ бўлган беморларда лаборатор-инструментал ташхис қўйиш усуллари баҳо берилган. Юқори аниқлик билан ташхис қўйиш, унинг муддатини қисқартириш ва жарроҳлик даволаш усулини аниқлашда магнит-резонансли панкреато-холангиографияни ва мультислайс компьютер томоангиографиянинг самарадорлиги исботланган;

МС билан асоратланган ПАЎ беморларга такомиллаштирилган ташхис қўйиш алгоритми беморларни самарали даволаш тактикасини аниқлашда имкон берди, яъни ўт чиқариш йўллариининг сиқилиб қолиши камайтирилди, бу эса ўз навбатида жарроҳлик усулида даволашни ва даволаш натижаларининг яхшиланишига олиб келди;

МС билан асоратланган ПАЎ ретроград ва антеград эндобилиар усуллар билан даволаш натижаларининг таҳлили асосида тўсиқнинг даражасига, МС давомийлигига, қўшимча касалликлар пайдо бўлишига ва мўлжалланган даволаш усулининг самарадорлигига баҳо берилган.

диагностик лапароскопия ўтказиш учун ишлаб чиқилган мезонлар радикал операция қилиш, паллиатив анастомоз қўйиш ёки операциядан воз кечиш, шунингдек, кераксиз бўлган лапаротомияларни ўтказмаслик учун асос бўлди;

механик сариқлик билан асоратланган ПАЎ диагностикаси ва даволаш натижаларини баҳолаш асосида радикал операциялар ўтказиш учун ишлаб чиқилган дастур ушбу операцияларни ўтказиш ва кузатилиши мумкин бўлган асоратларни аниқлаш имконини беради;

гастропанкреатодуоденал резекциядан кейинги панкреатикодигестив анастомоз

етишмовчилигининг олдини олиш услуги ишлаб чиқилгани ва унинг амалиётга киритилгани, панкреатик фистула келиб чиқишини камайтиради ва жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилайти;

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, МС асоратланган ПАЎ бўлган беморларни даволашда тавсия этилган кўрсатмаларга риоя қилиш ва ҳар бир беморга мос бўлган жарроҳлик амалиётини танлаш операциядан кейинги асоратларнинг келиб чиқишини ва жарроҳлик амалиётидан кейин учрайдиган нохуш ҳолатларнинг камайишига олиб келади.

Мирзахмедов Мурод Мирхайдарович: «Катталарда Гиршпрунг касаллигининг диагностикаси ва амалиёт усулини танлаш», 14.00.27–хирургия (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/Б2014.3-4.Тиб133.

Илмий маслаҳатчининг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Наврузов Саримбек Наврузович, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Республика колопроктология илмий маркази.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази ва Тошкент тиббиёт академияси, 16.07.2013.Тиб.20.01.

Расмий оппонентларнинг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: С.И.Ачкасов, тиббиёт фанлари доктори, профессор (Москва); А.В.Воробей тиббиёт фанлари доктори (Беларусь Республикаси); А.М. Хаджибаев тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: «Тошкент педиатрия тиббиёт институти»

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади диагностика усулини оптималлаштириб, катталарда Гиршпрунг касаллиги билан касалланган беморларда тўғри ичакни қорин - анал резекцияси ва чамбар ичакни анал каналига ортиғи билан тушириш амалиётини қўллаган ҳолда хирургик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

катталарда Гиршпрунг касаллигининг клиник кечиш белгилари аниқланган;

ишлаб чиқилган алгоритм диагностика чора-тадбирлари Гиршпрунг касаллигини катталарда учрайдиган бошқа турдаги мегаколон билан қиёсий ташхис ўтказишда ёрдам беради;

катталарда Гиршпрунг касаллиги билан оғриган беморларга ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган янги тўғри ичакни икки бригадали қорин-анал резекцияси амалиёт модификацияланган тўғри ичакни қорин-анал резекцияси амалиётдан кейин кузатилган яқин ва узоқ натижалари бошқа турдаги бажарилган жарроҳлик амалиётлари билан таққослаш ўтказилган;

илк бора гистологик, эндоскопик ва клинко-рентгенологик текширувлар натижаларига асосланиб, тўғри ичакни қорин-анал резекцияси «тушириш» амалиёти стандартлаштирилган ҳолда (бир ва кўп босқичли), амалиётлар бажарилишига кўрсатмалар аниқланиб, амалиётдан кейинги даврдаги кузатиладиган асоратларни ва касалликнинг қайталаниши олдини олиш мақсадида комплекс чора-тадбирлар такомиллаштирилган;

катталарда Гиршпрунг касаллигини даволаш тактикаси йўғон ичакнинг кенгайганлик ва интоксикация даражаси, беморнинг умумий аҳволи, йўғон ичакни амалиётга визуал тай-ёргарлик натижасига, ўтказилган консерватив даво чора-тадбирларни инобатга олган ҳолда ва касалликнинг клиник кўринишига қараб, жарроҳлик даволаш тактикаси аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Катталарда Гиршпрунг касаллигида ишлаб чиқилган тўғри ичакни қорин-анал резекцияси ва «тушириш» амалиёти (ихтиро патенти №IAP 05140, 17.12.2015 йил) ҳамда шу касалликни даволаш йулини оптималлаштириш бўйича ишлаб чиқилган методик қўлланмалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан колопроктология илмий маркази, 1-шаҳар клиник шифохонаси, Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт шифохонаси амалиётига жорий этилган. Тадқиқот натижалари Тошкент тиббиёт Академиясининг УАШ жарроҳлик кафедрасида қўлланмоқда (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йил 30 декабрдаги 8Н-к/366-сонли маълумотномаси). Олинган натижаларнинг жорий қилиниши Гиршпрунг касаллиги билан касалланган катта ёшли беморларда диагностика усулини яхшилаш, амалиёт усулини танлаш, касаллик қайталанишининг олдини олиш, амалиётдан кейинги асоратлар ва

қониқарсиз натижаларни 7,7% дан 4,5% гача камайтириш, бемор шифохонада бўлиш кунини қисқартириш ва умри давомийлигини узайтириш имконини берган.

Юсупалиев Баходир Кахраманович: «Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини – қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини аккредитациялашнинг услубий ёндашуви ва тиббий-ташкилий чора-тадбирларини такомиллаштириш», 14.00.33 – Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 31.03.2016/В2016.1.Тib289

Илмий маслаҳатчининг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Асадов Дамин Абдурахимович, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, 16.07.2013.Тib.19.01.

Расмий оппонентларнинг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Магзумова Шахноза Шахзадэевна, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Бабаджанов Абдумурат Саттарович, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Худайбергенов Абдулла Маткаримович, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Андижон давлат тиббиёт институти.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини аккредитациялашнинг услубий ёндашуви ва тиббий-ташкилий чора-тадбирларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тиббий хизмат кўрсатиш сифат даражасини объектив баҳолаш юзасидан қишлоқ врачлик пунктлари аккредитациясининг индикаторлари ва стандартлари (тиббий ёрдамни ташкил қилиш, бошқариш ва молиялаштириш самарадорлиги; кадрлар билан таъминланганлик; моддий-техник база; ахборот-ресурс базаси) ишлаб чиқилган;

ҚВПлардаги патронаж хамшираларнинг фаолияти самарадорлигини ва кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини баҳолаш тизими ишлаб чиқилган;

ҚВПнинг ҳар бир ходимининг функционал вазифаларини бажариши ва сифат кўрсаткичларга (бириктирилган аҳолининг қатновлар сони; ижтимоий аҳамиятга молик касалликларнинг кечикиб қўйилган ташхислар сони; аҳоли соғлиғининг ҳолати ва касалланиш кўрсаткичлари; моддий-техник базаси ва инфраструктураси) асосланган ҳолда уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизими ишлаб чиқилган;

ҚВПлар фаолиятини марказий туман кўп тармоқли поликлиникалари томонидан самарали мувофиқлаштиришнинг такомиллашган тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини аккредитациялашнинг услубий ёндашуви ва тиббий-ташкилий чора-тадбирларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини такомиллаштиришга оид ишлаб чиқилган илмий натижалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 2014 йил 5 мартдаги 50-сон “Қишлоқ врачлик пунктларини янада мақбуллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 11 сентябрдаги 02/08-сон маълумотномаси). Натижаларнинг жорий қилиниши алоҳида меҳнат шароитлари учун ҚВПда фаолият кўрсатаётган шифокорларга тариф ставкасига 25% миқдорида махсус устама жорий этиш, белгиланган кўшимча ҳақ ва устамаларни ҳисоблашда лавозим маоши таркибига киритиш, ҳамда ҚВПларнинг патронаж тиббий хамшираларига узлуксиз иш стажини учун максимал устама миқдори тариф ставкасининг 20 фоизидан 40 фоизигача ошириш имконини берган;

ҚВПнинг янги штат нормативлари бўйича таклифлар тегишли хужжатлар доирасида тасдиқланган (Молия вазирлигининг 2014 йил 3 мартдаги 18-13-08/26-сон, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2014 йил 2 мартдаги 2-сон, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йил 2 мартдаги 06-3/102-1-сон қўшма қарорлари). Ишлаб чиқилган таклифлар ҚВП ходимлари штат нормативларига тегишли ўзгартиришлар киритиш имконини берган;

«ҚВП патронаж тиббий ҳамшираларининг фаолияти самарадорлигини рейтинг бўйича баҳолаш тартиби тўғрисидаги» (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2014 йил 28 мартдаги 10 ва 26-сон қўшма қарори) ҳамда «ҚВП фаолиятини рейтинг бўйича баҳолаш тартиби тўғрисидаги» вақтинчалик низомлар (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 5 январдаги йўриқномаси), «ҚВПни аккредитация қилиш учун қўлланма» (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 14 майдаги 136-сон протоколи), «Тажриба аккредитацияси учун ҚВПни ўзини ўзи баҳолаш мезонлари» ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. ҚВП патронаж тиббий ҳамширалари ишлари самарадорлигини рейтинг бўйича баҳолашга доир ишларнинг натижалари 5 та тумандаги 96 та ҚВПда, ҚВП фаолияти самарадорлигини баҳолашга доир ишларнинг натижалари эса – республиканинг 18 та туманидаги 319 та ҚВПга жорий этилган.

Ирсалиева Фатима Хуснутдиновна: «Ўзбекистонда махсус иммунотерапияни респираторли аллергияларда оптималлаштиришнинг замонавий жиҳатлари», 14.00.36 – аллергиялогия ва иммунология (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/Б2014.5.Тиб527.

Илмий маслаҳатчининг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Назаров Азадбек Ахмедович, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент тиббиёт академияси

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иммунология институти ва Тошкент тиббиёт академияси, 16.07.2013.Тиб.16.01.

Расмий оппонентларнинг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони: Жаннат Бахытовна Испаева тиббиёт фанлари доктори, профессор; Сраждеддин Бабаходжаев, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Шухрат Худайбердиевич Зиядуллаев, тиббиёт фанлари доктори.

Етакчи ташкилот номи: Россия Федерал тиббий-биологик агентлиги «Иммунология институти» Давлат илмий маркази (Москва, Россия Федерацияси).

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади поллинозли беморларда аллергия-махсус иммунотерапия таъсирини асослаш ва Ўзбекистон ҳудудида респиратор аллергияли беморларни даволаш стратегиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистон шароитида ҳудудий чанг аллергияларини ҳисобга олган ҳолда ноинвазив сублингвал АМИТ имкониятлари аниқланган ва АМИТдан сўнг номахсус ва аллергия-махсус тўқимавий сезувчанликнинг маълум даражада пасайиши кузатилган;

илк бор оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати клиник, иммунологик маълумотлари ҳамда кўрсаткичлари ўзаро боғлиқлигининг АМИТ самарадорлиги ва самарасизлиги прогнозига таъсири аниқланган;

Ўзбекистон ҳудудида чанг сезувчанлиги характериға қараб поллинозларнинг «мавсумий ҳуруж»лари тузилиши ишлаб чиқилган ва модификацияланган аралаш ва/ёки йил давомидаги АМИТни кенгайтириш учун беморларнинг потенциал контингенти белгиланган;

поллинозларни даволашда янги йўналиш – АМИТга бўлган қўшарилган ёндашув ёки тизимли энзимотерапия билан бирга ўтказиладиган йил давомидаги АМИТ ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Ўзбекистонда респираторли аллергияларда махсус иммунотерапияни оптималлаштиришнинг замонавий жиҳатлари бўйича тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш



амалиётига, жумладан Республика илмий ихтисослашган аллергиялогия маркази, Тошкент тиббиёт академияси III клиникаси, Тошкент 1-сон клиник касалхонаси амалиётига татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 11 мартдаги 8Н-3/50-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар сублингвал иммунотерапия анъанавий усуллардан самарадорлигини кўрсатган, даволаш самараси ва ҳаёт тарзи сифатини оширган, ремиссия даврини узайтирган, дори-дармонларга эҳтиёжини камайтирган ва уни қўллаш йил давомида

мурожаат қилган аллергия касаллар сони бўйича 23,9 млн сўм иқтисод қилиш имконини яратган.

Фармацевтика фанлари бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Қамбаров Хусан Джахангирович: «Маҳаллий доривор ўсимлик хомашёси асосида юрак қон-томир ва седатив таъсирга эга дори воситалари технологиясини ишлаб чиқиш», 15.00.01–Дори технологияси ва фармацевтика ишларини ташкил этиш (фармацевтика фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Far9.

Илмий маслаҳатчи: Азизов Умархон Мухтарович, кимё фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент фармацевтика институти, Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент фармацевтика институти, 16.07.2013.Far.21.01.

Расмий оппонентлар: Сағдуллаев Баходир Тахирович, техника фанлари доктори; Қориева Ёқут Саидқосимовна, фармацевтика фанлари доктори; Тўхтаев Ҳаким Раҳмонович, фармацевтика фанлари доктори.

Етакчи ташкилот номи: Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий доривор ўсимликлар комбинацияси асосида юрак қон томири тизимига таъсир қилувчи ва седатив таъсирга эга самарали янги дори препаратлари таркиби ва технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юрак-қон томири тизимига таъсир қилувчи янги маҳаллий «Sharq Tabibi» бальзами, қуруқ экстракти, таблеткаси ва седатив таъсирга эга «Фитопассит» қиёми (сиропи), қуруқ экстракти ва капсуласи янги дори препаратлари яратилган;

илк бор юрак-қон томир тизимини рағбатлантирувчи «Sharq Tabibi» дори воситасининг бальзам ва таблетка дори шакллари, ҳамда седатив таъсирга эга «Фитопассит» қиёми ва капсула дори шакллариининг технологиялари ишлаб чиқилган;

«Sharq Tabibi» ва «Фитопассит» дори шакллариининг сифатини назорат қилиш ва стандартлаш усуллари аниқланган;

оригинал дори воситалари «Sharq Tabibi» ва «Фитопассит»нинг биосамарадорлиги «in vitro» ва «in vivo» тажрибалари асосида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Янги дори препаратларининг таркиби ва технологияси ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Sharq Tabibi» бальзами учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (02.07.2004й. № IAP 03324). Илмий тадқиқот натижасида олинган таркиб касалликлари вегетатив-қон томир дистанцияси касалликларини самарали даволаш имконини берган;

«Фитопассит» седатив қиёми (сиропи) учун эса Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (18.11.2009 й. № IAP 04508). Илмий тадқиқот натижасида олинган таркиб невростания касаллигини самарали даволаш имконини берган;

«Sharq Tabibi» бальзами (2002 йил 29 декабрдаги №02/580/1), қуруқ экстракти (2015 йил 29 майдаги №00136/05/15) ва таблеткалари (№21-15), шунингдек «Фитопассит» қиёми (сиропи) (2012 йил 8 июндаги №12/159/), қуруқ экстракти (2015 йил 14 августдаги №00257/08/15) ва капсуласи (2015 йил 14 августдаги №26-15) Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармасида рўйхатдан ўтказилган;

«Sharq Tabibi» бальзами «Galenika» МЧЖ корхонаси (ФСП 42 Уз-018522199-0538-2012) ва «Фитопассит» седатив қиёми «Ўзкимёфарм» АЖ (ВФС 42 Уз-2035-2012) томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу дори препаратлари ўхшаш таъсирга эга бўлган чет элдан олиб келинаётган препаратларнинг ўрнини босади.

Мақсудова Фируза Хуршидовна: «Диклофенак натрий дори препаратларининг таркиби

ва технологиясини такомиллаштириш, уларнинг биофармацевтик кўрсаткичларини баҳолаш», 15.00.01–Дори технологияси ва фармацевтика ишларини ташкил этиш (фармацевтика фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Far13.

Илмий маслаҳатчи: Кариева Ёқут Саидкаримовна, фармацевтика фанлари доктори, доцент.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент фармацевтика институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент фармацевтика институти, 16.07.2013.Far.21.01.

Расмий оппонентлар: Садиков Турғун, техника фанлари доктори; Юнусова Халида Маннановна, фармацевтика фанлари доктори, профессор; Зайнутдинов Умаржон Насрутдинович, кимё фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади диклофенак натрийнинг самарали, узоқ муддат сақланганда турғун монофаол ҳамда комбинирланган дори препаратларини таркиби ва технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ностероид яллиғланишга қарши таъсирга эга бўлган гель, ичакда эрувчи таблетка ва капсула дори турлари кўринишидаги монофаол ва комбинирланган дори препаратлари таркиби ва технологияси ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган гел ва капсула дори турларидан қўлланилаётган ёрдамчи моддаларнинг таъсир этувчи моддаларнинг ажралиб чиқишига таъсири аниқланган;

яратилган диклофенак натрий таблеткалари учун биоэквивалентлик концепциясидан келиб чиқиб илк бор «Biowaver» тартибини қўллаган ҳолда референт препарат билан терапевтик ўзаро алмашинуви назарий асосланган ва тажрибада тасдиқланган;

таклиф этилаётган дори препаратлари учун сифат ва миқдорий кўрсаткичларни турғунлигини таъминловчи сақланиш шароитлари ва яроқлилиқ муддатлари белгиланган;

ишлаб чиқилган дори препаратларининг специфик фаоллиги ва безарарлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Диклофенак натрий дори препаратлари таркиби ва технологиясини такомиллаштириш ҳамда уларнинг биофармацевтик кўрсаткичларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

диклофенак натрийнинг 25 мг ва 50 мг таблеткалари (НД 42 Уз-8773-2012) ҳамда диклофенак натрийнинг 3% гели учун меъёрий ҳужжатлар (ФСП 42 Уз-22175941-1680-2015) Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси томонидан тасдиқланган (2012 йил 15 мартдаги 5-сон ва 2015 йил 23 декабрдаги 28-сон буйруқлари);

диклофенак натрийнинг 25 мг ва 50 мг таблеткалари ҳамда 3% гели Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббиёт амалиётида кенг қўллашга рухсат берилганлигига асосан (2012 йил 28 мартдаги 81-сон ва 2015 йил 25 декабрдаги 93-сон буйруқлари), уларни «Remedy Group» МЧЖ ҚҚда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Ушбу дори препаратларини ишлаб чиқариш уларнинг ассортиментини кенгайтиради ва импорт ўрнини босади. Бугунги кунгача диклофенак натрийнинг ичакда эрийдиган 25 мг ва 50 мг таблеткаларини 9 712 ва 9 658 қадоклари ҳамда 189 198 қадок 3%ли гели ишлаб чиқарилган;

диклофенак натрийнинг 25 мг ва 50 мг ичакда эрийдиган таблеткаларига (ПР 42-Уз-03873/22175941-1765-2014) ва диклофенак натрийнинг 3% гелига (ПР 42-Уз-03873/22175941-1763-2014) саноат ишлаб-чиқариш регламентлари ҳамда диклофенак натрий ҳамда бензкетозоннинг комбинирланган гели ва капсуласига тажриба саноат ишлаб-чиқариш регламентлари ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Убайдуллаева Зебинисо Алишеровна: «Пневмония билан касалланган болаларда цефалоспорин қатори антибиотикларидан оқилона фойдаланишга фармакоиктисодий ёндашув», 15.00.01–Дори технологияси ва фармацевтика ишларини ташкил этиш (фармацевтика фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Far2.

Илмий маслаҳатчи: Зайнутдинов Хикматилла Суннатович, фармацевтика фанлари

доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент фармацевтика институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент фармацевтика институти, 16.07.2013.Far.21.01.

Расмий оппонентлар: Асадов Саъдулла Исматович, фармацевтика фанлари доктори; Тростянский Дмитрий Валерьевич, иқтисодиёт фанлари доктори; Джубатова Роза Спановна, тиббиёт фанлари доктори.

Етакчи ташкилот номи: Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда пневмонияни интенсив даволаш босқичида цефалоспорин қаторидаги антибиотиклардан фойдаланиш самарадорлигини фармако-иқтисодий баҳолашнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

дори-дармонлар билан даволашнинг фармакоиқтисодий усулларини баҳолаш, медикаментоз даволашнинг альтернатив вариантларини ва уларни баҳолаш мезонларини самарадорлигини аниқлашнинг асосий принциплари асосланган ва шакллантирилган;

болаларда пневмонияни даволаш учун антибиотиклардан оқилона фойдаланишни фармакоиқтисодий баҳолаш методикаси ишлаб чиқилган;

дори-дармон препаратлари бозорида трансакция харажатлари таҳлилини қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

соғлиқни сақлаш миллий мезонларига татбиқан НТА методологияси такомиллаштирилган ҳамда пневмония билан касалланган болаларни даволаш харажатларининг самарадорлигини фармакоиқтисодий баҳолаш асосланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

дори-дармонлар билан даволашни фармакоиқтисодий баҳолаш, дори-дармонлар билан даволашнинг муқобил вариантлари ва улар самарадорлигини баҳолаш мезонларини аниқлашнинг асосий принциплари ва усулларидан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йил 6 май 234-сон буйруғи билан тасдиқланган “Дори воситаларидан оқилона фойдаланиш” услубий тавсияларини ишлаб чиқишда фойдаланилган. Бу тиббиёт ташкилотларига инсонлар саломатлигининг ўзгаришини прогноз қилиш, даволаш харажатларини қисқартириш баробарида унинг сифатини оширган ҳолда бир вақтда инсонларга самаралироқ ёрдам кўрсатиш имконини берган;

болаларда пневмонияни даволашда антибиотиклардан оқилона фойдаланишни фармакоиқтисодий баҳолаш методикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йил 27 декабрь 443-сон буйруғи билан тасдиқланиб, вояга етмаган болалар учун дори воситаларининг асосий рўйхатини тайёрлашда фойдаланилган. Республика ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт педиатрия маркази ва Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг клиник амалиётга жорий этилиши дори-дармон препаратлари бозорини баҳолаш ва болаларда пневмонияни даволаш учун энг мақбул схемани аниқлаш имконини берган. Натижада касалларнинг стационарда бўлиш муддатлари ва касаллик асоратлари пайдо бўлиши хавфи қисқарган;

тиббий технологияларни баҳолашнинг соғлиқни сақлаш миллий мезонларига мувофиқ такомиллаштирилган методологияси (НТА) пневмония билан касалланган болаларни даволаш харажатларининг самарадорлигини фармакоиқтисодий таҳлил қилиш инструментарийси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йил 18 сентябрь 8-Н-р/304-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ёш болаларда шифохонага боғлиқ бўлган пневмонияни даволашга замонавий ёндашувлар” услубий тавсияларда фойдаланилган. Диссертация тадқиқотининг тавсиялари асосида Республика ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт педиатрия маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси ва вилоят, шаҳар кўп тармоқли болалар касалхоналари учун формулярлар яратилган.

Ходжаева Ирода Ахматходжаевна: «3d–металлар биоккомплекси асосида олинадиган дори препаратларининг таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш», 15.00.01–Дори технологияси ва фармацевтика ишларини ташкил этиш (фармацевтика фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 12.05.2015/В2015.1.Far27.

Илмий маслаҳатчи: Назарова Зарифа Алимджановна, фармацевтика фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент фармацевтика институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент фармацевтика институти, 16.07.2013.Far.21.01.

Расмий оппонентлар: Дусматов Азиз Файзаматович, фармацевтика фанлари доктори; Сагдуллаев Баходир Тахирович, техника фанлари доктори; Исмаилова Мохинур Гафуровна, фармацевтика фанлари доктори.

Етакчи ташкилот номи: Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади рух, мис ва темир микроэлементларининг биофаол комплекс бирикмалари асосида гипополипидемик, антиатеросклеротик, витилиго ва анемия касалликларига қарши самарали дори препаратлари таркибини ишлаб чиқиш ва технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор суртма дори шаклининг витилигони даволаш учун мис ва пиридоксин комплекс бирикмаси купирни ўзи ичига олган, кўшимча равишда пирацин, витамин Е, диметилсульфоксид кирган таркиби ва эмульсион асосларда мўътадил танланган технологияси ишлаб чиқилган;

янги таркибли гипополипидемик ва антиатеросклеротик хоссага эга оригинал «Пирацин-RG», 50мг ва 100мг қобиқланган таблеткалари технологияси математик режалаштириш усулида ишлаб чиқилган;

таркибида купир, пирацин, антиоксидант ва пенетрант сақловчи витилиго касаллигига қарши мураккаб қўш комплексли суртма дори шаклини биофармацевтик кўрсаткичлари аниқланган;

анемия касаллигига қарши таъсирли, таркибида темир гидроксид полимальтоза комплексини сақловчи «Феррат-С» қиёмнинг сувда яхши эрувчан, ширин таъмли ва организмга осон сингиб кетадиган моддалар асосида самарали технологияси ишлаб чиқилган;

«Пирацин-RG» қобиқланган таблеткасининг биосамарадорлиги «in vitro» ва «in vivo» тажрибалар асосида таъсир этувчи модданинг ажралиб чиқиш тезлиги ва сўрилиши ўртасидаги миқдорий корреляция борлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

3d-металлар биокомплекси асосида олинadиган дори препаратларининг таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Купивит» дори воситаси учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти (30.04.2015й. №IAP 05029) олинган. Илмий тадқиқот натижасида олинган таркиб тери касалликларини самарали даволаш имконини берган;

ишлаб чиқилган препаратлар Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси рўйхатига олинган («Феррат-С» №00269/09/15; «Пирацин-RG» 0,25% инъекция учун эритмаси №11.109.9) ҳамда тегишли корхона фармакопея мақолалари («Феррат-С» қиёми МХ 42Уз-3415-2016, «Пирацин-RG» 0,25% инъекция учун эритмаси КФМ 42 Уз-22175941-1785-2011) тасдиқланган;

«Пирацин-RG» инъекция учун эритмаси ва «Феррат-С» қиём дори препаратлари «REMEDY GROUP» кўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилмоқда (ПР 42 Уз-03873/22175941-1718-2013 ва ПР 42 Уз-03873/22175941-1820-2016). Ушбу дори препаратлари ишлаб чиқариш импорт ўрнини босади.

Ибрагимова Марета Мухарбековна: «Сульфонилмочевина ҳосилаларига мансуб айрим антидиабетик препаратларнинг кимё-токсикологик хоссалари», 15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия (фармацевтика фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Far21.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент фармацевтика институти, Тошкент шаҳар суд-тиббий экспертиза бюроси.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент фармацевтика институти, 16.07.2013.Far.21.01.

Расмий оппонентлар: Таджиев Мансур Азизович, фармацевтика фанлари доктори, профессор; Зайнутдинов Ҳикмат Суннатович, фармацевтика фанлари доктори, профессор;

Искандаров Алишер Искандарович, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади айрим сульфонилмочевина ҳосилаларини биологик суюқликлар ва объектларда суд-кимё экспертизани ўтказиш учун кимё-токсикологик таҳлил усулларини такомиллаштириш бўйича услубий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

биологик суюқликлар ва объектлардан (ички аъзолар) олинган ажратмалар таркибида сульфонилмочевина ҳосилаларини (СМХ) гуруҳига мансуб препаратларни идентификациялашнинг шароитлари ҳамда кейинги дифференциация учун турли физик-кимёвий таҳлил усуллари - юпқа қатлам хроматографияси (классик ва Toxi-Lab АБ тизимида модификация қилинган), юқори самарали суюқлик хроматографияси (ЮССХ), УБ- ва ИҚ-спектрофотометрия, сирт ионлашув масс-спектрометрия (СИ/МС) ва термодесорбцион сирт-ионлашув спектроскопия (ТДСИС) ишлаб чиқилган;

биообъектларда СМХ идентификациялаш учун Toxi-Lab АБ тизимидаги ЮҚХ, СИ/МС ва ТДСИС усулларини қўллаш илк бор асослаб берилган;

суд-кимё объектларида ўрганилаётган препаратларнинг миқдорини аниқлашнинг спектрофотометрик, ТДСИС ва ЮССХ таҳлил усулларининг мўътадил шароитлари ишлаб чиқилган;

сувли эритмалардан СМХ препаратларини органик эритувчилар ёрдамида экстракциялашнинг мўътадил шароитлари ва ушбу жараёнга турли омиллар таъсири (рН муҳити, органик эритувчи табиати, электролитлар таъсири) назарий асосланган ва тажрибада аниқланган;

органик заҳарларни ажратиб олишнинг умумий қабул қилинган суд-кимёвий усулларининг СМХ га нисбатан қўлланилиши тажрибада асосланган ва улар қиёсий баҳоланган;

СМХ препаратларини биологик тўқима ва суюқликларда умумий ва хусусий усуллар асосида ажратиб олишнинг услублари ишлаб чиқилган;

биологик объектлардаги соэкстрактив моддалардан текширилувчи препаратларни тозалашнинг юпқа қатламли ва колонкали хроматография усуллари ишлаб чиқилган;

биологик материалнинг одатдаги шароитларда чириши ва мазкур жараёнга консервант таъсири остида ундаги СМХ препаратларининг сақланувчанлик муддатлари аниқланган;

СМХ препаратларининг суд-кимё текширувларини ўтказишда биологик объект сифатида мурданинг ички аъзолари ва биологик суюқликларини танлаб тавсия этиш мақсадида иссиқ қонли тажриба ҳайвонлари организмиде СМХ тахминий тарқалиши тажриба йўли билан аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Биологик объектларда СМХ препаратларини суд-кимёвий таҳлил усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

СМХ препаратлари «Биологик материалларни умумий заҳарларга суд-кимё экспертизасини (тадқиқот) ўтказиш» G-1 стандартига киритилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йил 10 январдаги 8-сонли ва 2015 йил 4 мартдаги 82-сонли буйруқлари). Суд-кимёвий экспертизани сифат назоратини юқори даражадаги объективликка эга бўлган хулосани таъминлаш мақсадида ўтказилган учун ушбу стандарт ишлаб чиқилган;

суд-кимёвий экспертиза ва тадқиқотлар ўтказиш учун технологик регламент сифатида «Биологик моддаларда СМХ суд-кимёвий аниқлаш» (АБЙ.Г.232.2013) ва «Биологик суюқликларда СМХ суд-кимёвий аниқлаш» (АБЙ.Г.233.2013) деб номланган Амалларни бажариш йўриқномалари ишлаб чиқилган. Ишчи йўриқномаларда амалларни бажариш кетма-кетлиги, сифат мезонлари ва натижаларнинг тўғрилиги аниқ келтирилган;

биологик объектларда СМХ кимё-токсикологик ва суд-кимёвий таҳлили бўйича 9 та услубий тавсияномалар ишлаб чиқилган (2015). Усуллар бажаришнинг оддийлиги, тезкорлиги, юқори сезувчанлиги ва иқтисодий самарадорлиги билан тавсифланган;

биологик суюқликлардан ўрганилаётган препаратларни Toxi-Lab АБ системаси ёрдамида экспресс таҳлили ва Ўзбекистон Республикаси ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари клиник биокимёвий лабораториялари фаолиятига татбиқ этиш учун СМХ препаратларнинг қандли диабетда инсон организмидеги метаболизмини билвосита баҳолаш бўйича 2 та услубий тавсиянома ишлаб чиқилган (2015). Усулларни ушбу лабораторияларнинг

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар раҳбарлари диққатига!

Докторлик диссертацияси ҳимояси ҳақида Ўзбекистон Республикаси ОАК веб-сайти ва Ўзбекистон Республикаси ОАК Бюллетенида эълон қилиш учун диссертация ҳимояга қабул қилиниб, расмий оппонентлар ва етакчи ташкилот тасдиқлангандан сўнг, 5 иш куни ичида диссертация автореферати чоп этилишидан аввал қуйидаги ҳужжатлар илмий кенгаш илмий котиби томонидан Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим этилади:

- а) илмий кенгаш раиси имзолаган йўлланма хат¹;
- б) илмий даража талабгори тўғрисидаги объектив-маълумотнома;
- в) диссертация илмий натижаларининг амалиётга жорий этилгани тўғрисида берилган ҳужжатларнинг нусхалари;
- г) докторлик диссертацияси автореферати қўлёзмаси².
- д) қуйида келтирилган шакл асосида тайёрланган эълон матни.

Докторлик диссертацияси ҳимояси ҳақида ОАК веб-сайти ва Ўзбекистон Республикаси ОАК Бюллетенида эълон қилиш бўйича эълон матни шакли:

I. Умумий маълумотлар.

Диссертация мавзуси, ихтисослик шифри (илмий даража бериладиган фан тармоғи номи).

Талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолият олиб боришга лаёқати бўйича тест синовидан ўтгани ҳақида маълумот.

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам.

Илмий маслаҳатчининг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони.

Диссертация бажарилган муассаса номи.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами.

Расмий оппонентларнинг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони.

Етакчи ташкилот номи.

Диссертация йўналиши (*назарий ёки амалий аҳамиятга молик*).

II. Тадқиқотнинг мақсади.

III. Тадқиқотнинг илмий янгилиги (диссертациянинг ҳар бир илмий янгилигининг моҳияти тавсифланган ҳолда қисқа, лўнда ва тушунарли таҳрирда берилади).

IV. Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши (диссертациянинг амалиётга жорий этилган ҳар бир илмий натижаси келтирилган, моҳияти тавсифланган ва қиёсий самараси кўрсатилган ҳолда баён қилинади. Унда амалиётга жорий қилинганини тасдиқловчи ҳужжатни берган ташкилот номи ва ҳужжатнинг санаси келтирилади).

ИК раиси Ф.И.Ш
ИК илмий котиби Ф.И.Ш
Илмий маслаҳатчи Ф.И.Ш
Талабгор Ф.И.Ш

Сана муҳр

Изоҳ: Эълон матни 1–2 саҳифада компьютернинг Times New Roman шрифтида, 12 кегль катталиқда бир интервалда берилади.

Эълон матнининг электрон версияси ҳам топширилиши керак.

Эълон матни таҳририй жиҳатдан аниқ ва равон берилиши керак.

Эълонга қабул қилинган ҳужжатларнинг меъёрий-техник экспертизаси натижалари асосида эълон матни 10 иш куни ичида ОАК веб-сайтига жойлаштирилади ёки илмий кенгашлар электрон манзилларига (E-mail ёки E-xat) юборилади.

1 Йўлланма хатда аттестация тадбирларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳам санаси кўрсатилган ҳолда келтирилади (талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатлилиги бўйича тест синови натижаси (илмий даражаси) ҳамда хорижий мамлакатнинг тегишли муассасаси етакчи ташкилот ва таниқли мутахассис-олими расмий оппонент сифатида жалб этилганда, ушбу жараёнга тегишли барча сарф-харажатларни муайян ташкилот томонидан белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилиши бўйича ахборот берилади).

2 ИК раиси, илмий котиби, илмий маслаҳатчи ва илмий даража талабгори томонидан имзоланган ҳамда автореферат матнининг (ўзбек, рус ва инглиз тиллари) тегишли таҳририят томонидан таҳрирдан ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

имкониятлари доирасида қўллаш мумкинлиги, ўрганилаётган препаратларни қисқа муддатда аниқлаш ва ўзаро дифференциаллаштиришнинг қўлдан келтириб бўлиб қилинган дозани қондаги концентрацияси бўйича ўзгаришларни яхши назорат қилиш имтиёзлари; ўрганилаётган препаратларнинг объектидаги адамийлик моддалар ва бирикмалар дори воситаларининг термодесорбцион сирт-ионлашув спектрига (2015) таърири қилинган. Атласдаги СМХ хоссалари ҳақидаги маълумотлар юқори сифатли, ихтисослашган ва кам харажатли термодесорбцион сирт-ионлашув спектроскопиyasулида таҳлил ўтказиш вақтни қисқартиради (№ВГУ 00319. 18.06.2015 й.).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари руйхатига мувофиқ ихтисосликлар паспортининг янги таҳрири чоп этилди.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари паспортининг янги таҳририда тегишли маълумотлар тулиқ келтирилиб, унда ҳар бир ихтисосликнинг формуласи ҳамда тадқиқот объекти келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Бюллетенининг мазкур сони нашри учун масъуллар:

А. Юсупов
А. Даминов
С. Зулунов
Р. Мирсаатов
А. Хужакулов
С. Халиқов
Б. Шамуратов
А. Шамсиев
К. Тўхтабеков
А. Зуфаров
Ю. Иноятова
М. Соипова

А. Расулов
А. Саримсаков
П. Усманов
А. Ҳасанов
Н. Самигов
Л. Гафурова
Т. Аҳмедов
У. Бегимқулов
А. Маврулов
Ф. Алиджанов
О. Махманов (компьютер таъминоти)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Олий аттестация комиссияси Бюллетени, 2016 йил 2-сон.

Босишга 2016 йил 4 июлда рухсат этилди. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}.
Офсет усулида босилди. Босма табағи – 10,7
Нашриёт-ҳисоб табағи – ____. Адади 1500 нусха. Буюртма № ____ .
Сотувда келишилган нархда.

Тахририят манзили: 100047, Тошкент, Академик Яҳё Ғуломов кўчаси,
70-уй. e-mail: info@oak.uz

босмаҳонасида чоп этилди.